

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Fil.113.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

НОРОВА ГУЛСАНАМ МАХСУТОВНА

ЎЗБЕК ТИЛИ ЗАРАФШОН ВОҲАСИ ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИ
ЛЕКСИКАСИНИНГ ЛИНГВОАРЕАЛ ТАДҚИҚИ

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар: Муродова Нигора
филология фанлари доктори, профессор

ЖИЗЗАХ – 2021

МУНДАРИЖА

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси).....	3
Ишда қўлланилган транскрипцион белгилар ва шартли қисқартмалар.....	10
I БОБ. ЗАРАФШОН ВОҲАСИ ЎЗБЕК ХАЛҚ ШЕВАЛАРИ ЛЕКСИКАСИНING ЛУҒАТ ФОНДИ ВА ЛУҒАТ ТАРКИБИ.....	17
1.1.Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларининг лексик қатламлари.....	22
1.1.1.Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларида умумтуркий лексик қатлам.....	24
1.1.2. Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларида ўзлашган лексик қатлам.....	34
1.2. Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларининг мавзуй гуруҳларига оид диалектал сўзларнинг ареали.....	48
1.3.Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларининг диалектлараро муносабати.....	57
II БОБ. ЗАРАФШОН ВОҲАСИ ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИ ЛЕКСИКАСИ ЛУҒАВИЙ-МАЪНОВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ЛИНГВОАРЕАЛ ТАДҚИҚИ.....	62
2.1.Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларида кўп маъноли сўзларнинг ареали.....	62
2.2. Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларида лексик синонимларнинг ареали.....	64
2.3 Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларида лексик омонимларнинг ареали.....	75
2.4. Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларида лексик антонимларнинг ареали.....	78
2.5. Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларида табу ва эвфемизмлар	81
III БОБ. ЗАРАФШОН ВОҲАСИ ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИНИНГ ЛИНГВО-ГЕОГРАФИК ХАРИТАЛАРИ.....	88
3.1. Лингвистик хариталар ва шеваларни хариталаштириш.....	88
3.2.Зарафшон воҳаси ўзбек шевалари лексик хусусиятларининг лингво-географик хариталари.....	94
ХУЛОСА.....	113
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	116
ИЛОВАЛАР.....	126

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё тилшунослигининг диалектология соҳасида диалектал ҳодисаларнинг мукамал ареал тавсифини яратишда муайян ишлар бажарилиб, шевалар бўйича тўпланган диалектал материаллар асосида халқларнинг ҳаёти ва турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган жуда кўплаб сўзлар адабий тилга олиб кирилмоқда. Бу соҳа бўйича тадқиқот ишлари кенгайиб, ҳинд-европа тиллари Е.А.Макаев, славян тиллари Р.И.Аванесов, Н.И.Толстой, герман тиллари В.М.Жирмунский, роман тиллари М.А.Бородина, болқон тиллари А.В.Десницкаялар томонидан ўрганилиб, салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Маълумки, ареал лингвистиканинг лисоний-жуғрофий таҳлилий усули маълум ҳудудда тарқалган тил ҳодисаларини аниқлайди, ҳудудий тил хусусиятларини ўрганиб, уларнинг ўрни ва тарқалиш чегарасини хариталар орқали кўрсатади. Шунинг учун муайян халқ шеваларининг лингвистик хариталарини яратиш соҳа тараққиётини таъминлайдиган муҳим омиллардан ҳисобланади.

Жаҳон тилшунослигида бу соҳанинг тараққий этиши кўплаб лингвистик хариталарни юзага келтирди. XX асрнинг бошларида жаҳонга машҳур бўлган Жан Жильерон, Эдмонлар томонидан 12 жилдли “Француз тили атласи”, Венккер, Вределарнинг “Немис тили атласи”, Москва ФА рус тили институтида Р.И.Аванесов, Б.А.Ларин бошчилигида “Москва шарқидаги Марказий областлар рус халқи шевалари атласи”, “Шимоли-ғарбий областлар рус халқи шевалари атласи” тузилди. Бундай лингвистик хариталар дунё халқлари шеваларидаги бирор сўзнинг турли хил фонетик вариантларда учраши ёки унда нарса ва ҳодисаларнинг турли ном билан аталиши ушбу шеваларнинг ўзига хос шароитда ривожланиши, ҳудуд шеваларининг ўзаро таъсири ва бошқа тилларнинг ҳудуд шевалари муносабатига боғлиқ эканлигини кўрсатиб берди.

Ўзбек тилшунослигида бугунги глобаллашув шароитида ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар тилга таъсир этишини инобатга олиб, шеваларни ареал йўналишда ўрганишга эътибор қаратилмоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, “Ёшларни миллий ҳамда умуминсоний анъана, кадриятларга садоқат, улуғ аجدодларимизнинг бой маънавий меросидан ғурурланиш ва уларни янада бойитиш руҳида тарбиялаш”¹ зарур. Шу боис халқимизнинг миллий кадриятларини ёш авлодга етказиш учун ҳам шеваларнинг лингвистик хариталарини яратиш давр талабидир. “Ареал лингвистика муайян ҳудудларда тарқалган тил хусусиятларини умумлаштириб, ареал умумийлик-тиллар иттифоқи, шевалар изоглоссаларини аниқлаш ва уларни хариталаштириш ишларини амалга оширади”.² Шунини айтиш мумкинки, ўзбек тилшунослигининг диалектология соҳасида шеваларнинг мукамал тавсифи яратилган, жуда катта илмий тадқиқот ишлари қилинган, бироқ, ўзбек шевалари янги таҳлил усуллари, хусусан, ареал йўналишда етарли даражада ўрганилмаган. Бу Зарафшон воҳаси ўзбек шевалари лексиксикасига ҳам тегишлидир. Шеваларда ҳар бир халқнинг турмуш тарзи, урф- одатлари, маънавий маданияти билан боғлиқ лексик қатлами мавжудки, улар ўша халқ тарихининг тадрижий тараққиёти билан бойиб келган. Шу маънода ҳам ҳар бир сўз тарихдир. Агар халқ шевалари ҳозир ўрганилмаса улар вақт ўтиши билан истеъмолдан чиқади. Шунинг учун халқ шеваларини тўплаш, диалектал хариталарини яратиш энг долзарб масала эканлиги билан аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сонли “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // <https://lex.uz>

² Муродова Н. Ўзбек тили Навоий вилояти шеваларининг лингвоареал талқини. – Т.: Фан. 2007. – Б. 4.

ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача олий таълим тизимини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084 сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигининг диалектология соҳасида шеваларни ўрганиш, диалектал ҳодисаларнинг мукамал ареал тавсифини яратиш борасида салмоқли ютуқлар қўлга киритилган¹. Шунингдек, туркийшуносликда Н.Баскаков, М.Шералиев, Э.Севортян, Н.Гаджиева каби олимлар томонидан туркий тиллар ва уларнинг шевалари кенг тадқиқ қилинган². Ареал лингвистика соҳасида катта тадқиқот ишларини амалга оширган М.А.Бородинанинг таъкидлашича, ареал лингвистика диалектология, лингвистик география ва ареалогиянинг ўзаро муносабати ва мантикий давоми сифатида юзага келган.³

¹ Аванесов Р.И. Выступление подокладам / Вопросы диалектологии тюркских языков. – Б., 1958. – С. 139-141; Толстой Н.И. О соотношении центрального и маргинального ареалов в современной Славии // Ареальное исследование в языкознании и этнографии. – Л., 1977. – С. 37-56; Жирмунский В.М. Немецкая диалектология. М. – Л., 1956. – 636 с; Бородина М.А. Проблемы лингвистической географии. – М., 1966. – 220 с. – М., 1984. – С. 79-81, Десницкая А.В. К вопросу о предмете и методах ареальной лингвистики // Ареальные исследования в языкознании и этнографии. – Л., 1977. – С. 22-29.

² Баскаков Н.А. Ареалы и маргинальные зоны в развит тюркских языков // Народы и языки Сибири: ареальные исследования. – М., 1978; Шералиев М.М. Азэрбајчан диалектологјасынинг асаслари. – Б., 1981; Севортян Э.В. Ассимиляция и диссимиляция согласных в южных тюркских языках, Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. I. Фонетика. – М., 1955; Гаджиева Н.З. Проблемы тюркской ареальной лингвистики: Среднеазиатский ареал. – М., 1975. – С. 303.

³ Бородина М.А. О понятиях „диалектология“, „лингвистическая география“, „ареалогия“, „ареальные исследования“ // Типы языковых общностей иметоды их изучения тезисы. – М., 1984. – С. 79-81.

Ўзбек диалектологияси соҳасида ҳам жуда катта илмий тадқиқот ишлари амалга оширилиб, ўзбек шеваларининг таснифи ва тавсифи яратилди. Бунда ўзбек шеваларини яхлит ҳолда ўрганишга бағишланган В.Решетов, Ш.Шоабдурахмонов, А.Шерматов, С.Иброҳимов, Ф.Абдуллаев, М.Мирзаев, Б.Жўраев, Х.Дониёров, О.Мадрахимов, Н.Ражабовларнинг монографик тадқиқотлари алоҳида эътиборга молик. Бу тадқиқотларда ўзбек диалектологиясини ареал ўрганиш учун жуда кўплаб шева материаллари тўпланиб, луғатлари яратилди. Бу ишлар бугунги кунда яратилаётган диалектологик атласлар учун манба ҳисобланади¹. Ўзбек шеваларининг лексик хусусиятлари О.Тўрақулов, Н.Шойимова, М.Бегалиев, Р.Йўлдошев, А.Аллабердиевларнинг тадқиқотларида тарихий-қиёсий усулларда тадқиқ этилган². Ўзбек тилшунослигида ареалогиянинг тадқиқ усули бўлган лисоний-жуғрофий усул билан ўзбек шевалари А.Жўраев, Қ.Мухаммаджонов, Й.Иброҳимов, Н.Муродовларнинг докторлик тадқиқотларида ўрганилган³.

Кейинги йилларда ўзбек шевалари И.Дарвешов, Н.Раҳмоновлар томонидан ареал йўналишда тадқиқ қилинган.⁴ Аммо ўзбек тилининг диалектал атласи яратилиши учун барча ҳудуд шеваларини ареал йўналишда ўрганишга эҳтиёз сезилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация Навоий давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари

¹ Решетов В.В. Маргиланский говоре узбекского языка. В сб. „Академику В.А.Гордлевскому“. – М., 1953; Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва халқ шевалари: Филол.фанлари д-ри.дисс. – Т., 1963. – 482 б; Шерматов А. Проблемы исторического развития и современного функционирования узбекских диалектов: Дис...д-ра филол.наук. – Т., 1978. – 339 с; Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари. – Т: Ўзакадемнашр, 1961. – 47 б; Иброҳимов С. Ўзбек тилининг касб-хунар лексикаси (Фаргона шеваларининг материаллари асосида): Филол.фанлари д-ри.дисс. – Т., 1960. – 471 б; Мирзаев М. Бухоро группа шевалари. Фил. фанлари д-ри.дисс. – Т., 1965. – 461 б; Жўраев Б. Юкори Қашқадарё ўзбек шевалари. – Т., 1969. – 168 б; Дониёров Х. Эски ўзбек адабий тили ва қипчоқ диалектлари. – Т., 1976. – 139 б; Мадрахимов О. Ўзбек тилининг ўғуз лахжаси лексикасини ўрганиш: Филол.фанлари д-ри.дисс. – Т., 1978. – 503 б; Раджабов Н. Ўзбек шевашунослиги. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 303 б.

² Тўрақулов А. Кўкон группа шевалари лексикаси: Филол.фанлари номз. дисс. – Т., 1974. – 314 б; Шоимова Н. Қашқадарё ўзбек қипчоқ шевалари лексикаси. – Қ., 2000. – 121 б.; Бегалиев М. Ўзбек тили Қорабулоқ шеvasи лексикаси: Филол.фанлари номз. дисс. автореф. – Т., 2002. – 24 б; Аллабердиев А. Бухоро ўғуз шевалари лексикаси: Филол. фан. фалс. д-ри (PhD) ...дисс. автореф. – Т., 2018. – 49 б.

³ Мухамеджанов К. Ареальное исследование узбекских говоров Южного Казахстана: Автореф.дис...д-ра филол.наук. – Т., 1988. – 44 с; Джураев А.Б. Теоритические основы ареального исследования узбекскоязычного массива. – Т.: Фан, 1991; Иброҳимов Й. Жанубий Оролбуйи ўзбек шевалари тадқиқи: Филол. фанлари д-ри... дисс. – Т., 2000; Муродова Н. Ўзбек тилли Навоий вилояти шеваларининг лингвоареал талқини: Филол. фанлари д-ри... дисс. – Т., 2006. – 309 б.

⁴ Дарвишов И. Жанубий-ғарбий Наманган шевалари фонетик-фонологик хусусиятларининг ареал тадқиқи: филол.фанлари фалс.д-ри (PhD) ...дисс.автореф. – Ф., 2018. – 21 б; Раҳмонов Н. Ўзбек тили Навоий вилояти ўзбек шевалари морфологик хусусиятларининг лингвоареал тадқиқи. Филол. фан. фалс. д-ри (PhD) ...дисс. – С., 2019. – 139 б.

режаларига мувофиқ ХТ-Ф2-004-рақамли “Ўзбек халқ педагогикаси ва фольклор анъаналар” (2008-2010 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларининг лексик хусусиятларини тавсифлаш, туркий тиллар ва қадимги ёзма ёдгорликлар тили материаллари билан қиёслаш, лисоний-жуғрофий йўналишда мазкур ҳудуд ўзбек шеваларининг ареал тарқалишини хариталаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Зарафшон воҳаси ўзбек халқ шеваларининг бошқа ўзбек шевалари, ўзбек адабий тили ва тил тарихи, туркий тиллар шеваларига муносабати, ўзаро таъсирини ёритиш;

Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларига қардош ва ноқардош тилларнинг таъсирини ўрганиш;

мазкур воҳа ўзбек шеваларининг лексик хусусиятларини қадимги ёзма ёдгорликлар билан қиёслаш орқали таҳлил қилиш;

шеваларнинг вужудга келиш ва ривожланиш тарихини ўрганиш ҳамда энг муҳим лексик-семантик хусусиятларини аниқлаш;

тадқиқ этилаётган ҳудуддаги қарлуқ ва қипчоқ гуруҳ шеваларининг лексик хусусиятларига маҳаллий тожик ҳамда қозоқ тили таъсирини ўрганиш;

Зарафшон воҳаси ўзбек шевалари бўйича тўпланган шева материаллари асосида уларнинг ареал тарқалишини белгилаш ҳамда уларни хариталаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Зарафшон воҳаси ўзбек шевалари бўйича тўпланган диалектологик материаллар олинган.

Тадқиқотнинг предметини Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларининг ўзига хос лексик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда диахрон ва синхрон аспектларда лисоний-жўғрофий, қиёсий, тавсифий таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Зарафшон воҳаси ўзбек шевалари бўйича тузилган хариталар натижаларидан шевалар воқелигининг ҳозирги чегараларини тўғри талқин этиш учун тил тараққиётининг қадимги даврида эмас, балки эски туркий тил, эски ўзбек тили, ҳозирги ўзбек адабий тили даврларида ҳам юз берган лисоний жараёнлар эканлиги аниқланган;

тўпланган шева материалларининг ареали асосида тузилган 10 та харитада дўппи, сигир, ёстиқ, ялпиз, чакич, исирик, ангишпона, нимча, оғиз сути, супурги сўзларининг 70 дан ортиқ вариантлари мавжудлиги аниқланган;

Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларининг луғат таркиби Жиззах, Қашқадарё, Хоразм, Андижон, Тошкент, Сурхондарё ўзбек шевалари лексикаси билан қиёсланиб, уларнинг мавзуий гуруҳлари лексик-семантик хусусиятлари этнолисоний жиҳатдан далилланган;

Зарафшон воҳаси ўзбек халқ шевалари лексик таркибига хос бўлган икки мингга яқин сўзнинг таҳлилида ўзбек шеваларининг пайдо бўлишида қатнашган туркий ва туркий бўлмаган этник гуруҳларнинг ўзаро алоқалари натижасида рўй берган этнолингвистик тараққиёт жараёни этнолисоний жиҳатдан очиб берилган;

Зарафшон воҳаси ўзбек халқ шевалари лексик қатламига оид изоглоссалар тарихи қадимги туркий тил ва ўзга тиллар билан чоғиштирилиб, уларнинг тарқалиш чегарасини кўрсатувчи лингвистик хариталар ва луғат яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларини ареал йўналишда ўрганиш асосида юзага келган тадқиқот натижалари нафақат ўзбек тили тарихи учун,

туркология фани учун ҳам зарур илмий-назарий маълумотлар бериши асосланган;

Зарафшон воҳаси ўзбек шевалари бўйича тўпланган диалектологик материалларнинг таҳлилий натижалари мазкур ҳудуд шевалари луғат таркибидаги сўзлар ўзбек адабий тилини бойитиш учун хизмат қилиши далилланган;

Зарафшон воҳаси ўзбек шевалари бўйича тузилган лисоний хариталари тадқиқ этилаётган шевадар луғавий бирликларининг тарқалиш ареалларини белгилаш, шевалараро ҳудудий фарқларни аниқлаш, шунингдек, ҳудуд тилининг бошқа ўзбек шевалари билан муносабатини аниқлаш, тил тарихий тараққиётининг баъзи масалаларини ҳал қилиши, ўзбек тилининг диалектологик атласи учун манба вазифасини ўташга хизмат қилиши асосида яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий маълумотлар аниқ илмий манбалар асосида шакллантирилганлиги, объектга нисбатан ёндашув ва қўлланилган усулларнинг диссертация мақсадига мослиги, таҳлилга тортилган материаллар ареал лингвистиканинг янги таҳлилий усуллари асосида тадқиқ этилганлиги, қўйилган муаммонинг аниқлиги ва асослилиги, методологик жиҳатдан мукамаллиги, олинган натижаларнинг тегишли муассасалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларининг лексик хусусиятларини лингвоареал усулда тадқиқ қилиш натижасида Зарафшон воҳаси ўзбек, қозоқ, тожик тилида сўзлашувчи аҳоли яшаётган маскан ва улар тилларининг ўзаро мулоқот ҳудуди ҳисобланиши, ушбу ҳудуд шеваларининг ўзига хос лисоний хусусиятларга эга эканлиги, олинган назарий хулосалар асосида мазкур ҳудуд шеваларини барча лисоний йўналишлари бўйича, айниқса, лингвоареал усулда тадқиқ этиш ниҳоятда долзарблиги асосланиб, тадқиқот натижалари нафақат диалектология соҳаси

учун, балки ўзбек тили ва туркийшунослик фанларини янги материаллар билан бойитиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти. Зарафшон воҳаси ўзбек шевалари бўйича тўпланган фактик материаллар “Ўзбек тили миллий кадриятлар атласи”ни тузишда, олий ўқув юртлари, ўрта мактаб, лицей ва коллежлар учун ёзилажак дарслик ҳамда қўлланмалар яратишда, талабалар ва ўқувчиларнинг нутқ маданиятини ўстиришда, адабий тил ва шева ўртасидаги муносабатларни қиёсий ўрганишда, “Ўзбек шевашунослиги” ва “Ўзбек тили тарихи” дарсларида ўзбек адабий тилининг таянч диалектлари (карлук, кипчок, ўғуз лаҳжалари)нинг тарихий илдизларини билиш ва улардан хабардор бўлиш, талабаларнинг ўзбек тилининг қадимий тиллардан бири эканлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлишлари учун имконият яратади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Ўзбек тили Зарафшон воҳаси ўзбек шевалари лексикасининг лингвоареал тадқиқи” бўйича олинган илмий натижалар ва тавсиялардан:

ХТ-Ф2-004 рақамли “Ўзбек халқ педагогикаси ва фольклор анъаналари” мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг назарий қисмида Зарафшон воҳаси ўзбек шевалари бўйича тузилган хариталар натижаларидан шевалар воқелигининг ҳозирги чегараларини тўғри талқин этиш учун тил тараққиётининг қадимги даврида эмас, балки эски туркий тил, эски ўзбек тили, ҳозирги ўзбек адабий тили даврларида ҳам юз берган лисоний жараёнлар эканлиги ҳақидаги натижалардан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2020 йил 9 ноябрдаги 89-03-5151-сон маълумотномаси). Натижада мазкур лойиҳанинг назарий асосланишига ҳамда илмий материаллар билан таъминланишига эришилган;

тўпланган шева материалларининг ареали асосида тузилган 10 та харитада дўппи, сигир, ёстиқ, ялпиз, чакич, исирик, ангишпона, нимча, оғиз

сути, супурги сўзларининг 70 дан ортиқ вариантларидан ФА-Ф1-Г002 рақамли “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлимининг 2020 йил 12 ноябрдаги 17.01/131-сон маълумотномаси). Натижада фольклор асарлари матнида қўлланган шевага оид бирликларни аниқлашда асос бўлиб хизмат қилиши кўрсатилган.

Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларининг луғат таркиби Жиззах, Қашқадарё, Хоразм, Андижон, Тошкент, Сурхондарё ўзбек шевалари лексикаси билан қиёсланиб, уларнинг мавзуий гуруҳлари лексик-семантик хусусиятлари этнолисоний жиҳатлари ҳақидаги хулосалардан ФА-А1-Г007 рақамли “Қорақалпоқ нақл-мақоллари лингвистик тадқиқот объекти сифатида” мавзусидаги амалий лойиҳанинг луғат қисмида фойдаланилган (ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлимининг 2020 йил 12 ноябрдаги 17.01/132-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек халқининг қадимий урф-одатлари, маданий қадриятлар, халқ оғзаки ижоди бўйича тўпланган материалларни ёритишда манба вазифасини ўтаган.

Зарафшон воҳаси ўзбек халқ шевалари лексик таркибига хос таҳлилга тортилган ва этнолисоний жиҳатдан очиб берилган 2000 мингга яқин сўзлардан ФА-Ф1-Г003 рақамли “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг фойдаланилган (ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлимининг 2020 йил 12 ноябрдаги 17.01/133-сон маълумотномаси). Натижада қадимий ясама сўзларнинг изоҳлари бойиган, мукаммаллашган, ясама сўзлар сифат жиҳатдан маълум даражада янгиланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 9 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш нашр этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми 127 саҳифани ташкил этади.

ИШДА ҚЎЛЛАНИЛГАН ТРАНСКРИПЦИОН БЕЛГИЛАР ВА ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

Транскрипция

1. Унлиларни ифодалаш учун қўлланилган транскрипцион белгилар:

- а – орқа қатор, кенг унли товуш, ад.орф. а
- ә – олдинги қатор, кенг унли товуш, ад.орф. а
- о – орқа қатор, кенг унли товуш, ад.орф. о
- е – олдинги қатор, ўрта-тор, унли товуш ад.орф. э (е)
- э – олдинги қатор, ўрта-тор, унли товуш ад.орф. э
- и – олдинги қатор, тор, унли товуш ад.орф. и
- ы – оралик қатор, тор, унли товуш ад.орф. и
- ь – орқароқ қатор, и ва ы унлилари орасидаги унли
- ъ – оралик (индефферент), тор, унли товуш ад.орф. и
- у – олдинги қатор, тор, унли товуш ад.орф. у
- ө – олдинги қатор, ўрта-кенг унли товуш ад.орф. ў
- о – орқа қатор, ўрта-кенг унли товуш, ад.орф. ў

2. Ундошларни ифодалаш учун қўлланилган транскрипцион белгилар:

- дж – қоришиқ портловчи ундошни ифодалайди. ад.орф. ж
- ң – тил орқа, жарангли, сонор ундошини ифода этади. ад.орф. (нг)
- Бошқа ундошларни ифодалаш учун алифбодаги б, в, г, д, ж, з, й, к, л, м, н, п, р, с, т, ф, х, ч, ш, қ, ғ, ҳ белгилари қўлланилган.

Диакритик белгилар

- < – нимадан ўзгарганини кўрсатади
- > – нимага ўзгарганини кўрсатади
- // – икки лисоний белгининг параллел қўлланилишини билдиради
- [] – ўрта қавс – умумий матндан транскрипция қилинган сўзларни ажратиб кўрсатиш учун ишлатилади
- : – унлининг чўзиқ талаффуз этилишини билдиради
- ~ – мосликни билдиради

Манбаларнинг қисқартмалари

ДЛТ – Махмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. I, II, III. – Тошкент, 1960-1963 (таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов)

ФЗТ – Фарҳанги забони тожики. 1,2.-М., 1969.

ЎЗАФЛ – Р.Сапаев, Ш.Авезметов. Ўзбек тилидаги арабча ва форсча сўзлар луғати. – Тошкент:Ўқитувчи, 1996.

ЎЗМЭ – Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – 8 жилдлик. – Тошкент, 2000–2004.

ЎЗТИЛ – Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Москва,1981. I, II жилд.

ЎЗТИЛ – Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Тошкент, 2006–2008. I–V жилд.

Қад.ёз.ёд. – Қадимий ёзув ёдгорликлари

Тилларга оид қисқартмалар

бошқ. – бошқирд тилида

ад. орф. – адабий орфографик

ар. – арабча

бошқ. – бошқирд тилида

грек – грек тилида

ёқут – ёқут тилида

ингл. – инглиз тилида

итл. – италян тилида

лот. – лотин тилида

мўғул – мўғул тилида

нем. – немис тилида

нуғ. – нўғой тилида

озар. – озарбайжон тилида

олт. – олтой тилида

поляк – поляк тилида

тат. – татар тилида

уйғур – уйғур тилида

форс – форсча

фр. – француз тилида

шор. – шор (шўр-шор) тилида

хак. – хакас тилида

чув. – чуваш тилида

юнон – юнон тилида

қад.турк. – қадимги туркий тилда

қозоқ – қозоқ тилида

қораим – қораим тилида

қорач. – қорачой тилида

қорақалпоқ – қорақалпоқ тилида

қирғиз – қирғиз тилида

10. Булун. -	Булунғур тумани, Булунғурарик қишлоғи
11. Бург. -	Каттақўрғон тумани, Бурган қишлоғи
12. Бурғ. -	Пойариқ тумани, Бурғут қишлоғи
13. Ватан. -	Когон тумани, Ватанпарвар қишлоғи
14. Гулб. -	Самарқанд тумани, Гулбоғ қишлоғи
15. Гул. -	Ромитон тумани, Гулистон қишлоғи
16. Дех. -	Нурота тумани, Дехибаланд қишлоғи
17. Дехқ. -	Қорақўл тумани, Дехқонобод қишлоғи
18. Диё. -	Бухоро тумани, Диёсиё қишлоғи
19. Дўнг. -	Конимех тумани, Дўнгалак қишлоғи
20. Дўр. -	Кармана тумани, Дўрман қишлоғи
21. Жал. -	Кармана тумани, Жалойир қишлоғи
22. Жар. -	Нурота тумани, Жарма қишлоғи
23. Жил. -	Шофиркон тумани, Жилвон қишлоғи
24. Жўш. -	Қўшрабод тумани, Жўш қишлоғи
25. Зар. -	Тойлоқ тумани, Зарафшон қишлоғи
26. Зиёв. -	Пахтачи тумани, Зиёвиддин шаҳарчаси
27. Ижд. -	Навбаҳор тумани, Ижанд қишлоғи
28. Кам. -	Қорақўл тумани, Камолот қишлоғи
29. Кат. қ. -	Жомбой тумани, Катта қилшоқ қишлоғи
30. Катт. -	Нуробод тумани, Каттасой қишлоғи
31. Кул. -	Вобкент тумани, Кулолчи қишлоғи
32. Лай. -	Бухоро тумани, Лайлак қишлоғи
33. Ланг. -	Хатирчи тумани, Лангар қишлоғи
34. Мав. -	Каттақўрғон тумани, Мавлон қишлоғи
35. Май. -	Хатирчи тумани, Майдонсой қишлоғи
36. Мех. -	Нуробод тумани, Мехнаткаш қишлоғи

37. Минг. - Булунғур тумани, Мингчинор қишлоғи
38. Мирз. - Шофиркон тумани, Мирзоқўл қишлоғи
39. Мирон. - Самарқанд тумани, Миронкул қишлоғи
40. Муст. - Оқдарё тумани, Мустақиллик қишлоғи
41. Нар. - Кармана тумани, Нарпай қишлоғи
42. Нураф. - Тойлоқ тумани, Нурафшон қишлоғи
43. Нур. - Нурота тумани, Нурота шаҳар
44. Оқч. - Қўшрабод тумани, Оқчобсой қишлоғи
45. Парч. - Пастдарғом тумани, Парчачандир қишлоғи
46. Пахт. - Жондор тумани, Пахтакор қишлоғи
47. Пол. - Хатирчи тумани, Полвон ота қишлоғи
48. Рух. - Қизилтепа тумани, Рухобод қишлоғи
49. Сай. - Қорақўл тумани, Сайёд қишлоғи
50. Сард. - Ёиждувон тумани, Сардор қишлоғи
51. Сар. - Нуробод тумани, Сарой қишлоғи
52. Сарм. - Ёиждувон тумани, Сармижон қишлоғи
53. Сой. - Нурота тумани, Сойкечар қишлоғи
54. Тасм. - Хатирчи тумани, Тасмачи қишлоғи
55. Тик. - Нурота тумани, Тиканли қишлоғи
56. Тор. - Пастдарғом тумани, Торариқ қишлоғи
57. Тур. - Оқдарё тумани, Турон қишлоғи
58. Тут. - Когон тумани, Тутқун қишлоғи
59. Уч. - Навбаҳор тумани, Учтут қишлоғи
60. Фар. - Пойариқ тумани, Фаровон қишлоғи
61. Хайр. - Пахтачи тумани, Хайробод қишлоғи
62. Хонч. - Кармана тумани, Хончорбоғ қишлоғи
63. Хўж. - Ургут тумани, Хўжайдук қишлоғи

64. Хўжақ. -	Нарпай тумани, Хўжақўрхон қишлоғи
65. Хуми. -	Жондор тумани, Хумин қишлоғи
66. Хум. -	Иштихон тумани, Хумо қишлоғи
67. Чан. -	Олот тумани, Чандир қишлоғи
68. Чим. -	Қўшрабод тумани, Чиммос қишлоғи
69. Чор. -	Конимех тумани, Чордара қишлоғи
70. Чўри. -	Вобкент тумани, Чўрикалон қишлоғи
71. Шоҳ. -	Вобкент тумани, Шоҳнигор қишлоғи
72. Шўр. -	Конимех тумани, Шўртепа қишлоғи
73. Эск. -	Нурота тумани, Эски қишлоғи
74. Ю.Ол. -	Олот тумани, Юқори Олот қишлоғи
75. Ю.Сан. -	Ургут тумани, Юқори Саникул қишлоғи
76. Янг. -	Навбаҳор тумани, Янгикўрғон қишлоғи
77. Янгр. -	Нарпай тумани, Янгирабод қишлоғи
78. Янги. -	Хатирчи тумани, Янгиобод қишлоғи
79. Янгт. -	Оқдарё тумани, Янгиработ қишлоғи
80. Ўзб. -	Ромитон тумани, Ўзбекистон қишлоғи
81. Ўр. -	Ургут тумани, Ўроқбойжар қишлоғи
82. Қал. -	Навбаҳор тумани, Қалқонота қишлоғи
83. Қара. -	Жондор тумани, Қоровул қишлоғи
84. Қар. -	Пахтачи тумани, Қарнаб қишлоғи
85. Қарс. -	Қизилтепа тумани, Қарсиямон қишлоғи
86. Қаҳ. -	Ромитон тумани, Қахрамон қишлоғи
87. Қип. -	Қизилтепа тумани, Қипчоқ қишлоғи
88. Қипр. -	Каттақўрғон тумани, Қипчоқ-работ қишлоғи
89. Қораг. -	Пастдарғом тумани, Қорагуппа қишлоғи

90. Қорн. - Навбаҳор тумани, Қоражон қишлоғи
91. Қорқ. - Нарпай тумани, Қорасийроқ қишлоғи
92. Қора. - Иштихон тумани, Қорача қишлоғи
93. Қорл. - Олот тумани, Қорлик қишлоғи
94. Қуй.ч. - Шофиркон тумани, Қуйи чуқурак қишлоғи
95. Қум. - Гиждувон тумани, Қумоқ қишлоғи
96. Қушт. - Пойариқ тумани, Қўштегирмон қишлоғи
97. Ғар. - Қизилтепа тумани, Ғардиён қишлоғи
98. Ғиш. - Гиждувон тумани, Ғишти қишлоғи
99. Ғаз. - Нурота тумани, Ғазғон ш. қишлоғи
100. Ҳаз. - Кармана тумани, Ҳазора қишлоғи

I БОБ. ЗАРАФШОН ВОҲАСИ ЎЗБЕК ХАЛҚ ШЕВАЛАРИ ЛЕКСИКАСИНING ЛУҒАТ ФОНДИ ВА ЛУҒАТ ТАРКИБИ

Ўзбек тили асрлар оша ривожланиб, тараққий этиб келган. У асрлар давомида сайқал топиб, силлиқланиб, мукаммаллашиб, халқ тилидан озикланиб, унинг заминида бойиган, ўзининг луғат фонди ва луғат таркибига эга бўлган.

Э.Бегматов таъкидлаганларидек, тилнинг асосий луғат фонди ўз моҳиятига кўра узоқ тарихий даврлар маҳсули, аниқроғи тилда узоқ даврлардан бери узлуксиз қўлланиб келаётган сўзлар системаси, занжиридир.¹ Дарҳақиқат, “Неча минг йиллардан бери тилда воқеаланиб келаётган ўсиш-ўзгаришдан иборат мунтазам ҳаракат тил тириклигини таъминлайдиган, унинг узун умрига тиргак тутадиган ва шу тариқа унинг соҳиби бўлган қавмнинг югурик замон ва юмалоқ макондаги кадрү қимматини саломат сақлайдиган бемисл бир қудратдир. Шунинг учун ҳам тириклик рутбасидаги тил ҳеч қачон тамоман қотиб қолган сокин ҳолатда эмас, балки ҳамиша ҳаракат отлиғ ҳаёт ичида бўлади, ана шу ҳаракат уни замонлардан замонларга тўрт кўз тугал олиб ўтади”.²

Ўзбек тилининг ривожланиши, тараққий этишида ўзбек шеваларининг, жумладан, Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларининг ҳам ўзига хос ўрни бор, албатта. Ўзбек шевалари бўйича амалга оширилган тадқиқотларнинг натижаларига кўра, ўзбек шевалари ўзининг лексик таркиби ва ўзига хос лексик хусусиятлари билан бир-биридан фарқланади. Буни тадқиқот давомида Зарафшон воҳаси ўзбек шевалари бўйича тўпланган диалектал фактик материалларнинг таҳлили ҳам изоҳлайди. Ш.Шоабдурахмонов таъкидлаганларидек, шевалар лексик бойлигининг асосий қисми уларнинг шевалараро турли фонетик вариантларини ҳисобга олмаганда, ўзбек

¹ Бегматов Э. Ўзбек тили лексикасининг ижтимоий-тарихий асослари. // Ўзбек тили лексикологияси. – Т.: Фан. 1981. – Б. 49.

² Маҳмудов А. Ўзбек тили луғат бойлиги ривожда фаоллашган жараёнлар. // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент. 2015, № 5, – Б. 3.

умумхалқ тили, шунингдек, адабий тилнинг лексик бойлигига мос келади. Бироқ, ўзбек шеваларида шундай сўзлар ҳам учрайдики, уларнинг бир қисмини адабий тилда ёки бошқа шеваларда параллели йўқ бўлиб, бир қисмининг эса бошқа сўз билан ифодаланадиган вариантлари мавжуддир.¹ Шеваларнинг бундай ўзига хос хусусиятлари ҳар бир ҳудуд шеваларида учрайди.

Тадқиқ этилаётган мазкур ҳудуд ўзбек шеваларининг ўзига хос томонлари ушбу ҳудудда жойлашган Самарқанд, Бухоро, Кармана каби қадимий шаҳарларда яшаётган аҳолининг этник таркиби билан боғлиқлиги, юқорида таъкидланганидек, мазкур ҳудудлар қарлук, қипчоқ, ўғуз лаҳжаларининг ўзаро мулоқот ҳудуди эканлиги, шунингдек, Самарқанд ва Бухорода мавжуд традицион икки тиллилик, ўзбек-тожик тилларининг сақланиб келинаётганлигидадир. М.Мирзаев таъкидлаганларидек, икки тиллилик – бу иккита мустақил тилни (ўз она тилини ва бошқа иккинчи бир тилни) билиш демакдир. Шунинг учун икки тиллилик ўз моҳиятига кўра икки томонлама процесс бўлиб ҳисобланади. Марказий Осиёдаги икки қардош халқ ўзбек ва тожик халқларининг тили ўртасидаги бу муносабат оқибат натижада мазкур тиллардан ҳар бирининг луғат состави характерини белгилаб берди.² Самарқанд ва Бухоро шеваларида икки тиллилик мавжуд бўлса-да, мазкур ҳудудларда қипчоқ ва қарлук лаҳжасида сўзлашадиган аҳоли кўпчиликини ташкил этади. Бухоро шеваларида асосан қарлук лаҳжасида сўзлашадиганлар кўп бўлса, қипчоқ шеваларини тасниф қилган Х.Дониёровнинг таъкидлашларича, “Самарқанд шаҳрини қипчоқ диалектларини классификация қилиш, типларга бўлишнинг марказий нуқтаси қилиб белгилаш мумкин”. Х.Дониёров таснифига кўра тадқиқ этилаётган ҳудудлардан Самарқанд, Булунғур, Жомбой, Нурота шеваларини қипчоқ шеваларининг шарқий группасига; Бухоро, Навоий, Қизилтепа,

¹Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек шевалари лексикаси. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 5.

²Мирзаев М. Бухоро группа шевалари. Филол. фанлари д-ри. дисс. – Тошкент, 1965. – Б. 103.

Пасдорғам, Каттақўрғон, Нарпай, Пахтачи, Хатирчи, Иштихон, Нурота-Жўш шевалари қипчоқ шеваларининг ғарбий гуруҳига киритилган. Тадқиқотда бу таснифга таянилды.

Маълумки, умумхалқ тилини тадқиқ қилиш учун, авваломбор, шу тилда сўзлашувчи халқнинг тарихини ўрганиш лозим бўлади. Чунки тилнинг тараққий этиши халқнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, фан ва техника ютуқлари, халқ хўжалигининг янги соҳаларини акс эттирувчи янги сўз, терминларнинг юзага келишига кўп жихатдан боғлиқдир.

Тадқиқот объекти бўлган Зарафшон воҳасида ўзининг қадимий - тарихий ёдгорликларига, бой маданий меросига эга бўлган Самарқанд, Бухоро, Кармана каби қадимий шаҳарлари бор. Мазкур ҳудудларнинг ўзбек шевалари бўйича юзага келган тадқиқотларда ушбу тарихий шаҳарлар тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган.¹ Ҳақиқатдан ҳам, бу шаҳарлар асрлар мобайнида ўлкамизнинг йирик маърифат ва маданият ўчоқларидан бўлган. Бу ерларда буюк алломалар, олиму фузалолар шайху-авлиёлар яшаб ўтган. Зарафшон воҳасида жойлашган қадимий шаҳарлар Марказий Осиёнинг Шош, Насаф, Балх шаҳарлари қаторидан жой олган қадимий ўлкалардандир. Тарихий манбаларда қайд этилишича, кўҳна Сўғд маданиятига мансуб қишлоқлар аввал Самарқанд атрофларида юзага келиб, сўнгра аста-секин Зарафшон дарёси бўйлаб ёйилганлиги, у ерларда милодгача бўлган VI-V асрларда деҳқончилик қишлоқлари қад кўтарганлиги таъкидланади.² Ўзбекистонда, жумладан, Зарафшон воҳасида истиқомат қилиб келаётган аҳолининг авлод аجدодлари туркий ва туркийлашган кўчманчи уруғ ва қабила вакиллари қўшилган бу ҳудудда қадимдан яшаб келган. Шунини алоҳида айтиш лозимки, тадқиқ этилаётган ҳудудда ўғуз

¹Мирзаев М. Бухоро группа шевалари. Филол. фанлари д-ри.дисс. – Тошкент, 1965. – Б. 461; Муродова Н. Ўзбек тили Навоий вилояти шеваларининг лингвоареал талқини: Филол. фанлари д-ри.дисс. – Тошкент, 2006. – Б. 309.

²Ҳотамов А., Халилов Ш. Йиллар садоси. – Тошкент: Адолат, 1995, – Б. 8.

диалектларига қараганда қарлуқ-чигил-уйғур, қипчоқ лаҳжасида сўзлашадиган шева вакиллари кўпчиликини ташкил қилади. Тадқиқотларда қайд этилишича, мазкур ҳудудларда ўзбекларнинг кўнғирот, кенагас, манғит, тома, қипчоқ (тор маънода), метон (муйтан), бурқут, хитой (қытай), хўжа, баҳрин, қора манғитлар, қалмоқ, мисит, саид, бек, эшон, қутчи, қирғиз, эсару, карақалпоқ, эсабой, галавур, мўғул, ғубомбор, моври, қорача, ғулон, махсим, жалоир, найман, арғун, туркман, қапа, тахчи, ғулом, аймоқ, эрони, қарлуқ, қал, қозоқ, қалмоқ каби кўпгина уруғ ва қабила номлари сақланган.¹ Шунингдек, Бухоро вилоятининг Қорақўл, Олот туманларида, Ромитан, Вобкент, Бухоро туманларининг айрим қишлоқларида ўғуз лаҳжасига мансуб аҳоли яшайди. М.Мирзаев таъкидлаганларидек, ўғуз лаҳжасига тааллуқли бу ўзбеклар ўз авлодларига мансуб бўлган уруғ-қабилаларни -олот, баёт, жиғачи, дарғали, жанафар, короун, коровул, саёт, солир, эрсари, чандир, эски, томижик, буржоқ қабиларни яхши эслайдилар.² Бу каби уруғ қабила номлари бошқа туркий халқларнинг ташкил топишида иштирок этганлиги ҳақида тарихий манбаларда қайд этилган.³ Шу боис ҳам туркий тиллардаги ўхшашлик уларнинг тарихий илдизлари бир манбага эга эканлигидандир. Маълумки, барча туркий тиллар қарлуқ, ўғуз, қипчоқ тиллари асосида гуруҳланади. Ўзбек тили луғат таркибининг бой эканлиги ҳам унинг бу лаҳжалар билан узвий алоқада бўлганлигидандир. Туркий халқлар, жумладан, ўзбеклар этник тарихини ўрганишда ўрта аср муаллифларидан Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарининг алоҳида ўрни бор. Маҳмуд Кошғарий халқ тилини ҳудудий ўрганиш орқали шундай хулосага келади. “Ҳар бир қабиланинг саноксиз аллақанча уруғлари бор, мен булардан асосини ёздим, шахобчаларни ташладим”.⁴ Бу туркий тилларнинг жуда

¹ Муродова Н. Ўзбек тили Навоий вилояти шеваларининг лингвоареал талқини: Филол. фанлари д-ри. дисс. – Тошкент, 2006. – Б. 23.

² Мирзаев М. Ўзбек тилининг Бухоро группа шевалари. – Тошкент: Фан, 1969. – Б. 13-15.

³ Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Тошкент. 1994. – Б. 79.

⁴ Кошғарий М. Туркий сўзлар луғати (Девону луғотит турк). – Тошкент, 1960. Т. I. – Б. 64.

кўплаб уруғ-қабилла тил бирликларидан ташкил топганлигини исботловчи далиллардир.

Шуни алоҳида айтиш лозимки, Алишер Навоий ҳам кўпгина тилларни, хусусан, ўз туркий (ўзбек) тили ва унинг шева, лаҳжаларини мукамал билган. Шу боис ҳам Навоий бу ҳақда “Ҳар бир жамоанинг тиллари ўзгаларидан, ҳар бир гуруҳнинг сўзлашувлари яна бирларидан ўзгача ва бир неча хусусиятлар билан фарқлидирки, бу айирма ўзгаларда йўқдир”¹ – деб таъкидлайди.

Ўзбек тилида сўзлашувчи аҳолининг ўтмишда туркий ва туркий бўлмаган этник гуруҳлар билан яқин муносабатда бўлиши ўзбек шеваларининг луғат таркибини бойишига олиб келди. Аммо ўзбек тили, ўзбек шевалари, жумладан, тадқиқотимиз объекти бўлган Зарафшон воҳаси шевалари лексик қатламида умумтуркий лексемалар ўзлаштирилган сўзларга нисбатан кўпчиликни ташкил қилади. Мазкур ҳудуд шевалари луғат таркибида форс-тожик, араб, рус тили ва у орқали Ғарбий Европа тилларидан ўтган ўзлашган сўзлар ҳам анчагина. Шунингдек, ушбу шеваларда ўзбекча-мўғулча лексик параллеллар ҳам мавжуд.

Тадқиқотимиз объекти бўлган Зарафшон воҳаси шевалар массивини ташкил этган Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоят шеваларининг ўзига хос томонлари мавжуд. “Мазкур шевалардаги ўхшаш ва фарқли томонлар шевалар тарқалган ҳудуднинг жойлашув ўрни, маълум тарихий шароитлари, асрлар давомида қардош ва қардош бўлмаган халқлар билан алоқада бўлганлиги, шева гуруҳи вакилларининг касби-кори, машғулоти каби қатор омиллар билан боғлиқдир. Бу кўпроқ тилнинг лексик қатламида ўз ифодасини топади. Чунки бугунги ўзбек шеваларининг лексикаси унинг бошқа бўлимлари (морфология, синтаксис, фонетика)га нисбатан ўзбек халқининг тарихини, унинг ҳаёт йўлини, бошқа халқлар билан маданий-

¹ Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн (Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев). Алишер Навоий, III том. – Тошкент, 1948. – Б. 174.

иктисодий алоқаларини унинг табиатга муносабати, ишлаб чиқариш усуллари, умуман, ўзбек халқи фаолияти тарихини ўзида яхши акс эттирган. Шу маънода, ҳар бир сўз тарихдир. Ўзбек шеvasининг ҳар бир сўзида ўша шевада сўзлашувчи халқ тарихининг бир кичик мазмуни мужассам”¹. Тил лексик қатламининг бойишида ички ва ташқи омилларнинг таъсири бўлган, албатта. Дарвоқе, тилларда “ўз” ва “ўзлашган” сўзларнинг мавжудлиги тилдаги “ички” тараққиётни, шунингдек, “ташқи” таъсирларнинг натижаларини кўрсатиб туради. Шу сабабли тилдаги муҳим ўзгаришлар “ички”, “ташқи” омиллар, лисоний қонуниятлар ҳосиласидир². Бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар ўзбек тилида бўлмаган бирор янги предмет, янги воқеликни ифодалаш эҳтиёжидан келиб чиқади. Шу боис ҳам ўзбек адабий тили тарихий тараққиёти давомида бошқа тиллардан кўпгина сўзларни қабул қилган.

Тилнинг луғат таркиби этимологик жиҳатдан таҳлил қилинганда, аввало, ўзбек тилининг ўзиники бўлган сўзлар, сўнг бошқа тиллардан ўзлашган лексик қатлам ўрганилади. Шевалардаги лексик қатлам ўрганилганда ҳам худди шундай назарияга асосланади.

1.1. Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларининг лексик қатламлари

Ўзбек шевалари, жумладан, Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларининг лексик таркибини ўрганиш ўзбек тилининг ривожланиш тарихини, унинг таянч диалектлари тараққиёт йўлларини белгилашда катта аҳамиятга эга. Тилнинг луғат таркиби этимологик нуқтаи назардан текширилганда, аввало, тарихий генетик жиҳатдан ўзбек тилининг ўзиники бўлган сўзлар, яъни умумтуркий сўзлар белгилаб олинади, сўнгра бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар аниқланади. Шевалардаги лексик қатламлар ҳам худди шундай

¹Абдурахмонов Д. Ўзбек шевалари лексикасининг тараққиёт манбалари ва уларда лексик фарқлар // Ўзбек шевалари лексикаси. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 12.

²Бодуэнэ де Куртене И.К.А. Изобранные труды по об общему языкознанию. В 2 т. – М.:1963. -Т.I. – С. 384.

ажратиб ўрганилади. Тилнинг лексик бойликларини қатламларга ажратиб ўрганишда Эрнест Бегматовнинг илмий асарлари қимматли аҳамиятга эга.¹

Зарафшон воҳаси ўзбек шевалари бўйича тўпланган фактик материаллар лисоний таҳлилига кўра ушбу ҳудуд шевалар луғат таркибининг асосий қисмини умумтуркий сўзлар ташкил этса, қолган қисмини форс-тожик, араб, рус тили ва Ғарбий Европа тилларидан ўзлашган сўзлар ташкил қилади. Э.Бегматов таъкидлаганларидек, “...Лексикани тарихий-этимологик нуқтаи назардан текшириш икки масалага қаратилади: а) ўзбек тили лексикасидаги **ўз сўзларни** белгилаш; б) ўзбек тили лексикасидаги **ўзлашган сўзларни** белгилаш. Мана шу асосга кўра, ўзбек тили лексикасидаги сўзларни тарихий-этимологик нуқтаи назардан икки катта қатламга бўлиш мумкин: 1.Ўзбек тили лексикасидаги ўз қатлам. 2.Ўзбек тили лексикасидаги ўзлашган қатлам”.² Биз ҳам Зарафшон воҳаси шеваларининг луғат таркибини ўрганишда ушбу назарияга таяниб, тадқиқот давомида тўпланган фактик материаллар таҳлили асосида икки гуруҳга бўлдик:

I. Умумтуркий лексик қатлам.

II. Ўзлашган лексик қатлам.

Ўзбек тилида, жумладан, ўзбек шевалари лексикасида шундай сўзлар борки, улар бошқа тилларда ҳам учрайди. Масалан: **алс(олис), булаг(бўлак), буудай, баавай, гунжид (кунжит), мэргдн, салхин, тамға** каби сўзлар ўзбек тилида ҳам мўғул тилида ҳам қўлланилади. Шунинг учун ҳам бундай сўзлар ўзбек-мўғул лексик параллеллар деб юритилади.

Зарафшон воҳаси шеваларининг таҳлилларига кўра мазкур ҳудуд шеваларининг луғат фондининг асосий қисмини умумтуркий сўзлар ташкил қилади.

¹Бегматов Э. Ўзбек тили лексикасининг ижтимоий-тарихий асослари // Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 41-52. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985. – Б. 200.

²Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985. – Б. 36.

1.1.1. Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларида умумтуркий лексик қатлам

Ўзбек тилидагидек, ўзбек шеваларининг, жумладан, Зарафшон воҳаси шеваларининг луғат таркибидаги кўплаб лексик бирликлар қадимий кўҳна сўзлардир. Ушбу қадимий сўзлар адабиётларда туб сўз, туб туркий сўзлар деб юритилмоқда: “туб сўз – бу тилнинг ўзиники бўлган сўзлардир. Шу сабабли туб туркий сўзлар туркумига кирувчи лексемалар генетик манбаига кўра ўша тилнинг ўзиникидир. Туб сўзлар одатда жуда қадимий бўлади”.¹ Уларнинг кўпчилиги бугунги кунда ҳам халқ тилида мавжуд, қадимги ёзма манбалар билан қиёсий ўрганилганда, ҳақиқатан, улар узоқ даврнинг маҳсули эканлигидан далолат беради. Бундай сўзлар барча туркий тилларда мавжуд бўлиб, улар шу тилларнинг луғат жамғармаси ҳисобланади. Улар барча туркий тилларники бўлгани учун ҳам умумтуркий лексик қатламга оид сўзлар ҳисобланади. Зеро, „Туркий тиллар асосий луғат бойлигининг ўзига хос хусусияти уларнинг барча туркий тиллар учун умумий муштараклигидадир”.² Туркий тиллардаги ўхшашлик бир тилдан иккинчисига ўтганлигини билдирмайди. Уларнинг ўзига хос сабаблари бор, яъни туркий тилларнинг бир генетик асосга эга бўлганлигидан, уларнинг луғат таркиби қадимдан бир эканлигидандир. Ҳозирги кунда эса туркий тиллар лексикасида ўзига хос ички тараққий этишлар натижасида янги сўзлар вужудга келиши туркий тилларнинг бойишига олиб келган.

Зарафшон воҳаси бўйича тўпланган фактик материалларнинг таҳлилига кўра мазкур ҳудуд шеваларида қадимий туркий лексик қатламга оид кўҳна сўзлар кўпчиликни ташкил этиши таҳлиллар натижасидан аниқланди. Мазкур ҳудуд шеваларининг лексик таркиби қадимги ёзма манбалардан “Девону луғотит турк” (Маҳмуд Кошғарий), ”XII-XIII аср Ўрта Осиё Тафсири лексикаси” (А.К.Боровков) каби асарлар билан қиёсий ўрганилганда, ўша даврга хос кўплаб лексик бирликлар мазкур ҳудуд

¹Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий адабий тилининг лексик қатламлари. – Т.: Фан, 1985. – 36 б.

²Баскаков Н.А. Введение в изучении турецкий языков. – М., 1969. – С. 118-119.

шеваларида ҳозиргача қўлланилиб келаётганлигини кўриш мумкин. Бу “ХІ аср ёзма ёдгорлиги бўлган “Девон”даги тил фактларининг асосий қисми ҳозирги ўзбек тилининг қарлуқ, қипчоқ, ўғуз лаҳжаларига мансуб шеваларда кўпроқ сақланган”¹лигини билдиради.

Бугунги кунда ўзбек халқи орасида сақланган жуда кўплаб уруғ-қабила номлари бошқа айрим туркий халқлар ўртасида ҳам учрайди. Булар туркий халқларнинг қарийб барчаси этник гуруҳлар мажмуасидан иборатлиги, луғат жамғармаси қадимда ягона бўлганлигидандир Шу боис ҳам туркий тиллар ўртасидаги ўхшашликнинг бўлиши, табиий. Туркий халқлар, шу жумладан, ўзбеклар этник тарихини ўрганишда юқорида таъкидлаганимиздек, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит-турк» номли асари алоҳида ўринни эгаллайди. Бу асарда айрим шаҳар ва қишлоқлар аҳолисининг лингвистик ва этник таркиби, қабила ҳамда уруғларнинг жойлашиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.”Ўрта Осиё халқлари тарихида бениҳоят муҳим манба бўлган бу асар соддача луғат деб машҳур бўлган эса-да, аслида бу ёлғиз у давр тилидаги сўзларни изоҳловчи луғат китобигина эмас, балки шу билан бирга ўша даврда бутун Ўрта Осиё доирасида, яъни Юқори Чиндан бошлаб бутун Мовароуннаҳр, Хоразм, Фарғона, Бухорога қадар чўзилган кенг ва катта территорияда яшовчи уруғлар, қабилалар, халқларни ва улар тилларини, у давр тилининг фонетикаси, морфологияси ҳақида тўлиқ маълумот берувчи ва у давр тилидаги ҳар хил адабий жанрлардан намуналар берувчи нодир филологик асардир. Шунинг учун бу асар Ўрта Осиё халқлари тарихини ёритиш учун, хусусан, тил тарихини ўрганиш учун бениҳоят муҳим асардир”.²

Асарда қўлланилган жуда кўп сўзлар бугунги кунда ҳам тилимизда қўлланилмоқда. Тадқиқот объекти бўлган Зарафшон воҳаси шеваларини ушбу асар билан қуйидагича қиёсий таҳлиллар асосида изоҳлаш мумкин:

¹Ишаев А. Девони луғотит турк ва ўзбек шевалари. Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1971. № 5. – Б. 65-67.

²Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. – Т., I т. 1960. – Б. 29.

Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларида: **арқа***¹ ~арқа (ДЛТ.,I,148) - ад.орф. орқа; **булът*** ~булът (ДЛТ.,I,336) -ад.орф. булут; **бълак***// **бълай*** ~бълак (ДЛТ.,I,366)- ад.орф. билак; **сач*** ~сач (ДЛТ.,I,311) -ад.орф. соч; **бақа***~ бақа (ДЛТ.,II,246); **таш*** ~ таш (ДЛТ.,III,166) -ад.орф.тош; **тохсон***~ тохсон(ДЛТ., I,410)-ад.орф.тўқсон; **қулач*** ~ қулач (ДЛТ., 1,340) ~ кулоч (ад.орф.); **сачуқ*** ~ сачуқ (ДЛТ.,1,362) ~ сочиқ (ад.орф.); **қанат*** ~ қанат (ДЛТ.,1,398) ~ қанот (ад.орф.); **қачдь//қочдь** ~ қачди (ДЛТ.II,11)- қочди (ад.орф.); **севдь***~ севди (ДЛТ.,II,22)~ севди (ад.орф.); **чокдь***~чокдь (ДЛТ.II,27) ~чўкди (ад.орф.); **қдбдрдь//қавардь*** ~ қабарди (ДЛТ.,II,75)~ қаварди (ад.орф.); **сдвурдь // савирди***~савурди (ДЛТ.,II,86)~ совурди (ад.орф.); **сатишди // сотъшдь*** ~ сатишди (ДЛТ.,II,94) ~сотишди (ад.орф.); **бағланди // боғлнди*** ~бағланди (ДЛТ., II 277) ~боғланди; **жирақ //йирақ//йироқ** ~јирақ (ДЛТ.,III,35) ~узок (ад.орф.); **соз//сўз***~соз-(ДЛТ., III,136) ~сўз (ад.орф.); **тул***~тул : тул урағут ~бева хотин (ДЛТ.,III,147)- тул (ад.орф.); **бар*** ~ бар (ДЛТ., III,161) ~ бор (ад.орф.); **баш*** ~ баш (ДЛТ., III, 165) ~ бош (ад.орф.); **тағ*** ~ тағ (ДЛТ., III, 167) ~ тоғ (ад.орф.); **белалдь** ~ бәләлді (ДЛТ.,III,213) ~беланди (ад.орф.); **буғдй*** ~ буғдај (ДЛТ., III, 258) ~ буғдой (ад.орф.); **йумурта***~жумуртға (ДЛТ.,III,439) ~ тухум(ад.орф.) каби сўзларни кўплаб келтириш мумкин.

Шуни айтиш мумкинки, «ХI аср ёзма ёдгорлиги бўлган «Девон»даги тил фактларининг асосий қисми ҳозирги ўзбек адабий тилига нисбатан ўзбек тилининг қарлуқ, қипчоқ, ўғуз лаҳжаларига мансуб шеваларда кўпроқ сақланган»ини таҳлиллар изоҳлайди².

Тадқиқ этилаётган ҳудуд шевалари қадимги ёзма ёдгорликлардан бири бўлган “ХII-ХIII аср Ўрта Осиё Тафсири лексикаси” билан ҳам қиёсий ўрганилганда, ХI-ХIУ асрлардаги ўзбек тили лексикасига хос хусусиятлар ҳозирда ҳам мазкур шеваларда учрашини кўрсатди. **аз*** ~ ад.орф. оз; аз - (“Тафсир”, 4); **ана*** ~ ад.орф. она; ана - (“Тафсир”, 51); **аччи*** ~ ад.орф. аччиқ,

¹*Зарафшон воҳаси шевалари.

²Ишаев А. “Девону луғотит турк” ва ўзбек шевалари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1971, № 5. – Б. 65-67.

ачі-(“Тафсир” 6); **сувар*** ~ ад.орф. суғормоқ; сувар -(“Тафсир”,276); **ақсақ*** ~ ақсақ (“Тафсир”, 39) ~ оқсоқ (ад.орф.); **аддақчъ ***~ алдақчи (“Тафсир”, 47) ~ алдоқчи (ад.орф.); **дйџ*** ~ ајак (“Тафсир”, 44) ~ оёк (ад.орф.); **бъчџк*** ~ бiчақ (“Тафсир”, 105) ~ пичоқ (ад.орф.); **йабан*** ~ јабан (“Тафсир”, 130) ~ дала (ад.орф.); **кут*** ~ кут (“Тафсир”, 219) ~ ана азiм кут бармиш ардi (ДЛТ, 139, II) ~ бойлик, бахт (ад.орф.); **сару*** ~ сару (“Тафсир”, 262) ~ сарик (ад.орф.); **сувар*** ~ ад.орф. суғормоқ; сувар -(“Тафсир”,276); **там*** (Қизилча) ~ там (“Тафсир”, 283) ~ уй маъносида (ад.орф.); **табақ*** ~таоқ, табақ (“Тафсир”,280) -ад.орф тарелка каби. Бундай сўзлар тарихий жихатдан туркий тиллар учун умумий бўлса-да, кейинчалик ҳар бир тилнинг ривожланиши асосида ўзига хос алоҳида сўзлар пайдо бўлиб, тараққий этган.

Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларининг луғат таркибини туркий тиллар билан қиёслаш асосида баъзи бир фонетик ўзгаришлар билан ишлатилаётган сўзлар мисолида улар ўртасидаги умумийликни кўриш мумкин. Шунини таъкидлаш лозимки, “энг яхши этимология қиёсдир”¹. Тадқиқот натижаларига кўра мазкур ҳудуд шевалари луғат таркибининг асосий қисмини умумтуркий сўзлар ташкил қилади. Буни туркий тиллар билан қиёслаш орқали қуйидагича кўрсатиш мумкин.

Масалан:

<p>эдәш (-мәғ –мақ)</p>	<p>ад. орф. адаш (моқ) < (от-дош) қиёс қилинг:–мақ) ад. орф. адаш (моқ) < (от-дош) қиёс қилинг: қад.турк. адаś (дўст, ўртоқ) ДЛТ. адаш, бошқ. адаш, озарб. адаш,олт. адаш, тат. адаш, қоз. адас, хак. адас, қирғ.аяш, туркман атдаш, уйғур атдаш (жўра), турк. адас, ёқут. атас (дўст, жўра), тоф. адаś (хурмат билдирувчи сўз), тув. атташ, чулм аташ.</p>
<p>эйър (-мақ)</p>	<p>ад.орф. айир (моқ); қиёс қилинг: қадимги турк. adir, abir , adar ДЛТ. азри, тув. адир, туркм. айыр, турк. ayir, хак. азыр, олт. айры, айыр, қорач. айыр, бошқ. айыр, қозоқ.</p>

¹Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. – М., Наука. 1974. – С. 767.

	айыр, нўғ. айыр, татар. аер, айғ. айри, тоф. ađar.
әрҕғ// арук	ад.орф. арик. қиёс қилинг. ДЛТ. арік, қораим. арыкъ, туркм. арық, а:рық, қирғ. арық, қоз. арік, нўғ. арик, қорақапоқ. арық, тат. арық, бошқ. арық,, олт. арық, тув. арық, хак. арығ, уйғ. эрик, ёкут. ары.
әрслән	ад.орф. арислон; қиёс қилинг: ДЛТ. арслон, туркм. арслан, қарақалпоқ. арыслан, нўғ. арслан, олт. арслан, бошқ. арыслан, хак. алаберыс, (<але парыс), қоз. арыстан, қирғ. арыстан, чув. арáслан, тув. арзылан, турк. aslan, озорб. аслан.
бәрчә	ад.орф. барча, қиёс қилинг; кад. турк. варса, хак. парчан, татар. барча, туркм. барча, қирғ. барча, уйғ. барча, қоз. барша, қорақалпоқ. барша, нўғ. барчша, тоф. барша.
бултър // бьлтър	ад.орф. бултур; қиёс қилинг. озарб. билдир (былдыр), қирғ. былтыр, қоз. былтыр, ойр. былтыр, бошқ. былтыр, тат. былтыр, оль. пылтыр, хак. пылтыр, чув. пёлтёр (ўтган йил).
Бөрь	Ад. орф. бўри; қиёс қилинг: кад. турк. bogı, олт. бору, тув. бөру, хак. пўўр, ёкут. бөре, туркм. бөри, бошқ. буре, тат. буре, қоз. борі, қирғ. бөру, уйғ. бөрә.
йетть // йедь	ад.орф. етти; қиёс қилинг: кад. турк. jeti, jedi, ДЛТ. јэтті, олт. јети, тув. чеди, хак. чити, ёкут. сэтгэ, озарб. једді, туркм. йеди, бошқ. йете, тат. жиде, қоз. жеті, қорақалпоқ. жети, қирғ. жети, уйғ. йетте, тоф. hsedı, қум. етти, нўғ. йети, чув. сиччё, сич, сичё.
йәлғыз// йәлғуз //йәлғыз	ад.орф. ёлғиз, кад. турк. jañus, jalañuz, jalñuz, jabxuz, jalıñuz, олт. јаңыс, тув. чаңгыс, хак. галғыз, озарб. јалғыз, туркм. йалғыз, тат. йалгыз, бошқ. йаңғыз, қоз. жалғыз,

	қирғ. жалғыз, жаңғыз, уйғ. йалғуз, қораим. йальғыз, йилынгъыз, йалынгъыз.
йәмғур// йәмғър	ад.орф. ёмғир; қиёс қилинг: ДЛТ. јағмір, қораим. йағъмур, йамьгур, йангъур, йаньгъур, уйғ. йамгур, чулм. йамгур, чамгур, тат. йаңир, нўғ. йамгыр, бошқ. йамгыр, қирғ. жамғыр, қорақалпоқ. жамғыр, қоз. жанбыр, қум. йангур, қорач. джангур, олт. дванмыр, хак. нақмыр, ёқут. самныр, чув. сумър, сол.хор. йағыш.
ьлгәрь	ад.орф. илгари; қиёс қилинг: туркм. илери, гаг. илери, қораим. илери, қирғ. илгери, нўғ. илгери, қорақалпоқ. илгери, қоз. илгері, тат. илгери, бошқ. илгери, уйғ. илгари, турк. ileri.
йьгьрмә // йьйьрмә// жьйьрмә	ад.орф. йигирма; қиёс қилинг: қад. турк. iğirmā, jüirmā, уйғ. жигирме, қум. ийирма, озарб. игирмә, туркм. йигрими, қорач. чийирме, нўғ. йырма, қирғ. жийирми, қоз. жіјірмі, қорақалпоқ. жигерма, тув. чээрби, хак. чибирги, ёқут. сўўрбэ, чув. сирём.
Йьрьй // ьрьй	ад.орф. йирик; қиёс қилинг: туркм. і:ри, қирғ. ири, нўғ. ири, қорақалпоқ. ири, қоз. ірі, озарб. ири, тат. ири, бошқ. ири, уйғ. ирик, йирик.
кепәй	ад.орф. кепак; қиёс қилинг: ДЛТ. кәпәк, ойр. кеп. хак. кип. тув. хеп, қирғ. кебек, қоз. кебек, туркм. кебек, қорақалпоқ. кебек, нўғ. кебик, қум. гебек, озарб. кәпәк, уйғ. кепәк, тат. кибек, бошқ. кебек, чув. кипек, кирёк (қазғоқ), сол. мўғул. кебек.
кесәй	ад.орф. кесак; қиёс қилинг: қирғ. кесек, қоз. кесек, уйғ. кесәк, нўғ. кесек, қкм. гысек, бошқ. кисәк, тат. кисәк, хак. кизек, чув. каһак, чулм. кәзәк.
Кьйьз	ад.орф. кигиз; қиёс қилинг: ДЛТ. кјјіз, қирғ. кийиз, нўғ. кийиз, хак. киис, бошқ. кейез, қоз. кігіз, олт. кийис, хак. киис, бошқ. кейез, тат. Кийез, тув. кидис, чув. кёсҗё, чулм. кис, ки:с.
Кьйьк	ад.орф. кийик; қиёс қилинг: қад. турк. кәјік. ДЛТ. кәјік (ёввойи ҳайвонлар), уйғ. кийик (тоғ эчкиси), қирғ. кийик, қораим. кийик, ойр. кийик, бошқ. кеек (йиртқич ҳайвон),

	хак. кийк (ёввойи эчки), тат.киек (ёввойи куш), чув. кайик (ёввойи хайвон).
Къндък	ад.орф. киндик; қиёс қилинг: ёқут. кин, қимрғ. киндик, члм. киндиг, бошқ. кендек, чув. кёнтёк.
кыйэв	ад.орф. куёв; қиёс қилинг: қад. турк. kúdachú, kúzachú, хúdachú, гúйаgú, уйғ. куйа, ўғил, озарб. курэкэн, туркм. кэрекен, гийев, гаг. чува, қум. гийев, қирғ. куйөө, қорач. куйеу, қоз. кујеу, қорақалпоқ. куйеу, нўғ. киев, бошқ. кейэу, тат. кийэу, олт. куйу, куйе, тув. кудээ, хак. киде, кузээ, шор. кузэ, ёқут. кутуө, чув. кёрú<кёрёв.
кокрэй	ад.орф. кўкрак; қиёс қилинг: ДЛТ. кóкúз, уйғ. көкрэк, қирғ. кэкурок, қорақалпоқ. кокрек, қоз. көкрэк, қорач. көкрэк, нўғ. кокирек, олт. кегус, хак. көгис, тув. хөрек, қум. кёкюрек, чув. кáкáр, гаг. гус (<гогус), туркм. кукурек, бошқ. кукрек.
сыйрэй	ад.орф. сийрак; қиёс қилинг: ДЛТ, сэзрáк, озарб. сейрэк, турк. сейрек, қирғ. сейрек, қоз. сирек, қорақалпоқ. сирек, нўғ. сийрек, қум.сийрек, тат. сирек, бошқ. һирэк, олт. сайақ, хак. сайак, сайрах.
суйэй	ад.орф. суяк; қиёс қилинг: қад. турк. söqúk, тув. сөөк, ёқут. уңдох, озарб. сумун, туркм. сунк, тат. сөйэк, бошқ. һөйэк, қоз. суюк, нўғ. суйёк, қум. суйек, қирғ. сөөк, уйғ. суйек, олт. соок, тоф. sá:k.
тънглэ (мэғ) // тыңла (моқ)	ад.орф. тингла(-моқ) қиёс қилинг: қад. турк. tıŋla, бошқ. тйуңла, тат. тйуңла, уйғ. тингши, хак. дыңна, қоз. тіңа, озарб. динла, туркм. динле, қум. тынла, қирғ. тыңша.
узэғ // узэк	ад.орф. узок; қиёскилинг: ДЛТ. узақ, уйғ. узақ, туркм. узақ, қирғ. узақ, қоз. узақ, қорақалпоқ. узақ, қум.узақ, нўғ. узак, тат. озақ, бошқ. озақ, чув. вáрах, озарб. узах.
чўлэғ	ад.орф. чўлок; қиёс қилинг: уйғ. чолак, туркм. чолак, қирғ. чолоқ, қоз. шолак, қорақалпоқ. шолак, озарб. чолаг, тат. чулак, бошқ. сулак, чув. чáлах.
Йулдуз	ад.орф. юлдуз; қиёс қилинг: қад. турк. juldúz, қум. йўлдуз, уйғ. йолдуз, жолдуз, озарб. улдуз, туркм. йылдыз, гаг. йылдыз, тат. йолдыз, бошқ. йолдоз, қирғ. жылдыз, қоз. жулдыз, қорақалпоқ. жылдыз, нўғ. йўлдуз, қорач.

	джулдуз, тув. сылдыс, ёкут. сулус, хак. чылдыс, чув. җалтӑр.
йумшӑғ йумшӑқ	ад.орф. юмшоқ; қиёс қилинг: қад. турк. jïmsăq, ДЛТ, јумшак, туркм. йумшӑқ, озарб. јумшӑғ, уйғ. жумшак, қирғ. жумшак, қоз. жумсақ, нўғ. йумсак, бошқ. йомшӑқ, тат. йомшӑқ, олт. увымчак, хак. нымзах, чув. йамшак.
йӑрӑм	ад.орф. ярим; қиёс қилинг: нўғ. йарты, йарым, тат. йарты, бошқ. йарты, қирғ. жарым, қоз. жарым, уйғ. йерим, хак. чарым, чув. җурӑ, җур, җурма.
Ойӑн	ад.орф. ўйин; қиёс қилинг: қад. турк. oјun, тув. ойун, қирғ. ойун, туркм. ойун, озарб. ојун, хак. ойын, нўғ. ойын, олт. ойын, қоз. ойын, ёкут. оонньюу, бошқ. уйын, тат. уиен, уйғ. ойан, чув. вайӑ, вай, тоф. ӗен.
ордӑқ	ад.орф. ўрдақ; қиёс қилинг: қад. турк. ʔdräk, ʔdiräk, ДЛТ. ʔртӑқ, тув. одурек, хак. ʔртеқ, озарб. ʔрдӑқ, туркм. ʔрдӑқ, қорақалпоқ. ордеқ, уйғ. ʔ(р)дӑқ, ёкут. ʔрдукӗэн, гаг. йӑрдеқ, бошқ. ойрӑқ, тат. урдӑқ, қоз. уйрек, қирғ. ʔрдӑқ.

Ҳар бир туркий тилнинг лексик қатламига оид бу каби сўзлар узоқ даврлар давомида тилнинг ички тараққий этиши натижасида кенгайиб, янги сўзлар билан унинг луғат таркиби бойиб борган. Кейинчалик улар ҳар бир туркий тилнинг ўз луғат фондини ташкил қилган.

Тадқиқ этилаётган Зарафшон воҳаси ўзбек шевалари лексикасини қиёсий ўрганиш тилимизнинг тарихий тараққиётини белгилашда қимматли материаллар бериши, миллий қадриятларимиз тўғрисида керакли маълумотлар олишимиз учун асос бўла олиши, шубҳасиз. Ўзбек шевалари лексикасини, жумладан, Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларини этнолисоний ва этимологик жиҳатдан таҳлил қилиш нафақат ўзбек тили тарихи учун, балки туркология фани учун ҳам зарур бўлган маълумотларни беради.

Юқорида таъкидланганидек, ўзбек тили, ўзбек шевалари, жумладан, тадқиқот объекти бўлган мазкур ҳудуд шевалари лексик қатламида мавжуд

бўлган баъзи сўзлар бошқа тилларда ҳам қўлланилади. Масалан, ўзбек тили, ўзбек шеваларидаги баъзи сўзлар мўғул тилларида ҳам ишлатилади. Шу боис ҳам улар ўзбек (турк) - мўғул лексик параллеллар дейилади.

Ўзбек(туркий)-мўғул лексик параллеллари. Манбаларда кўрсатилишича, мўғулча сўзларнинг ўзбек тили ва шеваларига кириб келиши XIII асрга тўғри келади. Айниқса, XIV-XV асрларда Ўрта Осиёга, жумладан, Фарғона водийси ва ҳозирги Ўзбекистоннинг жанубий районларига ҳамда Мовароуннаҳрга мўғул қабилаларининг (жалоир, барлос, ковчин, арлат, алчин, минг, манғит, найман ва ҳоказо) кўчиб келиши кучайган. Уларнинг кўпчилиги туркийлашган бўлиб, айримлари ҳатто турк тилини ўзининг она тили деб ҳисоблайдилар. XV асрда мўғул қабилалари ўзларини чиғатой деб номлаганлар ва аста-секин ўтроқ деҳқончилик хўжалигига ўта бошлаганлар.¹

Мўғул ва туркий тиллар билан шуғуланувчи кўпгина олимлар, жумладан, Боровков бу тилларни генетик жиҳатдан бир деб ҳисоблайдилар ҳамда уларни олтой тилларининг алоҳида бир шахобчаси (туркий-мўғул гуруҳи) сифатида қарайдилар.²

Тарихий манбаларда таъкидланишича, мўғуллар истилоси туфайли Ўрта Осиёга келган муғул уруғ ва қабилаларнинг ҳаётида юз берган катта ўзгариш уларнинг маҳаллий ижтимоий тузумни қабул қилишлари, хўжалик ва маданий ҳаётидаги ўзгаришлар, муғулларнинг этник хусусиятларини ҳам ўзгартириб юборди.³ Бу тиллар учун муштарак бўлган лексик қатламнинг мавжудлиги ҳам тарихий-лисоний жараёнлар билан бевосита боғлиқдир. Таъкидланишича, ҳозирги туркий, мўғул, тунгус-манжур тиллари олтой тили оиласи таркибига кирган. Булар кўп сонли уруғ-қабилалардан иборат бўлиб,

¹Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Т., 1994. –Б. 71.

²Баскаков Н.А. Введение в изучение тюркских языков. – М., 1969. – С. 148-152.; Санжиев Г.Д. Современный монгольский язык. – М., 1960. – С. 30-31.

³Фуломов Я.Ф., Набиев М.Ф., Ваҳобов М.Ф. Ўзбекистон тарихи. – Т., 1958. – Б. 168-170.

бир-бирига яқин, яъни тушунарли бўлган лаҳжаларда муомала қилганлар.¹ Кейинчалик улар алоҳида тил сифатида шаклланиб, тараққиёт босқичини ўтадилар.

Ўзбек адабий тили ва ўзбек шевалари, жумладан, Зарафшон воҳаси шевалари лексик таркибидаги турли соҳаларга оид сўзлар билан мўғулча сўзларни қиёслаб кўрсак, ҳар иккала тилга мансуб лексемалар фонетик ўзгаришларни ҳисобга олмаганда, маъно жиҳатдан бир хил сўзлардир.

Зарафшон воҳаси шевасида: **дрпд** *//ад.орф.арпа// мўғул. арвай; **дйр**⇒**н***// ад.орф. айрон // мўғул. айрач; **дльс** *// **дльс**// ад.орф. олис // мўғул. алс; **орол** // **арал** // ад.орф.орол // мўғул.арал; **болдж** // **болдй*** // ад.орф. бўлак // мўғул. булаг; **буғддй** // **бувддй*** // ад.орф. буғдой // мўғул. бундай; **б**⇒**в**⇒ // **бдвдй*** // ад.орф. бобо // мўғул. баавай; **ддв**⇒**н*** // ад.орф. довон // мўғул. даваа(и); **манглай**//ад.орф.пешона//мўғул.магнай; **ждйр**⇒**н*** // ад.орф. жайрон // мўғул. ждрдн; **кунжът*** // ад.орф. кунжит // мўғул. гунжид; **мэргдн*** // ад.орф. мерган // мўғул. мэрган; **сдлқън*** // ад.орф. салқин // мўғул.салхин; **сд:ун** // **сдбун*** // ад.орф. совун // мўғул саван(г), **тайак**//**тойак***//ад.орф.таёк//мўғул.таяг; **тдмғд** // **тдмғд** *//ад.орф. тамға // мўғул.тамға, **тднсуг*** // ад.орф. тансиқ // мўғул. тансаг; **узум***// ад.орф. узум // мўғул.узэм; **шувох**//**шавах*** //ад.орф.шувок//мўғул. шавах каби. Бундай сўзларни кўплаб келтириш мумкин.

Шуни айтиш лозимки, “Агар мўғул тили туркий тил, қардош тил деб тушунилганда келтирилган сўзлар умумтуркий лексик қатламга мансуб бўлар эди. Лекин ўзбек ва мўғул тиллари бошқа-бошқа системага мансуб тиллар деб қаралади. Қайд қилинган тип сўзларни мўғул тилидан ўзбек тилига ўтган, қабул қилинган ёки аксинча туркий тиллардан мўғул тилига ўтган, қабул қилинган деб бўлмайди. Бундай хулосага келиш учун чуқур

¹Муродова Н. Ўзбек тили Навоий вилояти шеваларининг лингвоареал талқини: Филол. фанлари д-ри... дис. – Т., 2006. – Б. 309.

илмий тадқиқот ишлари олиб бориш лозим бўлади. Шу сабабли юқоридаги сўзлар тилшуносликда ўтроқ сўзлар, туркча-мўғулча параллеллар деб аталмоқда. Демак, ўзбек тили лексикасида ўтроқ сўзлар қатлами ҳам мавжуд”.¹

Зарафшон воҳаси шевалари лексик қатламида қадимдан мавжуд бўлган туркча-мўғулча параллел сўзлар ҳозирда тилнинг луғат таркибини бойитиш учун манба бўлиб хизмат қилган.

1.1.2. Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларида ўзлашган лексик қатлам

Ўзбек тили, жумладан, ўзбек шеваларининг луғат таркибида бошқа тиллардан ўтган сўзлар ўзига хос ўрин эгаллайди. Ўзбек тилида сўзлашувчи аҳоли қардош ва қардош бўлмаган этник гуруҳлар билан яқин маданий муносабатда бўлган. Бу тилларнинг ўзаро аралашуви янги сўзларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Шу боис ҳам ўзбек тили, шевалар луғат таркибида умумтуркий сўзлар билан бирга ўзлашган лексик қатламга оид сўзлар ҳам кўп миқдорни ташкил қилади. Маълумки, “ҳар бир тилнинг луғат составида бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар қатлами мавжуд. Маълум бир тил ва унинг шеваларига ўзга тиллардан сўз ўзлашиши объектив қонуният бўлиб, у ўша тилнинг бойиши ва янада ривожланишига олиб келади”.² Шунини айтиш лозимки, “..бошқа тиллар таъсиридан ажратиб, маълум бир қобикқа солиб қўйилган тилнинг ўзи йўқ”.³

Тилларнинг бир-бирига ўзаро таъсири тўғрисида Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд Замахшарий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг асарларида илк маълумотлар учрайди. Бу масала доим ўзбек тилшунослигининг долзарб масалаларидан бири бўлган. Шу боис ҳам, ўзбек тили ва шевалар лексикасининг этимологик таркиби, ўзлашма ва

¹Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий адабий тилининг лексик қатламлари. – Т.: Фан, 1985. – Б. 57.

²Шералиев Э. Шимолий-шарқий Тожикистондаги ўзбек шеваларининг лексикаси. Филол. фанлари. ...ном . дис. – Т., 1974. – Б. 49.

³Гулямова Н. Русские лексические заимствованные слова в узбекском языке: Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Т., 1975. – С. 24.

байналмилал сўзларнинг лингвистик хусусиятлари тилшуносларнинг илмий ишларида кенг тадқиқ этилган.¹

Сўз ўзлаштиришда араб ва форс-тожик тиллардан сўз ўзлаштириш тарихан фаол бўлган. Шунингдек, рус тили ва у орқали Ғарбий Европа тилларидан ўтган ўзлаштирилган сўзлар ҳам ўзбек тили ва шевалар луғат таркибининг анчагина қисмини ташкил этади. Н.Муродованинг таъкидлашича, “Умуман олганда, дунёдаги бирорта тил фақат ўз тилида мавжуд бўлган сўзлар билангина кенг қамровли луғат бойлигига эга бўла олмайди. Тилнинг ривожланиши жамият тарихий тараққиёти билан узвий боғлиқлиги учун унинг луғат таркиби жамият ҳаётидаги ҳар қандай ўзгаришни ҳар томонлама ифодалай олади. Бошқа тиллардан кириб келган сўз ва иборалар ўша халқнинг моддий ва маданий турмушини ифодаловчи лисоний тизим сифатида халқ орасида қанчалик кенг тарқалган бўлса ҳам, улар қабул қилинган тилнинг ўз луғат фонди ҳисобланади”.²

Тилда сўз ўзлаштириш маълум бир омиллар орқали юзага келади. Сўз ўзлаштиришда адабий тил билан шевалар ўртасида баъзи фарқлар учрайди. Адабий тилда кўпроқ асарларни таржима қилиш орқали сўзлар ўзлаштирилса, шевада эса бундай ҳоллар учрамайди. Тилда қабул қилинган ўзлашма сўзлар ўша тилнинг лисоний қонун қоидаларига мослаштирилади. М.Маковский турли гуруҳларга мансуб тиллардаги ўзлашма сўзларнинг у ёки бу хусусиятларини очиқ бериш жараёнида ўзлашма сўзнинг ўзига қуйидагича таъриф беради: “Ўзлашма сўз бу чет тилидан кўчган лексема бўлиб, ўзлаштирувчи тилнинг фонетик, лексик-семантик, грамматик қобиғига бўйсунган бўлади”.³

¹ Мирзаев М. Бухоро ўзбек ва тожик шеваларининг ўзаро муносабати тўғрисида // Ўзбек диалектология- сидан материаллар. – Т., 1961. Т. II. – Б. 162-177.; Гулямова Н. Русские лексические заимствованные слова в узбекском языке: Автореф. дис. канд. филол. наук. – Т., 1975. – С. 24.; Юсупов К. Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро таъсири. – Т.: Фан, 1974. – Б. 166.; Бегматов Э. Собственный пласт лексикки современного литературного узбекского языка: Дисс. .д-ра филол. наук.-Т.:1988.-322с.

² Муродова Н. Ўзбек тили Навоий вилояти шеваларининг лингвоареал талқини: Филол. фанлари д-ри ... дис. – Т., 2006 .–82 б.

³ Маковский М. Теория лексической абстракции.-М.,1974,4 с.

Зарафшон воҳаси шеваларида ҳам бошқа тиллардан ўзлашган кўпгина сўзлар борки, бундай лексемалар шу шева вақллари нутқида ўз сўзларидек қўлланилади.

Юқорида таъкидланганидек, тадқиқ этилаётган ҳудуд шевалари лексикасида ҳам арабча, форсча, рус тили ва у орқали Европа тилларидан ўтган ўзлашма сўзлар мавжуд бўлиб, улар мазкур шеваларнинг луғат таркибининг бойишига олиб келган.

Арабча лексик қатлам. Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларининг луғат таркиби этимологик жиҳатдан таҳлил қилинганда, арабча сўзлар ҳам анчагина эканлиги аниқланди. Ўзбек тилининг луғат таркибидаги арабча ўзлашма сўзлар, уларнинг семантик -лексик хусусиятлари Т.Раҳмонов, Б.Эшонқуловларнинг илмий тадқиқотларида кенг ёритиб берилган.¹

Зарафшон воҳасининг Бухоро шеваларини қиёсий-тавсифий усулда ўрганган олим М.Мирзаев арабча сўзларнинг ўзбек тили ва унинг шеваларида ўзлашиши тўғрисида қуйидаги фикрни билдиради: VII асрда араб истилочиларининг Ўрта Осиёни забт қилиши муносабати билан бу ерда араб тили ва ёзувининг тарқалиши, мактаб ва мадрасаларда арабча таълимнинг жорий қилиниши каби омиллар натижасида арабча сўзлар маҳаллий тилларга, жумладан, ўзбек тили ва унинг маҳаллий шеваларига кириб ўзлашади². Маълумки, лотин тили Европада бир вақтлар халқаро тил, илм-фан тили бўлганидек, араб тили ҳам Турон заминда уч юз йил давомида ана шундай мавқеда бўлган. Бунда олиму уламо, фозилу фузало ва атоқли ижодкорларнинг ўрни беқиёс бўлган.³ Ҳақиқатдан, X-XI асрда яшаган олимлар ўзларининг асарларини араб тилида ёзганлар. Масалан, Бегрунийнинг Ҳиндистон тарихи ва маданиятига оид “Ал-жамоҳир-фил-жавоҳир”, Ибн Синонинг “Ал-қонуну-фит-тиб”, ал-Хоразмийнинг “Ал-жабр

¹ Раҳмонов Т. Ҳозирги ўзбек тилидаги арабча ўзлашма сўзлар семантик тузилишидаги ўзгаришлар. Фил.фан. номзо-ди. ...дис.-Т.,1994. Эшонқулов Б. Ўзбек адабий тилида арабча луғавий ўзлашмаларнинг парадигматик ассиметрияга муносабати. Фил.фан. номзоди...дис. -Т.,1996. -106 б.

² Мирзаев М. Ўзбек тилининг Бухоро группа шевалари. -Т.: Фан.1969. 81б.

³ Усмонов С. Ўзбек тилининг луғат составида тожикча –форсча ва арабча сўзлар //Навоийга армуғон.Т., Фан.1968.122 б

вал муқобала” ва бошқа бир қатор асарларни келтириш мумкин. С.Усмоновнинг таъкидлашича, агар тожик тилига оид сўзлар ўзбек тилига бевосита жонли сўзлашув тили, шунингдек, адабиёт ва бошқа воситалар орқали кирган бўлса, арабча сўзлар, биринчидан, китоб, мадраса, дин орқали, иккинчидан, тожик тили орқали кирган.¹ Форс-тожик ва ўзбек (туркий) қабилалари қўшни яшаган ҳудуд шеваларида араб тилидан сўз ўзлашиши кўпроқ бўлган.

Ҳозирда ҳам Қашқадарё ва Зарафшон воҳасида араб тилининг икки шеваси сақлагани ҳақида маълумотлар мавжуд. 1) Бухоро арабларининг шеваси. Ғиждувон туманининг Жўғари, Чоғдара қишлоқларидаги ўз она тилини сақлаган араблар. 2) Қуйи Қашқадарё араблари шеваси. Бешкент (ҳозирги Касби) тумани ҳудудида Жейнав ва Қамаши қишлоқларидаги араблар.² Шунингдек, Бухоро вилоятининг Қоракўл, Олот туманларидаги Бандбоши, Яққалам, Арабхона ва бошқа кўплаб қишлоқларда, шунингдек, Навоий вилоятининг Навбаҳор туманидаги Арабхона, Хатирчи туманидаги Кўксарой ширкатида жойлашган Араб қишлоғи, Қизилтепа тумани ҳудудидаги Арабон қишлоқларида араблар яшаб келишган.

Ўзбек тили, ўзбек шевалари, жумладан, Зарафшон воҳаси шевалари луғат таркибида араб тилидан ўзлашган сўзлар ҳам анча миқдорни ташкил этади. Шунини айтиш лозимки, ҳозирда мамлакатимиздаги мустақиллик шарофати билан яна тилимизда арабча сўзлар қўлланилмоқда. Масалан: **муаллим, ҳоким, вилоят, вазир** ва б.ш.к. Араб тилидан ўзлашган лексик қатламдаги баъзи сўзлар шевалар билан адабий тилида қўлланишида ўзига хос томонлари ҳам учрайди. Шу сабабли ҳам мазкур шевалардаги ўзлашган арабча сўзларни лексик гуруҳланиши, маъно ўзгаришлари таҳлил қилинди.

¹ Усмонов С. Ўзбек тилининг луғат составида тожикча –форсча ва арабча сўзлар // Навоийга армуғон. Т., Фан. 1968. 123 б.

² Винников И.Н. Словарь бухарских арабов // Палестинский сборник. Вып. 10/(73) М., Л., 1962.

Зарафшон воҳаси шевалари луғат таркибидаги арабча сўзларни мазкур худуд бўйича тўпланган диалектал материаллар луғатлар билан қиёсланиб, қуйидаги лисоний гуруҳларга бўлиб таҳлил қилинди:¹

фонетик ўзгаришларга дуч келган арабча сўзлар: қорл. **дсп**п* // кипч. **асбаб***// ад.орф. асбоб, ар.: асбоб; ўғуз. **овл**т*//ад.орф. авлод, ар.: авлод; қорл. **хдр**п *// **кипч. харап** *//ад.орф. хароб, ар.: хароп; **хдвор***//**хдор***//ад.орф.хабар, ар.хабар; **двх**дл* // **двх**л* // **дхв**л* // ад.орф. **ахв**л ,ар.: ахвол; уғуз. **овыч***//**овыч***//ад.орф. авж, ар.авж; **кдйп***// ад.орф.кайф, ад.орф.кайф; **ғдпл**дт*//ад.орф. ғафлат,ар.ғафлат; **ғдв**ғд *// кипч. **ғув**ғд* // ад.орф. **ғав**ғо, ар.: **ғав**ғо; қорл **ха:**р* //кипч. **хавар***-ад.орф. **хабар**, ар.: **х абар**; қорл. **сдвр***/ /кипч **.саур*** ад.орф. **сабр**, ар.:**сабр**; **пожъ**йа *// ад.орф.**фо**жиа ,ар.фожиа; **ғдпл**дт* // ад.орф. **ғаф**лат, ар.: **ғаф**лат; **вдй**ьмд* // **вдъ**ьмд*// ад.орф. **вах**има, ар.:**вах**има ; **пойъ**з*//ад.орф. фоиз, ар.:фоиз, **нък**д*// ад. орф. никоҳ , ар. никоҳ; **ждсат***//ад.орф. жасад,ар.жасад; **товб*****тувб**д* //ад.орф .тавба, ар.тавба каби кўплаб мисолларни келтириш мумкин.

белги-сифат ва хусусият номларини билдирувчи арабча сўзлар: **ғдръп*** // ар. ғариб // ад.орф. бегона, мусофир, камбағал бечора; **кдзз**п* // ар. каззоб // ад.орф. ёлғончи, алдамчи, мунофиқ; **копър*** //ад.орф. кофир.ар. кофир; **бдхъл***//ар .баҳил// ад.орф. қизғанчиқ, хасис, ҳасадчи, рашкчи; **ғопъл** *//ар. ғофил// ад.орф.бепарво, беҳабар, нодон, билимсиз; **мдкк**р*, ўғуз. **мекк**р*// ар маккор // ад.орф. маккор; **хъйлагар***//ад.орф. хийлагар,ар. хийлагар; **вдхшъ**й* //ад.орф. ваҳший, ар. ваҳший; **здй**ьп*// ад.орф. заиф, ар.заиф; **қдлл**п* // **қаллап*** //ад.орф.қаллоб, фирибгар, хийлагар, ар.қаллоб; **ғопъл**//**ғофъл**//ад.орф. ғофил, ар.ғофил; каби.

предмет номларини билдирувчи арабча сўзлар: **лъбос**// **липос**// ар.либос //ад.орф. либос; **сдбун*** // **сд:**ун* // ар. сабун // ад.орф. совун;

¹ Сапаев Р,Авезметов Ш.Ўзбек тилидаги арабча ва форсча сўзлар луғати.-Тошкент,Ўқитувчи,1996й.

сандығ*//**сәндиқ***//**санньқ*** // ад.орф.сандуқ **ар.сандуқ**; **соҳдт***//**со:дт***// ад.орф.соат, ар.соат **жә: ҳдр*** // **жәвҳдр*** // ждвҳар // ар. жавҳар // ад.орф. гавҳар, қимматбаҳо тош; **кътәп***//ар. китоб//ад.орф.китоб; **хднждр*** //ад. орф. ханжар//ар.ханжар; **длвә***//**хдлво***//**холво***//ар. ҳалво//ад.орф. ҳалво; **хънд*** //**хънд***//**хъно***//ар. ҳина//ад.орф. ҳина; **сдгул*** // **сдгъл*** /ар.сатл // ад.орф. сатил, челак, пақир; **шдрәп***//**шдрәб***//ар.шароб//ад.орф.шароб; **қдпдс*** //**қәпәс***// ар. қафас// ад.орф.қафас каби.

мавҳум тушунчаларни ифодаловчи арабча сўзлар: шдрәп* // ад.орф. шараф, фаҳр // ар. шараф; **тухмдт*** // ад.орф. тухмат //ар. тухмат; **здйъп*** //**здйъб*** // ад.орф. заиф // ар.заиф ; **сдбр*** //**сдвр*** //ад. орф. сабр //ар.сабр ; **ғдплдт***// ад.орф.ғафлат//ар.ғафлат; **қалп**//ар.қалб// ад.орф.қалб; **пдҳм***//**фдҳм***// ад.орф. фаҳм//ар. фаҳм; **ъймән***//ад.орф.имон//ар.имон; **ъжозат*** //ад.орф.ижозат//ар.ижозат каби.

Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларида баъзи арабча сўзлар акс маънода учраса, баъзилари фақат шеваларда қўлланилади. Масалан: **суқър***- кўрмайдиган, ар.: **суқир** –кўрадиган; **тдләқ***-ажралиш, ар.: **таләқ**-кўшиш, учрашув; **ғдссәл*** -қаттиқ кулоқ, кулоғи эшитса ҳам, эшитмасликка оладиган кишиларга айтилади. ар.: **ғассол**-ўсиш, ювувчи каби маъноларни ифодалайди. Арабча **ҳдз** сўзи тадқиқ қилинаётган шеваларнинг ўғуз лаҳжасида араб тилидагидек хузур, ҳаловат, мазза, кайф маъноларида ишлатилади. Бухоро ўзбек шеваларида адабий тилдаги тақа сўзи ўрнида арабча **ндл** сўзи кенг қўлланилади.

Араб тилидан кирган сўзлар ўзбекча, тожикча қўшимчаларни қабул қилиб, ўзбек тилига сингиб кетган ва улар янги маъноли сўзларни яшаш учун асос бўлади. Масалан: **хәвәрчъ***//ад.орф. хабарчи//ар.хабар +ўзб.чъ, **дддбъётчъ***//ад.орф.адабиётчи //ар.адабиёт+ўзб.чи; **пътндчъ*** //ад.орф. фитначи // ар. фитна + ўзб.чи; **мусәпърчълъй*** //ад.орф.мусофирчилик// ар. мусофир + ўзб. чъ+лъй; **ддвәлдш***//ад.орф.даволаш// ар.даво + ўзб. ла+ш;

пъкърлѡш* //ад.орф.фикрлаш// ар.фикр+ўзб.ла+ш; **хълѡкѡр*** //ад.орф. хийлагар// ар. хийла + тож. гар; **ѡвѣѡгѡр***//ад.орф. ивѣогар//ар.ивѣо +тож. гар; **сѡхѡтсѡз***// ад.орф.соатсоз//ар.соат+тож.соз; **кѡспдѡш ***// ад.орф. касбдош //ар. касб+тож. дош, **мѡйлъсѡз** //ад.орф. мажлисбоз //ар. мажлис+тож.боз; **мѡнсѡпдѡр*** //ад.орф.мансабдор// ар.мансаб + тож. дор, **ѡлмлъ*** //ад.орф.илмли//ар.илм +ўзб.лъ каби.

Ўзбек адабий тилидагидек, Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларида ҳам араб тилидан ўзлашган сўзлар бошқа тилларга оид сўзлар билан бирга кўшма сўзлар ҳосил қилади. Уларни қуйидагича кўрсатиш мумкин: а) арабча сўзлардан ташкил топган кўшма сўзлар: **кѡмқуввѡт** // ўғуз. **кѡмқуввѡт**//қипч. **кѡмқудѡт**, **ѡкссѡ**, **ѡдѡмсыпѡт** // ўғуз. **ѡдѡмсыфѡт** каби. б) форс-тожик+арабча сўзлардан ташкил топган кўшма сўзлар: **хѡмпъкър**, **пѡрвѡйъпѡлѡк**, **ѡевқѡмѡт**, **ѡѡтѡѡшѡрѡ** ва ш.к. в) арабча +форс-тожикча сўзлардан ташкил топган кўшма сўзлар: **ѡѡтѡнѡѡдо**, **шъпѡѡѡхш**, **пъкърдѡш**, **ѡѡѡвѡрдъѡѡ** //ѡѡѡѡвѡрдъѡѡ, **рѡхъмѡѡл** //ўғуз. **рѡйъмѡѡл** каби сўзларни кўплаб келтириш мумкин.

Мазкур шеваларда арабча сўзлардан ташкил топган қуйидаги жуфт сўзлар ҳам кўплаб учрайди: а) ҳар иккала компоненти арабча сўзлардан ташкил топган жуфт сўзлар: **саур-тѡқѡт**// ўғуз. **сѡвыр-тѡқат** //қипч. **сѡур-тѡқѡт**,**сър-сынѡѡт** // ўғуз. **сыр - сынѡѡт**, **ѡлъм-пѡн**, **мѡл - ѡѡн**, **рѡсьм-русум**, , **мумън-кѡул**// қипч. ўғуз. **момын -қѡвул** , **ѡшқ-мудѡѡѡѡт** // ўғуз. **ѡшық-мѡѡѡѡѡт**, **ѡр-нѡмус** //қипч. **ѡр-намыс**, **мѡкър-хъйлѡ**//ўғуз. **мѡкыр-хъйлѡ**, **урп-ѡѡѡт** // **урп-ѡѡѡт** ва ш.к. б) биринчи компоненти арабча, иккинчи компоненти форс-тожикча сўзлардан ташкил топган жуфт сўзлар **назар-пъсѡн**//**нѡѡѡр-** **пъсѡнт**, **шѡръм- хѡѡ**, **тѡнѡ-ѡѡшнѡм** ва ш.к.в) биринчи компоненти ўзбекча, иккинчи компоненти арабча сўзлардан ташкил топган жуфт сўзлар **сѡвѡѡ-сѡлѡм** ,**теѡѡрѡк-ѡтрѡп** //ўғуз. **ѡѡѡрѡк-ѡтрѡп**, **тѡй-хѡшѡм** каби кўплаб сўзларни келтириш мумкин.

Шуни айтиш жоизки, ўзбек тилида, жумладан, Зарафшон воҳаси шеваларида араб тилидан ўзлашган сўзлар тилнинг луғат таркибини бойитувчи асосий манбалардан бири бўлиб, алоҳида аҳамиятга эга эканлигини тадқиқот давомида тўпланган фактик материалларнинг юқоридаги таҳлиллари билан изоҳлаш мумкин.

Форс-тожикча лексик қатлам. Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларининг луғат таркибида форс – тожик тилидан ўзлашган сўзлар бошқа ўзбек шеваларига қараганда кўп миқдорни ташкил этиши билан ажралиб туради. Албатта, бундай сўзлар ўзбек тили, ўзбек шеваларининг луғат таркибини бойитиш учун бой манба бўлиб ҳисобланади.

Ўзбек тилшунослигида ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро лисоний алоқалари тўғрисида қатор илмий ишлар юзага келган.¹ Маълумки, ўзбек тили, ўзбек шевалари, жумладан, Зарафшон воҳаси шеваларининг луғат таркибида тожикча сўзлар туркий сўзлардан кейинги ўринда туради. Ўзбек тилининг бойишида иштирок этган бундай сўзларни тадқиқ этиш этимологик жиҳатдан ҳам муҳимдир.

Юқорида таъкидланганидек, тадқиқот объектидаги ҳудудда икки тиллилик мавжуд бўлган Самарқанд ва Бухоро каби қадимий шаҳарлар жойлашган. Шуни айтиш лозимки, ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро лисоний алоқалари натижасида икки тиллилик юзага келган. Тожик тили эрон группа тилларига тааллуқли бўлгани учун форс-тожик тили деб юритилади. Н.А.Баскаковнинг кўрсатишича, туркий тиллардаги эрон лексик элементлари Марказий ва Ўрта Осиё территорияларидаги туркий қабилаларнинг эрон қабилалари билан мустаҳкам алоқалари туфайли вужудга келган²

¹Боровков А.Таджикско-узбекское двуязычие и вопросы о взаимовлиянии таджикского и узбекского языков //Ученые записки Института Востоковедения.-М.,1952.-Т IV.-С.165-200. Мирзаев М.Бухоро ўзбек ва тожик шеваларининг ўзаро муносабати тўғрисида//Ўзбек диалектологиясидан материаллар.-Т.,1961.Т. II.-Б.162-177. Юсупов К.Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро таъсири.-Т.:Фан.1974.-116б.Фуломов Х.Ўзбек-тожик тилларининг алоқаси.-Т.:Фан.1983.

²Баскаков Н.А.Состав лексики каракалпакского языка и структураслова,ИСГТЯ,IV.Лексика, М.,1962,71б.

Тарихдан маълумки, Ўрта Осиёда араблар хукмронлиги сусайиб, X асрда Сомонийлар давлати барпо бўлган. Унинг пойтахти биз тадқиқ этаётган ҳудудлардан бири Бухоро шаҳри бўлган. Ўша даврда форс-тожик адабий тили аввал шеърят соҳасида қўлланилди, сўнгра XI асрда форсий тил расмий давлат тилига айланиб, форсий тилда Умар Хайёмнинг рубоийлари, Абдулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” достони, Низомий Ганжавий дostonлари, Абдурахмон Жомий ва бошқа бир катор алломаларнинг асарлари ёзилди. Ҳатто Алишер Навоий даврида ҳам икки тиллилик давом этиб келган эди. Устоз Навоий ҳам ўзбек-тожик икки тиллиги - зуллисонайнликнинг ажойиб намунаси сифатида “Муҳокамат ул-луғатайн” асарини яратиб, ўзбек ва форс-тожик тилларини чоғиштириб ўрганишга бағишлади. У бу ҳақда қуйидагиларни ёзади. ”Аmmo туркнинг улуғидин кичигига дегинча ва навкардин бегига дегинча сарт (тожик-форс) тилидин баҳраманддирлар, андоқким ўз хирад аҳволига кўра айта олурлар, балки баъзи фасоҳат ва балоғат била ҳам такаллум қилурлар, ҳатто, турк шуаросиким форсий тил била рангин ашъор ва ширин гуфтор зоҳир қилурлар”.¹

Ўзбек адабий тилидагидек, мазкур шеваларда форс-тожикча сўзлар кўплаб учрайди. Масалан, **днжър**, **гелс**, **нжк**, **қднт//қднд** (тож.қанд), **днр**, **бсғ**, **ддргсх**, **сдвдсгдр** каби. Баъзан форс-тожикча сўзлар фонетик ўзгаришларга ҳам учрайди: **аллас***//ад.орф.атлас (тож. атлас Ф3.Т.1.97), **баг***ад.орф.барг(тож.барг. Ф.3.Т.,I.143), **псқуза***//ад.орф.покиза (тож.покиза Ф.3.Т.1.35), **гирдоп*** ад.орф. гирдоб (тож.гирдобФ.3.Т.1.253), **шулла***//ад.орф.шавла (тож.шавлаФ.3.Т.1.557), **оптово***//ад.орф.офтоба (тож.офтобаФ.3.Т.1.940), **дфснд*** * // **двснд*** * // **дфснд*** * //(тож. афсона Ф3Т,1,107), қипч. **ддрвдзд*** *// қорл. **ддрбсзд*** * // **дарвсза*** //(тож. дарвоза Ф3Т,1,328) ва б.ш.к. Бу тадқиқ этилаётган ҳудуд шеваларида ўзбек

¹ Алишер Навоий.Мукамал асарлар тўплами.Асарлар.16-том.-Т.,2000.126.

тилининг ҳар учала лаҳжаларининг мавжудлигидадир. Шу боис ҳам сўзларнинг талаффузида фарқлар учрайди.

Ўзбек шеваларида, жумладан, мазкур ҳудуд шеваларида шундай форс-тожик сўзлари мавжудки, улар адабий тилда қўлланмайди. Мас.: Зарафшон воҳасининг икки тилли шеваларида **енглик** (тандирдан нон узиш учун мўлжалланган мато) сўзини **≡стьнча*** (тож.ф. остин, Ф.З.Т. 1, 929 - либоснинг бир қисми) сўзи ифодалайди. Ёки **зъмьстн***//ад.орф. киш/(тож.ф. зимистон Ф.З.Т.1.89); **джкд***//**ҳакка***// ад.орф.қарға// (тож.ф. акка Ф.З.Т.1.52); **джун*** // ад.орф. энди(тож.ф. акнун ФЗТ, 1, 52); **ддрчд***//ад.орф. кичик эшик (тож. ф.дарича Ф.З.Т.1.190); **нушхут*** // ад.орф. колдиқ // тож. нишхот; **до:лдп*** // ад.орф. тўполон, сер одам (тож. ф. до:лап Ф.З.Т.1.190); **гдзъмбур*** // зъмбур // зднбур // ад.орф. ари // форс. занбур (ЎЗАФЛ, 89); Форс-тожик тилидан кирган сўзлар баъзан ўзбек тилидаги айрим сўзлар билан синонимик муносабатда ҳам келади. Бундай сўзлар ўзбек тилининг беқиёс нафосатини ошириш учун хизмат қилади. Масалан: куйидаги форс-тожикча ва ўзбекча сўзлар **бдхдр// коклдм, ≡хднг// куй, огох//хушёр, ≡взз// тзвущ, шдбодд//шдмол, дост// ортзқ каби** параллел қўлланилиб, ўзбек тили ва шеваларнинг синонимик қаторини бойитган. Шунингдек, ҳар икки қисми форс-тожикча бўлган синонимик жуфт сўзлар ҳам мавжуд: **шърън-шдкдр, сдрднжзм-сдръштд, ёр-≡шнд, лдб-ддхдн** каби. А.К.Боровков таъкидлаганидек, ўзбек ва тожик халқларининг маданий ва адабий анъаналарининг яқинлиги лексикада ва турли махсус терминология соҳасида кўп жиҳатдан умумийликнинг юзага келишига сабаб бўлди.¹ Шунини айтиш мумкинки, форс-тожик тилидан кирган сўзлар кўпроқ аниқ нарсалар билан боғлиқ. Шу сабабли бундай сўзлар ўзбек тили луғат таркибидан мустаҳкам ўрин олган. Масалан: **Озиқ-овқат номлари: шдвлд //шзвла*** // ад.орф.шавла // тож.шавла; **нд:зт // нд:зт ***// ад.орф. новвот // тож.новвот;

¹ Боровков А.К. Таджикско-узбекское двуязычие и вопрос о взаимовлиянии таджикского и узбекского языков.Сб.Ученые записки Института Востоковедения. -М.,1952.187с.

шъргуруч* // ад.орф.ширгуруч // тож.ширгуруч; **шўрб** // ад.орф. шўрва//тож.шўрва; **кдб** // **кдб*** ад.орф. кабоб//тож.кабоб; **мдшдвд**, **мшдвд** * // ад.орф. мошова//тож.мошова; **гьп***(тож) **жьп***, **ьж**, **шдвлдт*** //ад.орф.хасиб // тож.гипо каби.

Кийим-кечак ва уларнинг қисмларига оид сўзлар: **пйт** // **пйтдвд***//ад.орф.пайтава//тож.пайтава; **йдктдй*** // ад.орф. яктак//тож.яктак; **кдллдпош** // **кдлдпош*** // ад.орф. каллапўш // дўппи//тож.каллапўш; **чп** // **чпдн*** // ад.орф. чопон//тож.чопон; **сьндвдн***, **жуббд***, **ьчкьчд***, **жмд***, **бейьнгчд***, **ьчк***, **кдмзърчд***, **гупь***// **сьндвдн** (< тож. Сийна – кўкрак, **вдн** < банд, беркитиш)//ад.орф. нимча – кўйлак устидан, костюм, камзул ичидан кийиладиган енгсиз ва ёқасиз калта ва ихчам кийим (асосан хотин-кизлар кияди) (ЎзТИЛ, II, 503).

Белги-сифат ва хусусият номларини билдирувчи форсча-тожикча сўзлар: **вдзмьн***// ад.орф.вазмин//тож.вазмин; **хушдв** // ад.орф. хушовоз//тож.хушовоз; **хурсднд** // **хурсан***//ад.орф. хурсанд// тож. хурсанд; **гумр** // **гумр*** // ад.орф. гумроҳ//тож.гумроҳ; **схтд*** // ад.орф. сохта//тож.сохта; **кохна*** // ад.орф. кўхна//тож.кўхна; **нмдрд*** // ад.орф .номард// тож. номард; **сус** // **суст*** // ад.орф. суст//тож.суст каби.

Моддий-маиший турмуш билан боғлиқ номларни билдирувчи форсча-тожикча сўзлар: **жойпуш***, **такъйдпуш***, **жйшап*** (тож. жой - ўрин, шаб – кеча – жойшаб) // ад.орф.: чойшаб - ўрин-тўшак устида ёзиладиган яланг қават ёпинчиқ (ЎзТИЛ, II, 377), **шхд*** // ад.орф. паншаха//тож.шоха; **шьша***// ад.орф.шиша//тож.шиша, **чър** // **чър*** // ад.орф. чирок//тож.чирок; **бдаста**// **офтаба***// ад.орф .обдаста// тож. обдаста; **ғдлвур*** // ад.орф. ғалвир//тож.ғалвир; **нарвдн*** //ад.орф. нарвон //тож. нарвон ; **днгъшпдн*** // ад.орф. ангушвона//тож.ангушвона ва б.ш.к.

Тадқиқот объекти бўйича тўпланган фактик материаллар таҳлиliga кўра Зарафшон воҳаси шевалари луғат таркибида форс –тожик тилидан

ўзлашган лексик қатламга оид сўзларнинг кўплиги, юқорида таъкидланганидек, мазкур ҳудудда икки тиллиликнинг мавжудлигидандир. Бундай сўзлар ўзбек тилининг, ўзбек шеваларининг луғат таркибини бойитиш учун манба бўлиб хизмат қилган.

Рус тили ва у орқали бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар.

Зарафшон воҳаси шеваларида рус тили ва у орқали бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар форс-тожик, араб тилларидан ўзлашган сўзларга нисбатан салмоқли ўрин тутди. Бу ҳақда ўзбек тилшунослигида ва ўзбек шевалари яхлит ҳолда ўрганилган тадқиқотларда тилшунос олимлар томонидан кенг таҳлиллар берилган.¹

Маълумки, рус тилининг ўзбек тилига таъсири анча чуқур ва органикдир. Юз йилдан ортиқ давр ичида икки халқ ўртасидаги дўстона муносабат, аралашиб яшаш, сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатларнинг икки ёқлама, яъни ҳам ёзув орқали, ҳам оғзаки нутқ воситасида ўтишига кенг йўл очиб берди. Рус тилининг ўзбек тилига таъсири, айниқса, лексикада яққол сезилади.² Бу ҳақда ушбу мавзу бўйича ўрганилган тадқиқотларда кенг изоҳланган. Ҳақиқатдан, рус тилидан ўзлашган сўзлар ўзбек тили ва шеваларининг луғат таркибида жуда катта миқдорни ташкил этади. Чунки бу даврда Ўзбекистонга савдо, саноат корхоналари, темир йўл, почта-телеграф, замонавий транспортларнинг кириб келиши билан янги тушунчаларни ифодаловчи сўзлар ҳам кириб келди.

Ўзбек тили ва унинг шеваларига, жумладан, Зарафшон воҳаси шеваларида рус тили ва у орқали ўзлашган сўзларни мазкур ҳудуд бўйича тўпланган диалектологик материаллар асосида қуйидаги мавзуй гуруҳларга бўлиб таснифлаш мумкин. Бу каби сўзлар шева вакиллари нутқига мослашиб, турли фонетик ўзгаришларга учраган ҳолда талаффуз қилинади.

¹ Бегматов Э. Собственный пласт лексики современного литературного узбекского языка: Дисс. ... д-ра филол. наук. Т.: 1988. 322с.; Мухаммаджонова Г. Ўзбек тили лексикаси тараққиётининг баъзи масалалари. Т.: 1982. 88б.; Гулямова Н. Т. Русские лексические заимствования слова в узбекском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - Т.: 1975. - 24с.

² Абдуллаев Ф. Тил қандай ривожланади? Тошкент., 1972, 36-37б.

Фан, техника ва саноатга оид сўз ва терминлар:капедра//ад.орф. кафедра, **тълвъзър** // ал.орф. телевизор; **машънд** // ал.орф машина; **вогон** // ад.орф. вагон, **светапор**// ад. орф. светафор, **дптбус** // ад.орф. автобус; **здвут** // ад.орф. завод ;**пдбрькд** // ад.орф. фабрика

Савдо-сотик хамда тижоратга оид сўз ва терминлар: **ьсклдд**//ад.орф.склад , **квътднсья** // ад.орф.квитанция, **йдрмдркд** // **йдрмдркд** // ад.орф. ярмарка; **тдр** // ад.орф. товар.

Адабиёт, санъат, маданият ва маорифга оид сўз ва терминлар: **пуйздш** // ад.орф. пейзаж; **кднсер** //ад.орф.концерт, **тъйдтр** // ад.орф. театр; **клуб** // ад.орф. клуб; **гдзет** // **гдзетд** // ад.орф. газета; **льсей** // ад.орф. лицей; **каллеж** // ад.орф. коллеж.

Озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-рўзғор буюмларини англатувчи сўз ва терминлар: **пъчънд** // ад.орф. печенье; **кдстум** // ад.орф. костюм; **пдтънкд** // ад.орф. ботинка; **варанка** // ад.орф воронка каби.

Бу сўз ва терминларни лисоний таҳлил қилиш уларнинг этимологиясини аниқлашга ёрдам беради. Масалан: **курт** // ад.орф. курорт < нем. курорт < киг - «Даволаниш» + ort - «жой»; **камзъл**// ад.орф камзул. рус.камзол <франц. camisole < нем. kamisole <итл. camicciuola < лот.camscia-куйлак; **тълпн** // ад.орф. телефон < грек tele - «узоқ» + phone - товуш; ; **кдсьтд**//ад.орф.кассета.рус<франц.cassette-яшикча ; **сьйндл** //ад.орф. сигнал .рус< нем. signal <лот. signum-белги ; **стдъйон** // ад.орф. стадион. рус < юнон .stadion ; **сдллт** //ад.орф. солдат. рус<. нем/soldat < итл.soldato<soldo-танга; **тдлн**// ад.орф.талант.рус.< юнон. talanton- айнан оғирлик,оғирликлар; **светдпр**// ад.орф.светафор. рус.< свет-ёруғлик<.юнон phoros олиб борувчи, ташувчи; **кдпдрд** //ад.орф. кафедра. рус. < юнон. kafhedra-ўриндиқ, стул

Бугунги кунда фан ва техника соҳасидаги кашфиёт ва ривожланишлар тилимизга янги-янги сўзларнинг кириб келишига сабаб бўлмоқда. Мамлакатимизда мустақиллик натижаси ўлароқ ўзбек тили ва унинг

шеваларига **бакалавр, магистратура, лицей, коллеж, грант, супермаркет** каби янги сўзлар кириб келди. Айниқса, давлатимиз томонидан жаҳоннинг энг тараққий этган давлатлари билан ҳамкорликда заводлар, қўшма корхоналар барпо этилди. Шунингдек, давлатлар ўртасидаги дипломатик муносабатларнинг ўрнатилиши, турли соҳалар бўйича ҳамкорлик шартномаларининг йўлга қўйилиши каби қатор омиллар, албатта, тилда ҳам ўз аксини топмоқда. Шунини айтиш лозимки, аввалари ўзбек тили ва шеваларига бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш рус тили орқали кириб келган бўлса, ҳозирда улар тўғридан-тўғри кириб келмоқда. Масалан, ўзбекча сўзлар инглиз тилида, инглизча сўзлар ўзбек тилида бемалол қўлланиш имкониятига эга бўлди. Ҳозирги пайтда ўзбек тили ва унинг шеваларида **дэск, фэйл (файл), ынтернет, кдмпьютер, мдркетынг, менежмент, фермер, тес(т), рейтын(г), мднътурын(г) (мониторинг), вердндд, ынтервью, ьстднддрт** каби инглизча сўзлар бемалол қўлланилиб келинмоқда. Комлевнинг фикрича, ҳозирда ўзбек тилига компьютер ва унинг технологияси билан боғлиқ сўзларнинг кириб келиши уч юздан ортиқ сўзни ташкил қилар экан¹

Тадқиқ этилаётган Зарафшон воҳаси шеваларида рус тили ва бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар ўзбек тили ва мазкур ҳудуд шеваларининг луғат таркибини бойитиб келган.

1.2.Зарафшон воҳаси шевалари лексикасининг мавзуй гуруҳларига оид диалектал сўзларнинг ареали

Халқнинг турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган сўз ва терминлар шеваларда турли хил шаклда лисоний ифода этилиши мумкин. Бундай сўз ва терминлар қайси ўзбек шеvasига тааллуқли бўлишидан қатъий назар, ўзбек адабий тили улардан озиқланмоғи керак ва шарт²

¹ Комлев Н.Г. Словарь новых иностранных слов. –М.: МГУ. 1995.

² Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва халқ шевалари. Т.: 1962.-319б.

Ўзбек тили ва унинг шевалари лексикасининг турли соҳаларини ўрганишга бағишланган бир қанча илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган.¹ Шунингдек, ўзбек шевалари лексикаси бўйича бажарилган тадқиқотларда ҳам шевалар мавзуйи соҳалари таҳлил қилинган.

Мазкур ҳудуд шевалар лексикаси қуйидаги мавзуйи гуруҳларга бўлиб ўрганилди:

Моддий-маиший турмуш билан боғлиқ лексика

Бу соҳа бўйича ҳар бир ҳудуд шеваларининг ўзгалик томонларига хослигини ўша ҳудуд шева вақллариининг ижтимоий турмуш тарзи, бошқа халқлар билан иқтисодий- ижтимоий, маданий алоқада бўлиши ва бошқа қатор омилларга боғлиқлиги билан изоҳлаш мумкин. Кундалик турмушда, уй рўзғор шароитида энг кўп қўлланиладиган идиш номлари ўзбек тили диалект ва шеваларида турлича номлар билан қўлланилади. Масалан : палов ва бошқа қуюқ овқатларни сузишда ишлатиладиган идиш номи **тдзқ*** // **тдбдқ***, **тдвдх*** // **тдвдқ***, **ўғуз. чанақ**. (Қорақўл) чоғ. Тошк. **лдгдн** (чънь лдгдн // сзпзл лдгдн), Фарғ., Анд. **товағ**, Жиз. **тдвдғ**. Қашқ. **тавағ** // **тзвағ**, Хор. **чанақ** (заранг **товоқ**) каби номланади. Адабий тилдаги **тоғора** лексемаси ўрнида Зарафшон воҳаси шеваларининг барчасида энг кўп тарқалган **лаган** диалектал лексемасидир. Бу сўзнинг **корсон тоғора** (хамир қориладиган тоғора) диалектал варианты мазкур ҳудуд шеваларида (Булунғ, Оқдарё, Ишти.) учрайди.

Тадқиқ этилаётган шеваларда ўзбек, тожик, қозоқ тилида сўзлашувчи аҳоли бўлгани учун ҳам бу ҳудуд шеваларида предметларни номланишида турли хил ўзгаликлар учрайди ва улар бошқа ўзбек шеваларига қараганда жуда кўплаб сўзлардан фойдаланадилар. Масалан: ёстиқ сўзининг қуйидаги

¹ Иброҳимов С. Ўзбек тилининг касб-хунар лексикаси. (Фарғона шевалари- нинг материаллари асосида): фил.фанлари д-ри...дис. – Тошкент, 1960.–471б. Асамутдинова М. Кийим-кечак номлари. – Т.: Фан, 1981. – 115 б. Икрамова Н.М. Узбекская кулинарная лексика: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т., 1983. – 19 с.. Носиров Ш. Шевалар лексикасининг соҳалар бўйича группалари//Ўзбек шевалари лексикаси.-Т.,1991.-Б.120-182. Саидова М. Наманган шеваларидаги қариндошлик терминларининг лексик-семантик таҳлили: Филол. фанлари номзоди. ... дис. – Т., 1995. – 138 с. Жабборов Х. Ўзбек тилининг сугориш лексикаси: Филол. фанлари номзоди дис. ... автореф. – Т., 1996. – 26 б.

*Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларида

диалектал кўринишлари мавжуд: **йдсту***, **йдстук***, **йџстук**, **такъйд**(Қарнаб)*, **бџльнчџ***, **бџльш***, **такънча***, **тџксџр***, қипч. **дастьк// достък(4-харита)**; чоғ. Тошк. **йдсту**; Жиз. **йдстьџ**, **дастык**, Анд., Фарғ. **бџльш**, **бџльш**, Қашқ. **тџкъйд**, Қарнаб **тџқйд**, Хор. **тџкџ каби**.

қозон қопқоқ – **қџзџн қџпқџџџ// қџпқџк // қџпқџџџ//қџзџн оғзи // сџпуз*** // **сџрпуш***, **декпуш***, қипч.**қозон қахмоқ// қџпмџк***, ўғуз **дувџк//дувџк***(Қорақўл) чоғ. Тошк. **тувоғ**. Хор. **дувџк**, Парк. **тъсџк**, Қашқ. **сџрпџш**.

қўл тегирмон – ёрғучоқ дон янчиш, ун тортиш учун ишлатиладиган хонаки асбоб. (ЎТИЛ, 1, 263). Ушбу сўзни ифодалаш учун ҳам турли хил диалектал лексемалардан фойдаланилади: **жџрчџк***, **дџстџс***, **осъџ***, **йџрғучџк***; **йџрғучџк** сўзи кенг тарқалиш хусусиятига эга.

енглик – нон ёпиш ва нонни узиб олиш пайтида қўлни ўтдан сақлаш учун тирсаккача кийиб олинадиган қалин енг (ЎзТИЛ, 1, 248). **енсџ***, **женгса***, **енгльк***, **џстънчџ***, **женсџ***, **йџнгчџ***, чоғ.Фарғ., Нам. **йџнг(ъ)чџ**, Жиз. **йџнгчџ**, Тошк. **йџ:лъй//йџ:лу://йџ:лув**,

ўғир – донни уриб туйиш, эзиб майдалаш учун ишлатиладиган ичи ўйиқ ғўладан иборат рўзғор буюми. Ушбу сўз мазкур шеваларда - **кель**, **жџз***, **дџст*** сўзлари билан ҳам ифодаланади.

чакич – Нонни чакичлаш учун дастали ёғоч каллакка бир текисда сим қоқиб ёки парранда патларини дасталаб боғлаб ясалган уй-рўзғор асбоби. Сим чакич, Пат чакич, Нонга чакич урмоқ. (ЎзТИЛ, II, 350). ~ **нџмпџр***, **нднпџр***, **чекъш***, **ндхсдндк***, **хџлздндк***, **тъкџч***, **чакъч*** ўғуз.**тыкач***// **нџмпџр***, **нднпџр***, **(6-харита)чоғ**. Тошк. **чџкъч**, Хор. **тъкџч // тукџч**, Қашқ., Жиз. **нџнпар // номпар**, Иқон дуки. Анд. **тъкџч**.

ангишвона (ф-т) – иш тикишда бармоқ учига кийдириладиган метал буюм (ЎзТИЛ, II, 1, 45) - **уймџк***, **днгъшпџндџ***; Жўш. **вуймџк***, Булун. **ангуш**, **аң: уш**; *Пойа., Жомб., Ишти шеваларида **-днгъш*** сўзлари кенг

қўлланилади. Тадқиқ этилаётган шеваларда **уймэқ** сўзининг ареали кенг тарқалган. (**8-харита**)

Мазкур шевада **паншаха** сўзи - **шэхд// шэқд// чэршэхд*// темършэхд*// пьшэнтърнэқ*// дйръ*// пдйшаха*//тарма*,ўғуз. Олот.йа:ва// йавак//йава//жаба** каби диалектал лексемалар билан бирга қўлланилади.

чойшаб (ф-т) - ўрин-тўшак устида ёзиладиган яланг қават ёпинчик (ЎзТИЛ, II, 377). **жойпуш***, **жэйшдп*** (тож. жой - ўрин, шаб – кеча – жойшаб) **тдқьйдпуш***; чоғ. Қашқ. **жойпуш каби.**

Беланчак сўзини **белгъштдк*, длонжъ*, длвэч*, бдлэжъ***, **елбешъ***, **учдк*** каби диалектал лексемалар ифодалайди. **Бешик** сўзи қипчок лаҳжасининг таъсирида **желбешък** (Булунғ., Пойа.) , **Жомб.** туманида **делбешък** сўзлари билан қўлланилади. Адабий тилдаги **бешик** ёпғич сўзи ўрнида мазкур ҳудуд шеваларида турли хил диалектал лексемалар қўлланилади. қипч. **бешък жовғъч//бешък жохдъ**, тожик тилида сўзлашувчи икки тилли ҳудудларда **гдврдпўш** сўзлари қўлланилади. Ушбу сўз Пойарик туманидаги Қўштамғали қишлоғида **пдрд** сўзи билан ҳам ифодаланади.

Тадқиқ этилаётган ҳудуд шеваларида кийимларнинг ёқа қисмига қадаб қўйиладиган мослама **ьгндбднд, ьгндтугмд** (Пойа. Ишти.Қўшр.Пахт.) сўзлари билан ифодаланади. Ушбу сўз Булунғур шеваларида **шоқьйнд**, ўғуз лаҳжасида **ълмдгьйнд** сўзлари билан қўлланилади.

Мазкур шевада уй-рўзғор буюм номларини ифодаловчи диалектал лексемалардан баъзилари яхлит тарқалиш хусусиятига эга. Масалан: **совун парчаси – длкьндъ; супурги-қорл.ўғуз. жорэп***, қипч. **шууткъ, шьбьрткъ** ушбу лексемалардан **длкьндъ***, **жорэп***, **шууткъ*** сўзлари яхлит тарқалиш хусусиятига эга. чоғ.: Жиз., Сирд., Тошк.: **шьбьткъ.**

Озиқ-овқат номларига оид лексика

Юқорида таъкидланганидек ,бу соҳа бўйича айрим тадқиқот ишлари қилинган. Зарафшон воҳаси шеваларида таом номларини ифодаловчи турли хил диалектал лексемалар мавжуд бўлиб, уларнинг номлари ўзбек шеваларида яна бошқа номлар билан ифодаланади;

сомса –самса//самбуса ,пъчай, бьчдй*, кддь бьчдй*, усмдлѳ бьчдй*; чоғ. Тошк. қовд: сѳмсѳ, Жиз. - буррдй, бурччдй. Мазкур ҳудуд шеваларида **самса** ,пъчай, бьчдй сўзлари параллел қўлланаверади.

угра – юпқа ёйилиб, узун ва майда қилиб кесилган хамир. (ЎТИЛ, II, 263), ~ хдмърдш*, узмѳ*, ѳшьбурдѳ, ѳшьѳрд*, уношь(Шофир.), лѳхѳдк (Пешку), мдйѳ ѳш (Бух.т), угрѳ (Ғиж.) кескѳнѳш*, узмѳн ѳш* (суюк қилиб, тайёрланган овқат), кулѳѳтѳй (Булунғ., Ишт.,Оқд.) чоғ. Тошк. угрѳ, Хор. унѳ:ши каби.

тухум, мдйѳк, қипч.: йумуртқа, джумыртқа,ўғуз.жумуртға чоғ. Тошк., Жиз. – тухум, мдйѳк, (қипч) джумыртқа

ғалбинди – пиширилган юпқанинг ичига сутли атала солиб тайёрланадиган овқат. ғдлвундь //ғѳлбьндь// ғылмындь.*, Қашқ. ғылвинне, Жиз., ғылмындь. Ушбу диалектал лексема мазкур шеваларда яхлит тарқалиш хусусиятига эга..

ҳасиб – бу сўзни ифодалашда мазкур ҳудуднинг ўзбек- тожик икки тилли шеваларида **гьпѳ(тож)** сўзи кенг қўлланади Шунингдек, ҳасиб сўзи ўрнида **жьпѳ, ѳжѳн, шѳвлѳт** лексемалари қўлланилади.

оғиз(и) – янги тукқан сигирнинг уч-тўрт кунли сутини йиғиб пиширилган пишлоқсимон таом (ЎзТИЛ, 1, 562). гьлдгдй*, ддлѳмѳ*, ѳвуз суть* (қипч.), қағанѳ*, фдллѳ* (Бух.т), пдллѳ*, сѳрпдллѳ(10-харита); чоғ. Жиз. далѳма, Найман. гьлдгдй. Сурх. қағанак.

Мазкур ҳудуд шеваларида айрим сўзлар борки улар адабий тилдаги сўзларга нисбатан кенгроқ қўлланилади.**чучвара** - бѳрдй*//барак-каду **барак**. Ушбу лексема яхлит тарқалиш хусусиятига эга. чоғ. Ж.Хор. **барак** //

бθрдк (Ш.Хор.); **сузма** - **чдккъ** // **чдккд.ўғуз. чдкидд//чекийдд** (Қоракўл,Олот). чоғ. Жиз., Сирд. **чдкдй**, Қ. - **чдккд** ; **айрон** - **чдлп** // **чдлп** (тож. Чолоб). Мас.: Бъздд хдвд ъссык кунлдръ чдлп коп тдйдрлднддъ. Ёки тадқиқ этилаётган шеваларнинг ўғуз лаҳжасининг ўзига хос томонлари бор: **жигар –бдғир***, **гушт-эт***, **туз-дуз***, **суюк овқат –буламак***, **гўшт қиймаси – ирижн*каби**.Тадқиқ этилаётган худудларда **пъёвд**-суюк овқат таоми энг кўп тайёрланади.

Кийим-кечак ва у билан боғлиқ лексика

Ўзбек халқ шеваларида кийим-кечак ва у билан боғлиқ номлари уларни тайёрлаш жараёни билан боғлиқ сўзлар ўзига хос кўринишга эга. Улар шевалараро ўхшаш ва ўзаро фарқли томонларга эга.

Нимча – кўйлак устидан, костюм, камзул ичидан кийиладиган енгсиз ва ёқасиз калта ва ихчам кийим (асосан хотин-қизлар кияди) (Ўз ТИЛ, II, 503). Бу сўзни **жуббд***, **ъчкъчд*** // **сьндвдн***(< тож. Сийна – кўкрак, вдн < банд, беркитиш), **сьндчд***, **жмд***, **бейънгчд***, **ъчък***, **кдмзърчд***, **гуппъ*** **нъмт д (Пахт.)(9-харита)** лексемалари ифодалайди. Қизилтепа шеваларида нимча сўзининг қуйидаги вариантлари учрайди: **ъчакчд***-(Дехқон.),**енгсз-**(Меҳнат.),**кдлтдчд** -(Ванғ.) каби. чоғ. Тошк. **нъмчд**, Жиз. **кдмзърчд**, Сайр. **ъчък** // **ъчъкчд** , Қашк. **сьндвдн**. Қад.ёз.ёд. **ічмак** – кўзи терисидан қилинган пўстин. (ДЛТ. I, 127).

сочиқ – **сулги***, **(Қизилча) - мдйльк***, **майчачық***; чоғ. Тошк. **чочув**, Жиз. **чдчдғ**, **сдчдғ**, Хор. ўғ. қипч. **сулги**. Жанубий Қозоғистондаги ўзбек шеваларида ҳам **майчачық** (қўл артадиган сочиқ) диалектал лексемаси учрайди. Мазкур худуднинг қозоқ тили мавжуд худудларда **сулгъ** сўзи қўлланилади

Бундан ташқари Зарафшон воҳаси Самарқанд шеваларида **ддлдгдй** // **делдгдй** сўзлари учрайди. Бу сўз- аёлларнинг кўйлак устидан киядиган пахтасиз енгил устки кийими.Ёки **бдзбднт**- аёлларнинг кўкракка тақиладиган

кимматбаҳо беаги, **бдргдк** - келинчакларнинг пешонасига тақадиган кимматбаҳо заргарлик буюми.

Мазкур шевада кийим-кечак ва у билан боғлиқ номларни ифодаловчи диалектал лексемалардан баъзилари яхлит тарқалиш хусусиятига эга. **дўппи** - қипч. **кдлвуш**^{*}//**кдлвдш** (Зиёвуд.), арал. **тэқд**^{*}, **тэқэ**^{*}, **ш днь**^{*}, **шдпўш**^{*}, **кдлноғ**, **кдлдпўш**^{*1} (< тож. каллапўш < калла – бош, пўш < пўшидан – беркитмоқ – яъни бош ёпиш) , **кдлпуш** (Тошраб.,Фард.), **кдлбош** (Зарми.), **топпы**//**қалпақ** Шарқ.қипч.ш) (**2-харита**) ; чоғ. Тошк., Анд., Фарғ. **доппь** // **дўппь**, Жиз. **төппь**, Гурл., Хива **тайха**; қипч. **пайпақ** - **жулэп**//**жылап**^{*}, **жълэп** (Дех.), **жъэф** (Ворозун) чоғ. Тошк. **пдйпэ**, Жиз. **жилдп**, Қашқ. **жулэп**, Хор.ўғ.қип. – **жоррап**; **култдпэшдк**^{*} (аёлларнинг рўмоли остидан киядиган бош кийими). чоғ. Шарқ. груп. қипч. **туматай**². **кўйлак-курте**^{*} (Дех.), **койндк** (Мех.,Фард.)//**кўйлдй**; **чорсу**(Қарнаб)-белбоғ каби. Ушбу сўзлардан **кдлдпўш**, **жулоп**, **култдпушдк**, **кўйлдй** сўзлари Зарафшон воҳаси шеваларида яхлит ҳолда тарқалиш хусусиятига эга.

Полизчилик ва сабзавотчиликка оид лексика

Зарафшон воҳаси шеваларида мазкур соҳага оид сўзларнинг қўлланишида ҳам адабий тил ва бошқа шеваларга қараганда ўзига хос томонлари учрайди.

қовоқ – **кади** сўзи шеваларда қуйидаги кўринишларга эга. **эшкдди**^{*}, **рдпъдд кддь**^{*}, **пдлэв кддь**^{*} -чоғ. Тошк., Фарғ., Анд. тип шеваларда **қовоқ**, Жиз., Хор. **кади**.

сапча – қовуннинг ҳали пишиб етилмаган тури. **тдррдк**^{*}, **сдпчд**. чоғ. Тошк., Жиз., **сдпчд**. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида **сапча**, **туйнак**, **хамак** сўзлари қуйидагича изоҳланган. **Сапча** - ҳали пишиб етилмаган қовун, **туйнак** янги тугилган, ҳали пишиб етилмаган қовун, **хамак** (ф-т) – ҳали пишиб етилмаган хом қовун (ЎзТИЛ, II, 20, 22. 1, 315).

¹Мирзаев М. Ўзбек тилининг Бухоро группа шевалари.-1969.-1226

²Дониёров Х. Қипчоқ диалектларининг лексикаси.-Т.:Фан.1979.856.

хандалак - зэмьчд // зэмучд // кипч.замыча*; чоғ. Тошк., Жиз. хднддлдй, Хор. замча. Анд. печдк; чиллаки – эрта пишар ўрик: жэвпдэдк* // жағазак, Хор. жэбдэдй // жэбазай; иссирик ддрдсу:эн*, хдздрсу:эн* // хдздрсупдн // хдзадрьспдн // хдздрдсмэн // хдздрусмо н, ьсбднт*; чоғ. Қашқ хдздрсупэ; райхон -назбойы // нэзбуй*, райқан (Шарқ.кипч.ш.) чоғ. Қашқ. нэзвэй, нэзбуй, Тошк., Анд., Фарғ., Жиз. рдйхэ; ялпиз - пьдднд*, хулбуй*, хьлвьк (Ғиж.), ндно(Бух.т.) (5-харита), чоғ. Тошк. йдлпэз, Жиз. хьлвд // хулвд. Нам. кипч. хулбой // назвай, Қашқ. пудинд. Ушбу сўзлардан Зарафшон воҳаси шеваларида - зэмьчд, жэвпдэдк, хдздрсу:эн, пьдднд, хулбуй сўзи яхлит тарқалиш хусусиятига эга.

Уй ва ёввойи ҳайвонлар, ҳашарот номларига оид

лексика

Бу соҳага оид сўзлар мазкур шеваларда адабий тилда учрамайдиган турли хил номлар билан номланади. ад.орф. сигир лексемаси говьндк*, ьндк // ьндй*, мэдгэв*, мэгав (Зармит.), мэгдэв(Араб.)// мдгдв (Азизаб.), кэрдмэл*, ьнж(Тошраб.), чоғ. ьндк бу сўз (қад.ёз.ёд) ДЛТ асарида ҳам учрайди. индк (ДЛТ., 1, 135).(3- харита)

куён - тэвушқон // кипч.тавышқан*; чоғ. Тошк., Жиз. куйон, Фарғ. куйдн, Хор. давшан // тавшан. Қад.ёз.ёд. тавишған – куён (ДЛТ. 1, 469).

бузоқ – госэлд // госдл*, хождк*; чоғ. Тошк. бузэқ, Жиз. буздв, Анд., Фарғ. бөздк.

эчки – ечкь, гечкь (Бух.т.) тдкд, сарка, бўзьча // бўз//боз (Ғиж.Қизил.Нур.)*, сарка. чоғ. Тош., Жиз. ечкь, Қадимги ёзма ёдгорликларда эчку (ДЛТ. 1, 149).

ари - гдэдмбур*, дшдк ари*, зомбър // здммур*, ғурмэгдз*; чоғ. Қашқ. здммур, хурмдгдз. Тадқиқ этилаётган худуд шеваларида зомбър сўзи яхлит тарқалган.

мушук - **пъшдй***, Тошк. **мушув**, Анд., Фарғ. **мъшығ**, Жиз. **пъшдй**, Хор. ўғ. **пишак** // Хор. қипч. **пышық**.

хўкиз, новвос - **жубонд** // **жувонд***, **нэргэв***, **бука, қдчдр***. Мазкур шевада **жувонд, букд** сўзлари кенг тарқалган.

Мазкур ҳудуд шеваларида **бўри** сўзини **гурк*** (Нур.Моз.) сўзи ифодалайди. **Тулки** сўзини ифодалашда мазкур шевада **шдғдл*** лексемаси кенг қўлланилади.

чигиртка - **мдлдх. мдлдх***. диалектал лексемаси Зарафшон воҳаси ўзбек-тожик икки тилли шеваларида учрайди.

Қишлоқ хўжалигига оид лексика

Тадқиқ этилаётган шеваларда бу соҳага оид сўзларнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Ўзбек адабий тилидаги **экмоқ** сўзи жуда қадимий бўлиб, барча туркий тилларда учрайди. Бу сўз Маҳмуд Кошғарий девонида ҳам учрайди (ДЛТ. I – 105, 107, 195, 180, 206.) .Мазкур шеваларда **экмоқ** сўзи билан бирга қипчоқ лаҳжасида, ўзбек-қозоқ икки тилли ҳудудларда **егмэқ–(егън егдъ)*** тарзида ишлатилади. **ер –здмън*** (Сўфи., Қарс., Араб., Қарс.,Янгиер.) сўзи Қизилтепанинг айрим ҳудудларида кенгрок қўлланилади.**ўғуз.еким*–бир еким ер- бир экишли ер;тупроқ-хоқ** (Нурота,Қизил.),**турпоқ//тупроғ** сўзи мазкур шевада кенг тарқалган.

жўхори – қадимги қишлоқ хўжалик экини бўлиб, Ҳиндистон ва Хитойга Африкадан келтирилиб, Ўрта Осиёга Ҳиндистондан келтирилган. Мазкур шеваларда бу сўз **мдккджўхоръ //мдккджугдръ, мдккдйъ, длдпугдв** тарзида ишлатилади. чоғ. Анд., Қўшқўпир **мдккд**.

ғўзапўчоқ – пахтаси суғуриб олинган бўш кўсак, қовочоқ. Ушбу сўз мазкур шевада **чанғалэқ //қипч. чанғарак//қавачак** тарзида учрайди

беда – асосан отга едириш учун экиладиган кўп йиллик дуккакли ўсимлик (ЎзТИЛ. 1, 94). Мазкур шеваларда ушбу сўзни ифодалашда **кўк ўт// кўрна ўт// қэрдкўрпд // (қипч.) йўнғучқа*** сўзлари кенг ишлатилади. чоғ.

Хор. йўмушқа // йўринжа // йунгирчқа // йўнжа, Қашқ. йунғичқа, Чимкент йонъчқа // йонушқа.

тўғон – сувни тўсиш, бўғиш учун хизмат қиладиган қурилма ёки иншоот (ЎзТИЛ. II. 200). Ушбу сўз мазкур шевада **дџм // дџрџџт // бџнт** сўзлари билан биргаликда, кенг қўлланади. чоғ. Анд. – тоғон.

Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларида турли мавзуй гуруҳларга оид диалектал лексемаларнинг ўзига хослиги юқоридаги таҳлиллар кўрсатиб турибди. Улар ўзбек адабий тилини бойитиш учун хизмат қиладиган асосий манбалардан бири ҳисобланади.

1.3.Зарафшон воҳаси ўзбек шевалари лексикасининг диалектлараро муносабати

Ўзбек халқ шевалари ўзбек адабий тилининг бойиши, ривожланиши, тараққий этиши учун муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, ”жонли тил материаллари халқ тарихи, тил тарихи, миллий маданият тарихини ўрганиш ва тўғри ёритишда зарурий манбалардан биридир”¹. Шунини айтиш мумкинки, шеваларнинг ўзаро муносабати деганда улар ўртасидаги ўхшаш, фарқли томонлари назарда тутилади.

Ўзбек халқ шеваларини ўрганиш халқимизнинг тили, маданияти, урф – одати ва маросимлари ҳақида кенг маълумотлар беради. Чунки тилдаги ўзгаришлар халқнинг узок тарихий тараққиётга эга бўлган турмуш тарзи, урф-одатлари, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга боғлиқ бўлади. “Шу маънода ҳар бир сўз тарихдир. Ўзбек шевасининг ҳар бир сўзида ўша шевада сўзлашувчи халқ тарихининг бир кичик мазмуни мужассам”.² Шу сабабли ўзбек шевалари, жумладан Зарафшон воҳаси шевалар массивини ташкил этган Самарқанд, Бухоро, Навоий вилояти шевалари ўзига хос хусусиятлари билан бой луғат таркибига эгадир.

¹ Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. Тошкент: Фан. 1962. 3-бет.

² Абдурахмонов Д. Ўзбек шевалари лексикасининг тараққиёт манбалари ва уларда лексик фарқлар. Ўзбек шевалари лексикаси. Тошкент: Фан. 1991. 12-бет.

Тадқиқ этилаётган Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларининг бошқа худуд шевалари билан ўхшаш ва фарқли томонлари мавжуд. Зарафшон воҳаси шевалари луғат таркибини бойитишда бошқа тиллардан кирган сўзларнинг ҳам ўз ўрни бор, албатта. Бу ўринда мазкур худуд шеваларини ареал ўрганиш натижасида тожикча сўзлар кўпроқ эканлигини айтиш жоиздир. Буни тадқиқот объекти бўйича тўпланган фактик материалларнинг таҳлили билан изоҳлаш мумкин: Бух. **⊃бб⊃з*** ,Нав.в.ш. **йузувчъ*** // **хдп⊃~зъ тушм⊃*** –ад.орф. сузувчи; Нав.в.ш.**ғъйқърдк*** // **кекърдк*** ~ Бух. **⊃рук*** – ад. орф. кекирдак; Тошк. **қ⊃в⊃ғ**; Сирд. (Зомин) **бθтднчд** ,Нав.в.ш. **кдъ** // **кдду*** ~ - ад.орф. ошқовок; Нав.в.ш. **мд⊃н*** ~ Бух. **д⊃лв⊃н***; Хор. **далан**; Сам. **дўл⊃н*** – ад.орф. йўлак, каридор; Нав.в.ш.**ьйдй** // **мдндй*** ~ Тошк. **Жиз. енгдй** (энггай); Қашқ. **ияк, энн⊃к** (энгнак) – ад.орф ияк; Тошк. **ндрв⊃н**; Фарғ., Анд. **шaть** ; Нав.в.ш. **ндрв⊃н*** // **ндрб⊃нг*** ~ – ад. орф. нарвон.

Келтирилган мисоллардаги сўзлар бир-биридан фарқланса-да, улар шевалараро бир предметни билдириб келади. Юқорида таъкидлангани- дек, шевалардаги ўзаро фарқлар қатор омиллар билан белгиланади. Мазкур худуд шеваларида баъзи сўзларнинг маънолари бошқа худуд шевалари билан фарқланиши кузатилади: Зарафшон воҳаси шеваларида **сдтъл*** – челак маъносида келса, Андижонда эмалланган кострюль **сдтъл** деб номланади. Навоий, Бух., Сам., Қашқ. **⊃бжoш** – қайнаган сув ~ Урганч, Хива ва Шовот - **δбжθш** (абжўш) – қайнаган сувга ботириб олиб қуритилган майиз маъносида қўлланилади. Ёки тадқиқ этилаётган шеваларда опасининг турмуш ўртоғини **почча** сўзи ифодаласа, мазкур худуднинг Қарнаб шевасида **ака, амаки** сўзларини **поччд** сўзи ифодалайди.

Ўзбек шеваларида, жумладан, Зарафшон воҳаси шеваларида баъзи сўзлардаги айрим фонетик фарқларни ҳисобга олмаганда улар шевалараро бир хил маънони билдириб келади: Хор. **⊃рқайын** // **арқайин** ~ Қашқ. **арқайин** ~ Бух. **арқайин*** ~ Нав.в.ш.-**дрқдйън** *– ад.орф. бемалол,

хотиржам; Бух. **офтѳба*** ~ Жиз. **дптѳвд** ~ Қашқ. **ѳптовд** ~ Сурх. **офтѳбд** ~ Нав.в.ш. **ѳптѳвд** *- ад. орф. обдаста; Нав.в.ш. **длис//длус*** ~ Бух., Қашқ. **длис//длус*** ~ Сам. **длис** *- ад. орф. ғилай, «косой»; Тошк. **днзърѳт** ~ Қашқ. **днз(и)рѳт** – Сам. **днзърѳт*** – Нав.в.ш. **днзърѳт*** ~ ад. орф. топилмайдиган, нодир (нарса), анқонинг уруғи; Нав.в.ш. **ѳбжўш*** – Бух. Сам. **ѳбажош*** ~ Қашқ. **ѳбжўш** ~ Жиз. **ѳбдъш** ~ ад. орф. қайнаган сув; Бух., Нав.в.ш. **бѳхѳвор*** ~ Жиз. Қашқ. **бѳхѳвѳр // бѳхѳвѳр** – **бахавѳр // бахавар** ~ Сам. **бѳхѳвѳр*** ~ ад. орф. эҳтиёт; Нав.в.ш. **бѳйъкъш // бояқиш*** ~ Тошк. **бѳйъкъш** ~ Сам. Бух. **бойъкъш*** – шўрлик, бечора; Нав.в.ш. **ғулвѳ*** ~ Бух. **ғулба // ғулва***, Қашқ. **ғолва** ~ Сам. **ғулвѳ** *- ад. орф. қувур; Нав.в.ш. **ғолангир*** // **ғуллагир*** // **ғолдгър*** ~ Сам. **ғулангир***, Хор. **ғо:лагир** – ад. орф. лўмбоз. **тѳмгѳ** **ғолангир** **бѳстък**; Қашқ., Жиз. ~ **дѳсмол** ~ Урганч, Хива, Ҳазорасп. **дасмал** ~ Сам. **дасмал*** Нав.в.ш. **дѳсмѳл*** ~ – ад. орф. қозон сочиқ; Нав.в.ш. **жѳйшѳб*** ~ Бух. **жѳйшап*** (тож. жой, «ўрин», шаб «кеча» – жойлашиб) ~ Қашқ. **жѳйпош // жойпъш** – Сам. **жѳйпош*** – ад. орф. чойшаб; Бух. **ѳззъ*** – **чув***, Қашқ. **иззи** – **чув** ~ Сам. Нав.в.ш. ~ **ѳззъ** – **чув*** ~ – ад. орф. шовқин-сурон; Нав.в.ш. **нѳнпѳр*(б-харита)** ~ Бух. **нѳнпар*** ~ Қашқ. **нѳмпѳр** ~ Сам. **нѳнпѳр*** – ад. орф. чакич. Юқорида келтирилган мисоллардаги диалектал сўзлар Зарафшон воҳаси бўйича яхлит тарқалган бўлиб, баъзилари шу ҳудуд учун марказ бўлса, баъзилари чекка нуқта ҳисобланади. Умуман олганда Зарафшон воҳаси ўзбек шевалари луғат таркибидаги сўзлар қадимий бўлиб, бошқа ҳудуд шевалари билан ўхшаш ва ўзига хос жиҳатлари ҳам мавжуд.

Маълумки, ҳозирги кунда ҳам ўзбек адабий тили жуда кўп сўзларни шевалардан олади ва улар ҳисобидан бойиб боради. Шеваларда ҳали ёзиб олинмаган, ўзбек тили синонимик қаторини кенгайтирадиган, ўзбек адабий тилини бойиши учун катта аҳамиятга эга бўлган кўплаб сўзлар учрайди. Ўзбек шевалари лексикасини ўрганиш орқали эса бундай сўзлар тилнинг луғат бойлиги сифатида жамланиб борилади. Бу каби сўзларни ареал

ўрганиш нафақат ўзбек тили тарихини, балки туркий тилларни ўрганиш учун ҳам қимматли материаллар беради.

Юқоридаги таҳлилларга асосланиб, қуйидагича хулосаларга келиш мумкин:

1. Зарафшон воҳаси шеваларининг асосий луғат фондини умумтуркий сўзлар ташкил этиб, тарихий ривожланишида ўзининг лексик қатламига эгаллиги, шунингдек, бошқа ҳудуд шевалари ҳамда қўшни қардош тиллар билан ўхшашликлари, ўзига хос хусусиятларига эгаллиги, мўғул-хитой лексик параллеллари мавжудлиги билан характерлидир.

2. Тадқиқ этилаётган ҳудуд бўйича тўпланган диалектал материаллар туркий тиллар ва қадимги ёзма ёдгорликлар билан қиёслаш натижасида улар жуда қадимий кўхна сўзлар эканлиги ўзбек халқининг қадимий халқлардан бири, ўзининг луғат бойлигига эгаллигидан далолат беради.

3. Ўзбек тили ва ўзбек шеваларидагидек, Зарафшон воҳаси шевалари лексикасида ҳам арабча, форсча-тожикча, рус тили ва у орқали бошқа тиллардан ўтган ўзлашма сўзлар мавжуд. Бугунги кунда жамиятнинг ривожланиши билан янги сўзларнинг кириб келаётгани ҳам ўзбек тили ва ўзбек шевалари луғат таркиби бойиб бораётганини англатади.

4. Зарафшон воҳаси шевалар лексикаси бўйича тўпланган лисоний бирликларни мавзуй гуруҳлар асосида тасниф қилиш ушбу лексик қатламни ниҳоятда бой эканлигини кўрсатади. Мазкур ҳудуд шева вақллари нутқида хунармандчиликка, моддий-маиший турмушига, полизчилик-сабзавотчилик, кийим-кечак, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалигига оид сўзларнинг таҳлили уларнинг луғат жамғармасидаги сўзлар халқнинг ментал хусусиятлари билан боғлиқлигини кўрсатади.

II БОБ. ЗАРАФШОН ВОҲАСИ ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИ ЛЕКСИКАСИ ЛУҒАВИЙ-МАЪНОВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ЛИНГВОАРЕАЛ ТАДҚИҚИ

Ўзбек тилининг тарихий тараққиёти даврига назар ташласак, халқнинг ментал хусусиятлари билан тил доимий ривожланишда бўлган. Шу сабабли тилимизда мавжуд бўлган сўзларнинг кўпчилиги қадимий бўлса, баъзилари кейинчалик пайдо бўлган. Ўзбек тили ва унинг шеваларига туркий тилларга хос хусусиятлар билан бирга ноқардош тилларнинг таъсири бўлган. С.И.Ожеговнинг эътироф этишича, лексика тилнинг бошқа сатҳларига қараганда кўп қирралидир. Унинг вазифаси, бир томондан, жамият нафас олаётган борлиқни барча мураккабликлари билан акс эттириш бўлса, иккинчи томондан, лексик, семантик, услубий, синонимик сўз ясаш ва бошқа бир қатор ҳодисаларнинг мураккаб лисоний муносабатларини ифода этишдан иборатдир.¹ Маълум бир даврлар ўтиши билан тилнинг луғат таркибида мавжуд бўлган сўзларнинг маъноларида ўзгаришлар бўлиб турган. Бу кўпроқ шеваларда ўзгача бўлиб, кўп маъноли, синоним, омоним, антоним сўзларнинг қўлланишида учрайди.

Зарафшон воҳаси ўзбек шевалари лексикасининг семантик хусусиятларини ареал ўрганиш ўзбек адабий тили учун қимматли материал бериши, шубҳасиз.

2.1.Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларида кўп маъноли сўзларнинг ареали

Зарафшон воҳаси шеваларининг луғат таркибида кўп маъноли сўзлар адабий тилидагидек бўлса-да, мазкур шеванинг яна ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Тадқиқ этилаётган ҳудуд шеваларида диалектал кўп маъноли сўз адабий тилда учрамайдиган маъноларни ҳам ифодалайди. Миртожиев таъкидлаганларидек, полисемия ҳар қандай тилда ҳам салмоқли ўрин тутди. Тил бойлиги фақат

¹ Ожегов С.И. Лексикология. Лексикография – культура речи.М.,Высшая школа ,1974.С.47.

сўзлар, иборалар билангина эмас, сўзларнинг лексик маънолари билан ҳам ўлчанади. Демак, сўзларнинг кўп маънолилиги — полисемия тилни бойитишда ўз ўрнига эга.¹ Кўп маъноли сўзларнинг ички томондан боғлиқлиги уларнинг омонимлардан фарқловчи белгисидир. Маълумки, фикр алмашув жараёнида бир сўзнинг бир неча маънода қўлланилиши ёки кўчган маънода ишлатилиши ёхуд маъноларнинг кенгайиши натижасида кўп маъноли сўзлар пайдо бўлади.² Ўзбек шеваларида, жумладан, Зарафшон воҳаси шеваларида сўзларнинг маънолари ўзбек адабий тилдагидек бўлсада, аммо шеваларда сўзларнинг семантик майдонлари жуда кенг. Буни Зарафшон воҳаси шеваларини ареал ўрганиш орқали тўпланган диалектал материаллар таҳлили асосида мазкур шеваларда кўп маъноли сўзларнинг ўзбек адабий тилидан фарқли ва ўхшаш томонларини қуйидагича изоҳлаш мумкин.

1.Диалектал кўп маъноли сўз адабий тилдаги кўп маъноли сўз билан бир-бирига мос келиши билан бирга, адабий тилда учрамайдиган маъноларни ҳам ифодалайди. Улар қуйидагилар:

а) тана аъзоларига нисбат бериш орқали юзага келган кўп маъноли сўзлар;

б) белги ва рангларга нисбат бериш орқали юзага келган кўп маъноли сўзлар.

Тана аъзоларига нисбат бериш орқали юзага келган кўп маъноли сўзлар

Зарафшон воҳаси шеваларида инсон узви билан боғлиқ бўлган бош сўзи маъносига нисбат бериш билан юзага келган кўп маънолилиқ: **бoш*** // **баш*** - одамнинг боши. Шунга нисбат бериш натижасида пайдо бўлган кўчма

¹Миртожиев М.Ўзбек тилида полисемия.Тошкент.1975.36.

²Шералиев Э.Шимоли-шаркий Тожикистондаги ўзбек шеваларининг лексикаси.Т., : Филол. фанлари.. ...ном . дис. – Т.1974.–92 б.

маънолари: қорл. гдпнънг башъ*, гдвнънг башъ*, жднждлнънг башъ* // қипч. туваланги баши, қорл. буғдойннънг башъ* // қипч. бувдайдың баши *– буғдойнинг боши, қорл. ьшнънг башъ* // қипч. иштиң баши, қорл. қазаннънг башъ*, учғнънг башъ* // қипч. қазандың баши*, очақтың баши* , қорл. ддлднънг башъ* // қипч. жолниң баши*, қорл. пыйзнънг башъ* // қипч. пийазды баши*, сувдънг башъ*, ёзнънг башъ* ва бошқа шу кабилар. Мазкур шеваларда адабий тилдаги аввалдан сўзи ўрнида кўпроқ башддн баш* лексемаси қўлланилади. Шунингдек, қорл. баш эгмдғ* // қипч. баш иймдқ* , башлық*- ағайнъмъз башльк бўлдь *. Демак, мисоллардан кўринадики, адабий тилдаги бош сўзининг кўчма маънолари шеваларда кўпроқ учрайди.

Тадқиқот объекти бўлган мазкур худуд шеваларида юз сўзи ўрнида бет сўзи, баъзан афт сўзлари кўпроқ қўлланилади. Бет - одамнинг юзи. Бу сўз маъносига нисбат бериш билан юзага келган кўп маънолилик: қорл. кьтдпнънг бетъ* // қипч. кьтдптъң бетъ*, қорл. сутнънг бетъ* // қипч. суттиң бети*, қорл. ернънг бетъ* // қипч. жердиң бетъ* – (ернинг юқори қатлами, сирти)-жердь бетъдд сдчълъб ждтъптъ*. қорл. дфтдп бет* // қипч. афтаб бэт (қуёш тушиб турган томон), қорл. музнънг бетъ* // қипч. музднынъг жузы*, ддстурхдннинг юзь* // қипч. дастурханнынъг жузы* каби. Мазкур шеваларда бет сўзи ва унинг кўчма маънолари қўлланиш даражаси адабий тилдагига қараганда анча кенгдир. Юқоридаги мисолларда бет сўзи одамнинг юзи, унинг маъносига нисбат бериш орқали қаймоқ, юза, юқори қатлам, томон маъноларида ҳам қўлланилган. коз* сўзи организмнинг бир қисмини, яъни кўриш аъзосини билдиради. Мазкур шеваларда ҳам кўз сўзи билан боғлиқ кўчма маънода қўлланиладиган сўзлар учрайди: ьштъ козьнъ бълъш керак*, коз ташламоғ* // қараш маъносида, коз буямоғ* // алдаш каби. Шеваларда бундай сўзлар адабий тилга қараганда кўплиги уларнинг сўз майдонини кенглигидан далолат беради.

Белги ва рангларга нисбат бериш орқали юзага келган кўп маънолилиқ

Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларида инсонларнинг хислатлари, белги ва ранглар баъзи сўзларнинг кўчма маънолари биланалоқадор ҳолда юзага келган кўп маъноли сўзлар адабий тилдагига қараганда кўпроқ.

Мазкур шеваларда **оқ** сўзи ва унга нисбат бериш орқали юзага келган янги маънолар шу ҳудуддаги халқнинг ментал хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган. Тадқиқ этилаётган ҳудуд шеваларида уни уша сўзнинг бир қанча кўчма маънолари учрайди. **оқ*** // **ақ*** - сўзи ранг маъносини ифодалайди. қорл. **оқ суйдк**** // қипч. ақ суйак адам (диний тушунчага кўра юқори табақа вакили); **оқ къяр***- яқин кишилари учун кийган кўк кийимларини ташлаш маросими; қорл. **оқлди гдпърдь*** // қипч. **ақлап гдпирди*** - гуноҳсиз эканлигини тушунтирди; қорл. **оқ конгъл одем*** // қипч. **ақ кѳңыл*** ; қорл. **оқлдндь*** // қипч. **ақланди*** – кечирилди; қорл. **оқлдовчь*** // қипч. **ақловчи*** –ҳимоячи.Мазкур шеваларда **оқ** сўзи яна фразеологик бирикма ҳолатида ҳам учрайди: қорл. **кәсдәь оқдрдь*** // қипч. **касасы ағарды*** – яшаш шароити яхши бўлиб кетди.қипч.**ақлық бермақ*** - совчиларнинг олдиға розилиқ сифатида қўйиладиган буюм сифатида ҳам ишлатилади.

Ўзбек адабий тилидагидек, шеваларда ҳам сўз маънолари предмет номи сифатида бир предметдан иккинчи бир предметга кўчади. Зарафшон воҳаси шеваларида сўз маъноларининг кўчиш йўли билан ўзгаришларининг қуйидаги типларини қайд этиш мумкин .

I. Сўз маъноларининг ўхшашлик асосида кўчиш йўли билан ўзгариши

Сўзлар ифодалайдиган маъноларининг ўхшашлик номи биринчидан ташқи кўринишидаги шаклий ўхшашлик ва иккинчидан ички вазифасидаги ўхшашликлари асосида бошқа сўзга кўчади.Улар қуйидагича:

1) ташқи ўхшашлик асосида сўз маъноларининг кўчиши

Предмет, ходиса, ҳаракатдан ифодаланган маъно иккинчисига бирор белгисидаги ташқи ўхшашлик асосида кўчади. Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларида бундай кўп маъноли сўзлар кенг тарқалган. Масалан: **қул**қ* // қипч. кулақ - одамнинг қулоғи. Шу сўзнинг жуда кўплаб кўчма маънолари бор: қорл. қозоннинг қулғь*, қипч. бақирның қулағь*; мдйсднинг қулғь* (майсаларнинг икки қулоғ бўлиб чиқиши) ва б. ш. кабилар

.ғьз // сувз* - одамнинг оғзи. Шу маъно билан боғлиқ равишда қуйидаги кўчма маънолари юзага келган: қорл. гупьның ғьзь* // қипч. кувьның сувзь*, қорл. қудуқнинг ғьзь* // қипч. қудуқның сувзь*, қорл. сдтълның ғьзь* // қипч. бақырның сувзи*, қорл. ордның ғьзь* // қипч. ораның сувзы* каби.

Предметлардаги ўхшашлик асосида кўчиш йўли билан маънонинг ўзгариши қуйидаги кўринишларга эга :

а) Бир предметдаги белги иккинчи предметга ўхшаш белгилари асосида кўчади ва унинг номинатив номига айланади. Тадқиқ этиладиган ҳудуд шевалари лексик таркибида адабий тилдаги **ъссық*** лексемаси маъносидан ташқари иссиқ ”овқат» маъносида ҳам ишлатилади. **Йыгът қарьндэшьның ъссық-сэвуғьдн хдбдрдэр** . Бу ерда **ъссық** сўзи биринчи маъносидан иккинчи предмет (иссиқ овқат) маъносида келган.

б) Предмет номини англатган сўз иккинчи бир предметга ўхшаш хусусияти жиҳатдан кўчади. **лдб//лаб*** - одамнинг лаби. Шунга боғлиқ бўлган кўчма маънолари: . **сдтълның лдбь*** , қипч. **бақырның лаби*** қорл. **ддрйонның лдбь*** // қипч. **дайраның лаби*** - дарёнинг қирғоғи; қорл. **тэмның лдбь*** // қипч. **тамның лаби***, қорл. **супдның лдбь*** // қипч. **супаның лаби***, каби. Зарафшон воҳаси шеваларида **лаб** сўзининг мавҳумлашган маъноларини ифодалашда **лдбь лдбьгд тьймдйдь*** - (тез гапиради), қор. **лдбь ддхднь йоғ*** // қипч. **лаби дахани жоқ*** - (гапида

турмайдиган одам) каби кўчма маъноли сўз ва иборалар ҳам кўплаб қўлланилади.

в) Предметнинг ўрнига нисбатан ҳам ўхшашлик бўлади ва шунга асосланиб маъно бир предметдан иккинчисига ўтади. Масалан: **ЪЧ*** (ад. ич) сўзи одам организмдан бири сифатида киши танасининг ўртасида жойлашган. Бу предметнинг ана шу ўринга нисбат бериш натижасида пайдо бўлган кўчма маънолар ҳам кўплаб учрайди. қорл. **қовуннънънг ъчь*** // қипч. **қавунның ичи***, қорл. **қодънънънг ъчь*** // қипч. **қабактың ичи*** - қовоқнинг ичи, қорл. **дръғнънънг ъчь*** // қипч. **арықтың ичи***, қорл. **қозоннънънг ъчь*** // қипч. **қазаниң ичи***, қорл. **ддрдхнънънг ъчь***, қипч. **дарахның ичи***, қорл. **хдлтднънънг ъчь*** // қипч. **қапның ичи*** каби.

2) вазифавий ўхшашлик асосида сўз маъноларининг кўчиши.

Зарафшон воҳаси шевалари лексикасида баъзи сўзларнинг маънолари ўзбек адабий тилидагидек, вазифавий асосда кўчиш орқали ўзгаради. Мас.: қорл. **ўрдмѳ*** // қип. **ўрамақ*** - сўзи ўрам, калава ҳосил қилмоқ, ип сим ёки шунга ўхшаш нарса устидан айлантириб, ўрам ҳолига келтирмоқ каби маъноларни билдириб, унинг ЎзТИЛда 8 та маъноси келтирилган.¹ Ушбу сўз кўчма маънода ҳам қўлланилади. **ѳпдк қуртъ пълд ўрдъ***. Ушбу мисолда ўрамоқ сўзи вазифасига кўра кўчган маъносидир.

II. Метонимия йўли билан сўз маъноларининг ўзгариши.

Ўзбек адабий тилидагидек, шеваларда ҳам турли тушунчаларни ифодалайдиган нарса, белги, ҳаракатлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик асосида сўзларнинг маъноларида метонимик ходиса юз беради. Предмет номи билан унинг ичидаги бошқа бир предмет англашилади. Масалан: **қдзѳн қдйндъ***, **қдзѳн тѳшдъ*** гаплари қозон ичидаги суюқлик маъносини билдиради. Зарафшон воҳаси шеваларида **чѳйлдшдък***, **ддстурхѳндѳ чѳй устьдѳ ўтърдък*** гапларидан чой ичиб суҳбатлашдик маъноси

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.: Ўзбекистон, 2008, 5 т 161 б.

тушунилади. Ёки предмет номи билан ўша предмет ҳаракатининг натижаси юзага келади. Масалан, **тегърмон торгтъ*** деганда тегирмон ҳаракатининг натижасида пайдо бўлган нарса ун англашилади.

Ш. Сўз маъноларининг торайиши йўли билан ўзгариши.

Маълум бир вақт ўтиши билан баъзи сўзларнинг маънолари тор доирага келиши кузатилади. Масалан: мазкур шеваларда **тџм*** сўзи авваллари икки маънода - **уй, уйнънг тџмъ*** маъноларида ишлатилган, ҳозир фақат уйнинг томи маъносида қўлланилади. Зарафшон воҳаси шеваларида **жўбба*** (ар.тўн) сўзи - **ёш бџлџдџга кьйџрьџлџдџгџн пахтали кўйлак***; **нџмча*** маъноларида қўлланилиб келинган. Ҳозирда нимча маъносида қўлланилади.

Шуни алоҳида айтиш лозимки, Зарафшон воҳаси шеваларида кўп маъноли сўзлар ўзбек адабий тили ва бошқа ўзбек шеваларига қараганда кўпроқ эканлиги мазкур ҳудуд шевалари бўйича тўпланган диалектал материаллар таҳлили асосида аниқланди. Шевалардаги кўп маъноли сўзларни тўплаш, уларнинг семантик хусусиятларини ўрганиш ўзбек адабий тили луғат таркибини бойишига хизмат қилади.

2.2. Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларида лексик синонимларнинг ареали

Ўзбек тилшунослигида, жумладан ўзбек шевалари яхлит ўрганилган ишларда синонимлар хусусида илмий ишлар амалга оширилган¹

Ўзбек халқ шевалари, жумладан, Зарафшон воҳаси шевалари ўзбек адабий тилидагидек синонимларга бой бўлиб, ўзбек тилининг луғат фондини бойитишда алоҳида аҳамиятга эга. Тадқиқ этилаётган Зарафшон воҳаси шеваларининг лексик таркибини ареал йўналишда ўрганиш орқали уларнинг синонимларга бойлигини тадқиқот давомида тўпланган фактик

¹ Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. Т., 1974.-308б.; Тожиев Ё. Ўзбек тилида аффиксал синонимия.-Т., 1981.-91б. Курбонова М. Ўзбек шеваларида аффиксал синонимия//Ўзбек тили ва адабиёти.-1987.-2-сон.-Б.54-56.; Кўчқортоев И. Луғавий синонимик воситалар ва уларнинг асосий турлари//Ўзбек тили ва адабиёти.-1984.-4-сон.-48б.; Содиқов Т. . Сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари// Ўзбек шевалари лексикаси.-Т.1991.-Б.108-118.

материаллар таҳлили асосида кўриш мумкин.Синонимлар тўғрисида фикр билдирилганда Азим Ҳожиёвнинг ”синонимлар-талаффузи, ёзилиши ҳар хил,бирлаштирувчи маъноси бир хил(умумий) бўлган, кўшимча маъно нозиклиги , эмоционал бўёғи , қўлланиши каби бир қатор хусусиятлари билан ўзаро фарқланадиган сўзлардир.”¹ деган фикрлари ўринлидир. Шунини айтиш керакки, умуман олганда абсолют синонимларнинг бўлиши қийин. Зотан, синонимлар одатда ҳар хил шевалар орасида маълум даражада бир-бирларига нисбатан муқобил (эквивалент) бўла олса-да, лекин, хусусан, адабий тилда улар бир-бирларига нисбатан тамоман муқобил бўлиши қийин. Чунки уларнинг маъноларида маълум даражада фарқ бўлади ва маълум даражада маъно оттенкаси мавжуд бўлади². Юқорида таъкидланганидек, Зарафшон воҳаси шеваларига турли диалектлар, қардош тилларнинг таъсири бўлди. Натижада бир тушунча маъносини бир неча сўз билан ифодалаш, яъни синонимлар юзага келади. Айтиш лозимки” икки ёки ундан ортиқ сўзни ўзаро синоним қиладиган нарса бу сўзлар структурасидаги асосий қисмининг, яъни лексик маънонинг бир хиллиги, лексик маънони юзага келтирадиган компонентларнинг (семаларнинг) бир хил бўлишидир”³. Умуман олганда синонимлар турли сўз ёрдамида бир тушунчанинг турли оттенкаларини ифодалайди.

Ҳар бир шеванинг ўзига хос ички синонимлари бўлади.Улар мазкур шеваларнинг ўз ичидаги синонимлари ҳисобланади. Ўзбек халқ шеваларидагидек, тадқиқ этилаётган шеваларда синонимлар предмет, ҳодиса, белги ҳақидаги тушунча мазкур шевалар тарқалган жойлардаги аҳоли нутқида турлича номланиши натижасида юзага келади.Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тадқиқ этилаётган Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларининг ўзига хослиги Самарқанд, Бухоро, Навоий вилояти шевалар массивини ташкил этган қадимий ҳудудларни қамраб олганлигидан,мазкур

¹ Ҳожиёв А Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати.Т.,1974.3 б.

² Дониёров Х.Қипчоқ диалектларининглексикаси.-Т.ошкент,Фан.1979.-34б.

³ Ўзбек тили лексикологияси.”Фан”нашриёти,1981.237б.

худудда ҳар учала лаҳжанинг мавжудлигидадир. Буни мазкур худуддаги синонимларнинг таҳлилида кенгроқ кузатиш мумкин. Улар қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Отлардан ташкил топган синонимлар: **длвнжъ***, **длнжъ***, **длмнч***, **длвнчдк***, **ҳдлвнчъ***, **ҳдлнчдк***, **ҳдлднчд*** ад.орф.- арғимчок; **мурчд***, **кумурскд*** -ад.орф.-чумоли; **ун нши***, **лдхчдк***, **мйда нш***, **хдмир нш***, **кескн ош***-ад.орф.-угра; **снндчд***, **ъчъкчд*** // **ъчдкчд*** // **ъчъкчд*** // **ъчкъчд***, **бейннгчд***, **нъмтд***-ад.орф. -нимча; (9-харита); **ъгндбднд***, **бднддк***, **ълмдк***, **туйрнвуч***// **тернвуч***// **тердвуч***-ад.орф .-тўғноғич; **ястък***//**ястук***, **блнчча***, **тдкъчд***- ад.орф.- ёстик.

Белги, ҳаракат ифодаловчи лексемалардан ташкил топган синонимлар: **днв***, **ъркът*** - бақувват; **кътмър***, **къзғднчък***-хасис; **жъйндъ*** - йиғиштирди, саранжом саришта қилди каби сўзлар ўзбек тили ва шеваларининг синонимик қаторини кенгайтирган.

Шеваларда ҳам синонимик қатордаги сўзлардан фаол қўлланилгани асосий доминант сўз ҳисобланади. Ўзбек шеваларида, жумладан, Зарафшон воҳаси шеваларида доминант сўз лаҳжалараро бир хил эмас. **Масалан: қипч.жерик***, **башы қаранғы***, **қорл. бншь қрннғъ***, **гуднйъш*** синонимик қатордаги бош қоронғи сўзи ўзбек адабий тилида бош сўз бўлса, қипчоқ лаҳжасида **жерик***, қарлуқ лаҳжасида **гуднйъш*** бош сўз ҳисобланади.**қипч. аррық***, **азғын***, **қатма***, **қорл. дрръғ***, **қълтърък***, **нъмжн*** синонимик қатордаги аррық сўзи ўзбек адабий тилида бош сўз бўлса, қипчоқ лаҳжасида **аррық**, **азғын**, **қорл. дрръғ**, **қълтърък** сўзлари бош сўз ҳисобланади. Мазкур шевада бош сўз бўлиб келган сўзларнинг қўлланиш доираси кенгроқ.**қипч. жавлък***, **жаппа***, **тамамнай***, **путуннай***, **битта қамай***, **қорл .бдръ***, **хдммдсь*** синонимик қатордаги ҳаммаси сўзи ўзбек адабий тилида, қарлуқ лаҳжасида бош сўз бўлса, қипчоқ лаҳжасида. **жавлък** сўзи етакчи ҳисобланади.

Маълумки, маънолари мутлақ тенг келадиган икки ва ундан ортиқ сўзни топиш қийин бўлгани каби, ҳар қандай шароитда ўзаро ўрин алмаша оладиган икки ва ундан ортиқ сўзни ҳам топиш осон эмас: юз, бет каби. Лекин ўрин алмашиш даражаси турлича бўлиб, баъзи уяга мансуб синонимлар муайян контекст доирасида ўрин алмашса, баъзи уяга мансуб синонимлар контекстда кам ўрин алмашади, умуман, матнда ўрин алмашмайдиган синонимларнинг ўзи йўқ.¹

Тадқиқот объекти бўлган Зарафшон воҳаси шеваларида синонимик қаторни ташкил қилган диалектал лексемалар адабий тил ва бошқа шевалардаги сўзлар билан бир хил маъноли бўлган сўзлардир. Мазкур ҳудуд шеваларида бундай синонимик қаторни ташкил этган компонентлар адабий-диалектал ва диалектлараро синонимларни ташкил қилади.

Адабий-диалектал синонимлар мазкур ҳудуд шевалари лексикасига хос бўлган ва адабий тил лексикасига мансуб сўзлардан иборат бўлган синонимлардир. Шеваларда адабий тилдаги сўз билан шеваларнинг ўзига хос бўлган сўзлари билан бир хил маънони ифодалаши натижасида синонимларни юзага келтиради. Масалан: адабий тилдаги **ялпиз** сўзи мазкур шевадаги **пъданδ***, **хулбой***, **рднδ***, **нднδ***, **ҳълвък***, **кўк ўт*** маъноларига тенг. Чунки, адабий тил бирликларидан **ялпиз** сўзи мазкур ҳудуд шеваларида адабий тилдагидек ишлатилгани учун **ялпиз** билан **пъдна***, **хулбой***, **рдънδ***, **ндънδ***, **ҳълвък***, **кок от*** сўзлари синонимлардир.

Ўзбек адабий тили билан шеваларда синонимик қаторни ҳосил қилаётган бош сўз бир хил бўлмайди. Мазкур ҳудуд шеваларида қўлланувчи **чърδйль***, **гоздл***, **нозан***, **хушрой***, **кθхльк***, **коркδм***, **бδрнδ***, **зебδ***, **лδтδфδтль***, **сδхъбждмδл***, **ндзδкδтли***, **сулув***, **келбатль*** синонимик қатордан адабий тил учун **чиройли**, **гўзал** сўзлари бош сўз бўлса, қарлуқ лаҳжасида **чърδйль**, қипчоқ лаҳжасида **сулув**, **хушрой** сўзлари асосий сўз бўлиб ҳисобланади. Ёки ўзбек адабий тилидаги **айёр**, **муғомбир** сўзлари

¹ Кўчқортоев И. Луғавий синонимик воситалар ва уларнинг асосий турлари //ЎТА, 1984.4-сон.64-бет

билан бирга **ханнот** сўзи ҳам ўша маънони ифодалайди. Ушбу синонимик қатордаги **ханнот** сўзи мазкур шева учун бош сўз бўлиб ҳисобланади.

Диалектлараро синонимлар. Зарафшон воҳаси ўзбек шевалари қанчалик синонимларга бой бўлса, бошқа ўзбек шевалари ҳам худди шундай ўзига хос сўз бойлигига эга. Шу боис ҳар бир шевада мавжуд бўлган сўзлар бошқа фарқли ном билан айтилсада улар бир хил тушунча, маънони ифодалайди ва ўзаро диалектлараро синонимик қаторни ташкил этади. Адабий тилдаги **қувур** сўзи мазкур шевадаги **ғулвд***; **лўмбоз** сўзи **ғолангир*** // **ғулангир***; **қозон сочиғи- ддсмол*** сўзлари билан синоним бўла олганидек, бошқа шеваларда ҳам синоним бўла олади. Масалан: Бух. **офтѳба*** ~ Жиз. **дптѳвд** ~ Қашқ. **ѳптовд** ~ Сурх. **офтѳбд** ~ Нав.в.ш. **ѳптѳвд*** - ад. орф. обдаста; Нав.в.ш. **длис***//**длус*** ~ Бух., Қашқ. **длис//длус*** ~ Сам. **длис*** – ад. орф. ғилай, «косой»; Нав.в.ш. **ѳбжўш*** – Бух. Сам. **ѳбажѳш*** ~ Қашқ. **ѳбжўш** ~ Жиз. **ѳбдъш** ~ ад. орф. қайнаган сув; Нав.в.ш. **бѳйъкъш*** // **бѳяқиш*** ~ Тошқ. **бѳйъкъш** ~ Сам. Бух. **бѳйъкъш*** – шўрлик; Нав.в.ш. **жѳйшѳб*** ~ Бух. **жѳйшап*** (тож. жой, «ўрин», шаб «кеча» – жойлашиб) ~ Қашқ. **жѳйпош** // **жѳйпъш** – Сам. **жѳйпош*** – ад. орф. чойшаб; Бух. **ѳзъ** – **чув***, Қашқ. **иззи** – **чув** ~ Сам. Нав.в.ш. ~ **ѳзъ** – **чув*** ~ – ад. орф. шовқин-сурон; Нав.в.ш. **нѳнпѳр*** ~ Бух. **нѳнпар*** ~ Қашқ. **нѳмпѳр** ~ Сам. **нѳнпѳр*** – ад. орф. чакич. Бугунги кунда юқорида келтирилган жуда кўплаб сўзлар ўзбек адабий тилидаги сўз билан бирга параллел ишлатилмоқда.

Ўзбек адабий тилидагидек, шеваларнинг лексик таркибида форс-тожик, араб тилларидан ўзлашган сўзлар мавжуд бўлиб, улар ўзбек тилидаги сўзлар билан бирга кенг қўлланилиб, синонимик қаторни ҳосил қилади. Шунини алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки” тожик тилидан кирган сўзларнинг кўпчилиги маълум реал нарсаларга боғлиқ сўзлардир. Шунинг учун ҳам улар

Ўзбек тили луғатига кириб маҳкам ўрнашиб қолган.¹ Масалан: тож-форс + ўзбекча сўзлар синонимияси: тож - **ﻧﻪﺳﺘﯘﻧﭽﻮ** (тож.остин,Ф.З.Т.1,929-либоснинг бир қисми)- ад.орф. еглик (нонни тандирдан узиш учун ишлатиладиган,қўлни ўтдан сақлаш учун тирсаккача кийиб олинадиган калин енг.ЎзТИЛ,1,248) ; Бу - **ﻧﻪﺳﺘﯘﻧﭽﻮ*** сўзи Зарафшон воҳасининг икки тилли(ўзбек ва тожик тилли) ҳудудларида кенг тарқалган . Ёки ўзбек адабий тилидаги **ҳандалак** сўзи билан бирга **ﻧﻪﺳﺘﯘﻧﭽﻮ //ﻧﻪﺳﺘﯘﻧﭽﻮ** (тож. **ﻧﻪﺳﺘﯘﻧﭽﻮ** ТРС, 156) сўзи бирга параллел қўлланилади. Шундай синонимик қаторни ташкил этган ўзбекча-тожикча сўзлар борки улар бирга қўлланилиб ўзбек тилини бойишида ўрни каттадир.Масалан: **ﻧﻪﺳﺘﯘﻧﭽﻮ*** // ад.орф. оёқ кийимсиз // тож. пой (ЎзАФЛ, 35); **ﺋﻪﻧﺪﻯ*** // ад.орф. энди // тож. акнун (ФЗТ, 1, 52); **ﻛﻮﻧﻮ*** // ад.орф. эски // тож. кона; **ﻧﯘﺷﺨﯘﺕ*** // ад.орф. қолдиқ // тож. нишхот; **ﺗﻪﭘﭙﻮﺕ*** // ад.орф. иссиқ шамол // тож. таппот; **ﮔﻪﺯﻣﺒﯘﺭ*** // **ﺯﻣﺒﯘﺭ*** // **ﺯﻧﺒﯘﺭ*** // ад.орф. ари // форс. занбур (ЎзАФЛ, 89)

Ўзбек адабий тилидагидек, мазкур шеваларда ҳам араб тилидан ўзлашган сўзларнинг кўпчилиги предмет, белги-сифат ва хусусият, мавҳум тушунчаларни ифодаловчи арабча сўзлардан иборат. **ﺳﺎﺑﯘﻥ // ﺳﺎﺑﯘﻥ*** // ар. сабун // ад.орф. совун; **ﻛﺎﺯﺯﻭﺑ // ﻛﺎﺯﺯﻭﺑ*** // ар. каззоб // ад.орф. ёлғончи, алдамчи, мунофиқ; ; **ﺟﺎﻭﺭ // ﺟﺎﻭﺭ*** // **ﺟﺎﻭﺭ // ﺟﺎﻭﺭ*** // ждвхар // ар. жавхар // ад.орф. гавхар, қимматбаҳо тош; **ﻣﯘﮬﺎﺑﺒﺎﺕ // ﻣﯘﮬﺎﺑﺒﺎﺕ*** // ар. муҳаббат // ад.орф. муҳаббат каби.

Ўзбек адабий тилидагидек, шеваларда ҳам ҳар қандай синонимик қаторни ташкил этувчи сўзнинг ўз ўрни, ўз вазифаси бор.Тадқиқ этилаётган шеваларда **ﺋﻪﺑﺠﻪﺭ, ﺗﻪﺩﻛﯩﺪﻥ//ﺗﻪﺩﻛﯩﺪﻥ, ﺗﻪﺩﺑﯩﺪﻩﺱ, ﺗﻪﺩﺑﯩﺮ** синонимик қаторни ташкил этаётган сўзларнинг ҳар бири ўз стилистик оттенкасига эга. Шунини айтиш мумкинки, “синонимик қатордаги сўзлар тушунчанинг белгисини турли даража билан ифодалаш мумкин. Синонимик қатордаги баъзи сўзлар белгини нормал даража билан ифодаласа, баъзилари кучли даражасини

¹ Боровков А.К.Таджикское-узбекское двуязычии,учение записки институт Востокования ГУ том,1952,188с.

кўрсатиши мумкин айримлари белгини кучсиз даража билан ифодалайди.”¹ Юқоридаги синонимик қаторда **Чдққэн*** сўзида кўпроқ тезлик маъноси акс этса, **дбжърд** *кўпроқ ўқувлилик оттенкаси бор. Баъзи ўринларда **чдққэн*** ва абжир сўзлари бир-бирини ўрнини қоплай олмайди. **Чдққэн*** -**чдққэн*** юрсанг-чи мисолидаги **чдққэн*** ўрнида **дбжър*** ёки **ғдйър*** сўзини қўллаб бўлмайди. Ушбу синонимик қатордаги **чдбддс***, **ғдйър*** сўзлари тушунчанинг белгисини кучсиз тарзда ифодалайди.

Ўзбек шевалари, жумладан, Зарафшон воҳаси шевалари синонимларга бой бўлиб, улар улар ҳам ўзбек адабий тилини бойиши, нутқнинг таъсирчанлигини оширишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Айниқса, шоир ва ёзувчи асарларининг бадий қийматини оширишда синонимлардан унумли фойдаланади.

2.3.Зарафшон воҳаси шевалари лексикасида лексик омонимларнинг ареали

Ўзбек тили ва ўзбек халқ шеваларида сўз маъноларининг кенгайиши тилнинг ички имкониятлари асосида янги маъноли сўзларнинг ҳосил бўлиши, сўз шакллариининг қисқариши ҳамда омонимларнинг вужудга келишига сабаб бўлади.² Шевалардаги омонимлар хусусида илмий ишларда ҳам фикрлар билдирилган.³ Омонимларнинг шакли бир хил, аммо турли хил маъноларни ифодалайдиган хусусияти контекст доирасида аниқланади. М.Миртожиевнинг кўрсатишича, “ўзбек тилидаги омонимларнинг семантик йўл билан вужудга келганларигина иккитадан ортиқ сўздан, бошқа йўл билан вужудга келганлари эса сўз жуфтлигидан таркиб топганлигини ҳисобга олиб, омонимнинг биринчи белгиси ўзича мустақил маънога эга икки ва ундан

¹ Ҳожиев А.Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. Тошкент.1974.46.

² Ўзбек шевалари лексикаси. Тошкент, 1991, 102-107 бетлар.

³ Турсунов У., Ражабов Н. Омонимларни пайдо бўлиш йўллари//Ўзбек тили грамматик қурилиши ва диалектологияси масалалари.-Т., 1966.-Б.76-85. Содиқов Т. Сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари//Ўзбек шевалари лексикаси.-Т. : 1991.-Б..102-107.

ортиқ сўзлар бўлишидир”.¹Тадқиқот давомида тўпланган фактик материалларнинг таҳлилига кўра Зарафшон воҳаси шевалари омоним сўзларга жуда бой бўлиб турли хил сўз туркумларига мансуб бўлган сўзлардан иборат : **дџм*** - нафас, ҳаво, ҳордиқ маъноларида(от), **дџм*** – жим бўлмоқ(февъл) **дџм***- пичоқнинг кесадиған қисми(от), **дџм***–сув йўлидаги тўсиқ(от), **дџм*** –гоҳ-гоҳида сўзи ўрнида кўп қўлланилади . Бу сўз Қизилча шеваларида **бугџт*** сўзи билан ҳам ифодаланади. **чџп*** // **чџп***//**чов*** (қипч.)- югурмоқ (февъл), **чџп*** // **чџп*** (қипч.) –нашр этмоқ (февъл), **чџп*** // **чџп*** - ўнгнинг антоними (сифат);**чџлмџ*** (қипч) -чолмоқ февълнинг бўлишсизликка қаратилган буйруқ формаси, **чџлмџ*** (қипч) -тезакдан ясалган ўтин маъносида (от), **чџлмџ*** (қипч)-кекса киши(от), **чџлмџ*** (қипч)-жияк тикишнинг бир тури (от); **қърқ***- сон, 40(сон), **қърқ***-орқандъ **қърқ*** (февъл), **қърқ***-маросим номи (от).**туш***-ҳаракат,пастга тушмоқ (февъл),**туш***- туш (от)-туш кўрдъ **Тўнка*** диалектал лексема адабий тилдаги маъносидан ташқари Самарқанд вилоятининг Булунғур, Оқдарё, Иштихон,Тайлоқ туманларида гўшт чопиладиган рўзғор буюми номини ҳам **тўнкџ*** деб номлайдилар.Мазкур шеваларда ялқов маъносини ифодалаш учун ҳам **тўнкџ*** сўзи қўлланилади Бу каби омонимларнинг юзага келиши ҳам турличадир. Ўзбек тилидагидек, ўзбек шеваларида ҳам омонимлар турли йўллар билан юзага келади. Улар қуйидагилар:

1) Фонетик ўхшашлик натижасида пайдо бўлган омонимлар

Тадқиқ этилаётган шеваларда ҳам баъзи сўзлар фонетик ўзгаришлар натижасида омоним ҳосил қилади. Уларни қуйидагича кўрсатиш мумкин:

а) унлиларнинг алмашилиши натижасида ҳосил бўлган омонимлар: [о ~ а]

чџй*(қипч.) --ад.орф. чой(от) , **чџй*** - қолънгдъ **чџй***(февъл) - қўлингни ювгин; **бџғ(қипч.)*** -ад.орф. боғ(от). **бџғ***(қипч.) - боқмоқ, қўйларни ўтлоқда

¹ Миртожиев М.Полисемиялардан омонимларнинг келиб чиқиши ҳақида//Тилшунослик масалалари.- Т.:1960.-186

боқди;(фeъл) **бѡѣ***(қорл.) - бу томон, бу ёқ.(равиш) : [а ~ е] кешта (ад.орф. кеч бўлганда), **кешта*** – кашта(от); **кешта*** - кеч бўлганда(равиш);

б) ундошларнинг алмашилиши натижасида ҳосил бўлган омонимлар: [г ~ й]: **туй***-ад.орф. тугмоқ ,**туй*** - тугмоқ, арқонни тугмоқ, туй - донни янчмоқ, **туй*** - ҳосил тугиши, **туй***-эсида сақламоқ, уқимоқ, **туй*** -муштлаб урмоқ; **ъйар***-эгар, **ъйаръшьп***-эргашиб юрмоқ маъносида [ғ,п ~ в]: **тов*** – ад.орф. **тоғ***,**тов***-ад.орф.**топ** ва бошқа ш.к.

в) сўзларга қўшимчалар қўшилиши орқали юзага келган омонимлар. Сўзларнинг ўзак ва негизларига қўшимчалар қўшилиши натижасида омонимлар юзага келади : тушум келишиги қўшимчаси **-ни** ўрнида ди, -ти ва шакл ясовчи **-ди** қўшимчасининг қўшилиши натижасида омонимлар ҳосил бўлади. Масалан:**чолдъ***- ад.орф. чолни, **чолдъ***-дугторнъ чолдъ; ишти ад.орф. ишни, ичди. **ъштъ*** – ишни, **ъштъ*** - сувни ичди Омонимга олиб келган бундай фонетик ўзгаришни фонетик қонуният билан изоҳлаш мумкин.

Ўзбек адабий тилида мавжуд бўлган баъзи сўзлар Зарафшон воҳаси шеваларида ҳам шаклан ва маъно жиҳатдан бир хил бўлади, шунингдек, ушбу диалектал лексема мазкур шевада яна алоҳида бошқа маънони, тушунчани ифодалаш мумкин. Мас.: Ўзбек адабий тилидаги **ғўра** сўзи - ҳали пишмаган мева маъносини билдиради. Зарафшон воҳаси шеваларида **ғўра** сўзи бошқа маъноларда ҳам қўлланилади: **ғорѡ*** - қадок (қаварик); **ғорѡ*** - қўйлар турадиган жой каби маъноларда қўлланилади. Адабий тилдаги **ўймоқ*** - тўдаламоқ маъносини билдиради.Мазкур шевада бу сўз **ангишвона*** сўзи ўрнида қўлланилади.

2)Маънонинг парчаланиши натижасида пайдо бўлган омонимлар

Халқ шеваларида ягона маънонинг парчаланиши, натижасида ҳам омонимлар юзага келади. Полисемиядан тармоқланган маъно сўзнинг дастлабки маъносидан узилганда омоним ҳосил бўлади. Бунда сўзнинг шакли

(фонетик тузилиши) ўзгармай қолиши туфайли омоним юзага келади.¹ Адабий тилда ҳам, мазкур шеваларда ҳам **кўз** сўзи одам ва ҳайвоннинг бош қисмига жойлашган кўриш органи. Мана шу хусусиятлари асосида маънолар тармоқланади, кўп маъноли сўзларни юзага келтиради. Мас.: **дёрдхнънг кўзь***, **дердзднънг кўзь***, **узукнънг кўзь***. Булар **кўз** сўзининг полисемантик тармоқларидир. Шеваларда, жумладан тадқиқ этилаётган шеваларда бу сўзнинг **кўзь** бор варианты инсонларга нисбатан ҳам қўлланилади. Бу сўз кўриш маъносида эмас, биринчи маъносидан анча узоқлашган “кимнингдир кўзи тегди ,касал бўлди” каби бошқа маънони ифодалаган. Шевалардаги омонимлар бири иккинчисидан семантик жиҳатдан фарқланади. Мас.: Мазкур шеваларнинг қипчоқ лаҳжасида ўзбек адабий тилидаги **ёз** сўзи ўрнида **жоз*** сўзи қўлланилади: **ёз*** – **фасл**, **ёз*-хатни ёз**, **ёз*-дастурхонни ёймоқ** каби. Булар **ёз** сўзининг полисемантик тармоқларидир.

Юқорида таъкидланганидек, омонимлар сўзларнинг талаффуз жиҳатдан бир хиллиги бўлиб, турли сабаблар асосида содир бўлиши натижасида юзага келган.

2.4. Зарафшон воҳаси ўзбек шевалари лексикасидаги лексик антонимларнинг ареали

Ўзбек тилшунослигида сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари, жумладан, антонимлар хусусида ҳам бир қатор илмий тадқиқот ишлари қилинган² Ўзбек адабий тилидаги каби ўзбек шеваларида, жумладан, Зарафшон воҳаси шеваларида антонимлар кўплаб учрайди. Антонимлар маънолари бир-бирига қарама-қарши бўлган сўзлардир. Демак, антонимия

¹ Муродова Н. Ўзбек тили Навоий вилояти шеваларининг лингвоарал талқини. Филол.фан.док.дисс. ..Т.,2006.,1386.

²Шукуров Р.Ўзбек тилида антонимлар.-Т.:Фан,1977.-1496.Шукуров Р.,Раҳматов Ш.,Маматов Н.Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати.-Т.,1980.-726. Муллаев Т.Антонимия//Ўзбек тили лексикологияси.Т.: 1981.-231-254б.Содиқов Т.Сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари.Ўзбек шевалари лексикаси.-Т:1991.--108-118.

сўзларнинг ўзаро зид (қарама-қарши) маъновий муносабатга киришуви асосида юзага келади. Антонимик хусусияти мавжуд бўлган сўзлар белги, ҳаракат-ҳолат, миқдор, ўрин, вақт каби турли хил маъно муносабатларни билдиради. Маънодаги зидликни, демакки, антонимликни аниқ белгилашда таркибий таҳлил асосида лексик маъно тузилишини аниқлаш жуда муҳимдир.¹Шунингдек, антонимлар маъноси (семемаси) структурасида ҳамма вақт умумий сема билан бирга дифференциал сема (фарқловчи сема) ҳам бўлади. Худди шу сема ўзаро зид бўлади.² Масалан: Ўзбек тили ва ўзбек шеваларида, жумладан, Зарафшон воҳаси шеваларида кенг истеъмолда бўладиган **анқэв*** - **хушйэр*** сўзларини олиб кўрайлик. **Анқэв** - вазиятни тезда аниқлаб, баҳолаб, бирор чора кўришга нўноқ; **хушёр** - вазиятни тезда сезиб, бирор чора-тадбир белгилашга мансуб каби маъноларни билдиради. Бу каби маънолари бир-бирига қарама-қарши бўлган сўзлар антонимик жуфтликни юзага келтиради.

Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларида бундай антонимик жуфтликни кўплаб келтириш мумкин: **кдттд-кьчък***, **узэғ-яқън***, **қипч. узақ-жақин***, **қэрнэғь*-ёруғ***, **қипч.қаранғы*-жарық***, **пас-балан***, **яхшъ-ёмэн***, **қипч.жахши-жаман***, **ўғуз. а:жы*-сужы*** ва бошқа шу кабилар.

Мазкур ҳудуд шеваларида сўзларнинг кўчма маънода қўлланишидан ҳам антонимлар юзага келади. Бу менънг **йдхшъ йэмэнъм болдъ*** - қариндош уруғчилик маъносида қўлланилади. Ёки **ъйт бълан пьшдк*** (ит билан мушук) ибораси (антоним) ҳам бир-бири билан чиқиша олмайдиган кишиларга нисбатан қўлланилади. Бундай антонимик жуфтликлар ўзбек тили ва унинг диалектларида нутқда бир жуфт сўз сифатида қўллана олади.

Антонимларнинг морфологик хусусиятлари

¹ Содиқов Т. Сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари. Ўзбек шевалари лексикаси. -Т:1991.--108-118.

² Муллаев Т. Антонимия//Ўзбек тили лексикологияси. Т.: 1981.-254б

Ўзбек тили ва ўзбек шеваларида антонимлар сифат, от, равиш, қисман феъллардан ясалади. Антонимлар сифатни, ҳаракат-ҳолат номларининг зид маъносини ҳам ифода этиши билан характерланади.

Зарафшон воҳаси шеваларида антонимлар қуйидаги сўз туркумларига хос:

Сифат антонимлар. Бундай сифат туркумига хос антонимлар сифатлар ифодаладиган характер-хусусият, ҳолат, ҳажм, ранг-тус, шакл, маза каби маъноларни англатади. Кишиларнинг характер-хусусиятини, хоссасини ифодаловчи сифат антонимлар. Масалан: тупоқ* - нотупоқ*, ьчь қора*-оқ кўнгил*, дороз - поддод* ,нвча- поддод* , тольм-қьлтърьк*. Ҳолат-ҳодисалар хусусиятини ифодаладиган сифат антонимлар. Мас.: қдльн - йукд*; оносн – қыйьн*, йовийь - хондкь*; ьссыг - сувуғ* // қипч.иссиқ-сувьқ* // айаз-сувуқ*. Ранг-тус, маза-таъм ифодаладиган сифат антонимлар. Мас.:қипч. қара-ақ*; оқ - қорд*; ндмдкп- пдч*.

Равиш антонимлар. Бундай антонимлар белгининг миқдорини, мақсадини ифодалайди. Мас.: башь-дхьрь; учь-этдгь; зор-бдзор; қьтгь (озгина)-мол, альс-жақьн каби.

Феъл антонимлар. Ўзбек адабий тилидагидек, Зарафшон воҳаси шеваларида ҳам феъл антонимлар кенг қўлланилади. Бундай антонимлар иш-ҳаракатдаги бир-бирига зид маъноларни англатади. Мазкур шеваларда феъл антонимларнинг қуйидаги кўринишлари мавжуд.Қарама-қарши маъно ифода этувчи иш-ҳаракатни ифодаладиган феъл антонимлар: туймдг - йьшмдг*; очьш - йопьш* //қипч. дчьш - йдпьш*; тузгдгдь*-жьйнддь*. Предметларнинг ҳолатини ифода этувчи феъл антонимлар: ьсьдь-тўнглддь*//дўнглддь*; ьсьмдг - сувьмдг*; тонлмдг - эрьмдг* каби.

Антонимларнинг синонимияга муносабати

Ўзбек адабий тилидагидек, шеваларда ҳам сўзларнинг антоним ва синонимларини қиёслаб ўрганиш уларнинг турли маъноларини белгилашда аҳамиятлидир. Ўзбек тилшунослигида биринчи марта А.Ҳожиев томонидан яратилган “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли” луғати тилимиздаги антонимларнинг синонимларини аниқлаш учун катта ёрдам беради.¹ Тилимиздаги ҳар бир антонимнинг бир неча синоними бўлиши мумкин. **лпдшднг - уддбурд(н)*; лдпшднг – бушанг*, лдгтдкесмдс*, пднддвдкъ*, нсуддбдрдн*, лдвдк, лднддвър*, нсукув, ношуд*; уддбурд(н)* - ьшчдн, эпчъл, дбжъл ,ьшбълармон; кам гап-сер гап*; кам гап- ьндмдс*, хуккъ*; сер-гап- ждврдкъ, вдйсдкъ** каби . Зарафшон воҳаси шеваларида ҳам антонимлар ички имкониятлар асосида юзага келиши учрайди. Антонимларнинг ички имкониятлар билан антонимик жуфтлик ҳосил қилишида ўзига хос вазифалари жиҳатидан ўзаро бирлашади: **тузгдтдъ*-жъйнддъ*(қипч.), ьштдрдп* (шитоб) - бдпуржа*, ддммдл - чдққдн*** каби.

Ташқи имкониятда бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар билан туркий лексик қатламдаги сўзлар антонимик жуфтлик ҳосил қилади:форс-тожикча **пдйдд*-здлдл ;арабча-форс-тожикча хдрдп -дбдт;арабча-ўзбекча кдсдл-сдғ** каби.

Зарафшон воҳаси шеваларида антоним сўзлар мазкур ҳудуддаги қарлуқ, қипчоқ ,ўғуз лаҳжалари асосида ниҳоятда кўпчиликни ташкил қилади.Улар адабий тилнинг луғат таркибини бойитиш учун бой манба ҳисобланади.

2.5. Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларида табу ва эвфемизмлар

Ўзбек тили ва ўзбек шеваларида табу ва эвфемизмлардан турли услубий мақсадларда қўллашда, нутқ ва тафаккур маданиятини ўстиришда фойдаланилиб келинган. Улар тилимизнинг луғат таркибини бойитиш учун

¹ Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати.Т.:Ўқитувчи.1974.

хизмат қилган. Тилшуносликда табу ва эвфемизмларни ўрганишга бағишланган қатор ишлар мавжуд.¹ А.Омонтурдиевнинг эътироф этишича, эвфемизм ўзбек тилининг фактик материаллари тилдан чиқиб кетувчи эскилик қолдиғи эмас, балки уни тилнинг ўзи каби тарихий эволюцион жараёнини бошдан кечирувчи услубий қатлам, соҳа услубшуносликнинг муҳим таркибий қисми сифатида баҳолашга эвфемик маъно мезони ва кўламини назарий ҳамда амалий жиҳатдан асослашга: 1)эвфемани ёндош,ўхшаш ҳодисалардан чегаралаш, 2)ифода объектини,тасвирий воситаларини аниқлаш, 3)тил сатҳига муносабатини белгилаш, 4)семантик, 5)услубий функционал таснифлаш,6)услубшунослик ва унинг вазифавий турларига муносабатини аниқлаш кабиларга имкон беради.²

Қадимги даврларда кўп нарсалар илоҳийлаштирилган. Уларнинг номини айтиш ман этилгани учун табу сўзидан фойдаланилган. Эвфемизмлар табу ҳодисасига боғлиқ ҳолда юзага келган.

Табу сўзига қуйидагича таърифлар берилган. Умуман табу - таъқиқ, кўл тегизиб бўлмайдиган демакдир. Айрим вақтларда «лаънат», «қарғиш» каби маъноларда ҳам ишлатилиб келинган. Биринчи (бош) маъносида жамиятдаги баъзи бир нарсалар, ҳаракатни ман этишни ифодаласа, иккинчи маъносида лингвистик атама сифатида тилда баъзи бир сўзларни маълум шароитларда ман этиш ҳодисасини билдиради.³

Ўзбек шеваларидагидек, Зарафшон воҳаси шеваларида ҳам табу сўзлари учрайди. Табу ҳодисасининг юзага келиши халқнинг менталитал хусусиятлари билан боғлиқ бўлган. Қадимда халқлар илоҳийлаштирилган нарсаларга ишонганлар ва бошқа номлар билан атаганлар.Шу сабабли баъзи нарсаларнинг номини айтиш ман этилгани учун ҳам бошқа номлар билан алмаштирганлар. Қадимда ҳам халқ табу ва эвфемизмлардан

¹Лауде –Циргаутас И. О табу и эвфемизмах в казахском,киргизском,и узбекском языке.Тюркология.-Баку, 1976.-№ 4.-79.,Босчаева Н.Ц.Эвфемистичность в диалогической речи.-Л.ЛГУ,1989.-№4-С.79-81. Омонтурдиев А.Ўзбек нутқининг эвфемик асослари.-Т. 2000.-126б.

² Омонтурдиев А.Ўзбек нутқининг эвфемик асослари.-Т. 2000.-117б.

³Муродова Н . Ўзбек тили Навоий вилояти шеваларининг лингвоареал талқини. Филол.фан.док.дисс. ...Т.,2006.,138б.

фойдаланганлар. Бугунги кунда ҳам табу сўзлар учраб туради . Айниқса, оилада келин турмуш ўртоғининг қавм-қариндошларини номларини айтишда урф-одатларимиз бўйича ҳурмат маъносида турли хил сўзлардан фойдаланади. Келин куёвнинг ота-онасига **мэмэ***, **быйь***, **эйь***, **хэлд//хдлд***, **бува//бобэ***, **кдттддтд*** // **кдттдэтд***, **этд//дддд*** деб мурожат қилади. Кейинчалик болаларининг исмини кўшиб Жасурнинг **бувьсь*** // **бувдсь***, **мэмдсь*** деб ўзаро муносабатда бўлганлар. Аввалдан ҳам бошқа халқлар сингари ўзбекларда ҳам турмуш ўртоғининг қавм-қариндошларини номини айтиб мурожат этиш ман этилган. Бугунги кунда ҳам бундай урф-одатлар сақланган. Келинлар ҳозир ҳам турмуш ўртоғининг опасини **қдйньдпд***, синглисини **қдйньсьнгъл***, қипчоқ шеваларида уларни **Ндргъзд момднг***, **Рустдм бувднг*** деб, агар ака-укалари бўлса уларни ҳам ҳурмат билан **қдйньдкд***, **қдйньукд** *ёки **укдмуллэ***, **дкдмуллэ***, уларнинг болаларига **қдйндгдлдрьм*** деб мурожат этадилар. Бундай урф-одатлар оиладаги ҳурматни сақлаш маъносида ҳам катта аҳамиятга эга томонлари бор, албатта. Кексалар болалар олдида қўрқинчли нарсалар хақида гапирганда ҳам табу сўзлардан фойдаланганлар. Улар кечкурунлари ҳайвонларнинг номини айтишмаган, сабаби болалар қўрқиши мумкин деб ўйлаганлар, иккинчидан ҳайвонларни номини бошқа ном билан айтсак улар келмайди деб ўйлаганлар. Тадқиқ этилаётган шеваларда илоннинг номи ҳам, ўзи ҳам қўрқинчли бўлгани учун уни **гдздндд***, **Өрмдлэвчь*** сўзлари билан номлаганлар. **Бўри** йиртқич бўлгани учун ҳам уни **гўрк*** сўзи билан атаганлар. Шарқий қипчоқ шеваларида бўрини **ийтқуш** ёки **қашқыр** деб атайдилар. Самарқанднинг Ургут туманида силни **коксав** дейишади.

Тилимизда эвфемизмлар табу ҳодисасига боғлиқ ҳолда юзага келган. Эвфемизмнинг этимологик маъноси кишиларнинг дилига озор етказмайман, чиройли гапираман деган маъноларга тўғри келади.

Эвфемизмлар Зарафшон воҳаси шеваларида кенг қўлланилади.

Нуткимизда шундай сўзлар борки, улар инсон қалбига зарар етказишга олиб келади. Шу сабабли одамлар бундай сўзларни қўллашда эҳтиёткорлик билан унинг ўрнига бошқа сўзлардан фойдаланишлари зарур бўлади..

Эвфемик воситалар қўлланиш даражасига кўра аввало икки гуруҳга: 1) умумнотқий. 2) хусусий нутқий эвфемаларга ажралади. Умумнотқий эвфема ҳамма қўллайдиган - тил эгалари томонидан бир хил тушуниладиган воситалардир¹. Ўзбек шеваларида, жумладан мазкур шеваларда ҳам умумнотқий эвфемалар ҳозирда ҳам кенг қўлланилади. Бу кўпроқ қуйидаги табулаштирилган объектлар учун ишлатилади:

Ўлим тушунчаси билан боғлиқ эвфемик воситалар. Ўлмоқ тушунчаси энг кўп қайта-қайта эвфемалаштирилган, улар дунёвий тушунчалар билан боғлиқ пайдо бўлган бўлади. Зарафшон воҳаси шеваларида ҳам бундай эвфемалар учрайди. Масалан: **ўлди ~ дунйодан оттъ*, элдмндн оттъ*, жэнь узьлдъ*, қазо қьлдъ*, бдлдрьнь тдшлп кеттъ*, бэлдрь йэлъз қэлдъ*, нэут болдъ*// нэут боллъ*, қипч. қдйтъш болдъ*** каби. Ёш болаларга нисбатан эса **нэвут болдъ*, беръп қойдък*** деб ишлатилади. Ёки кўймоқ тушунчасига нисбатан **қойъп қдйтмэғ*, жэйьгд бордъ*, жэйьгд қоймэғ*, ергд қоймэғ*** каби эвфемик воситалар қўлланилади. Ўлим тушунчаси билан боғлиқ маросим номлари **эктдшлдр*, куйлдж ечмэғ*, дзэчди*, қьрк сьндьрдъ*** каби. Таъзия бўлган хонадонларда ҳам одамлар ўликнинг яқин қариндошларига таъзия билдириш учун худ **сдбр берсьн*, бдндлък*, худэньнг ьшь бу*, хдммдньнг хдм бэшьдд бэр бу сдвдо*, козлдрььзнь эчььзлд*** каби эвфемик воситаларни қўллайдилар.

Оила қуриш билан боғлиқ эвфемик воситалар

Туғмоқ тушунчасини ифодалашда мазкур шеваларда **болдль бўлди* // бдчдль боллъ*** (Карм., Қизил.), **копдйьщдъ*, қозылашди*, эсэн-эмэн**

¹Омонтурдиев А. Ўзбек нутқининг эвфемик асослари.-Т. 2000.-266.

қутулды*, бошдндь* (Хат.), енгил болды*, днд болды*, қызль ёки оғьльль болды*, қипч. коз жарды*, улли болди. (Шарқ. қипч. ш.), женгиллашди*, тиллаға батышти*, пуллы бопты*, қулунлади* (Ғарб. қипч. ш.) каби эвфемалар қўлланилади.

Эргд бермџқ тушунчасини ифодалаш учун Зарафшон воҳаси шеваларида қуйидаги эвфемалардан фойдаланилади. қорл. уздтмџқ*, турмушга бермоғ*, эгдсыгд топшьрмџғ*, қъзынь чьқдрмџқ*, ждйлдштърмџғ* каби эвфемалар кўпроқ ишлатилади. қипч. жайлаштирмақ*, қуйавга бермақ*, қуйавгда чьқармақ*, башини қавиштирмақ* каби.

Ажрашмџқ сўзини айтишда мазкур шеваларда қуйидаги эвфемизмлардан фойдаланилади. қорл. дрдсь бузьлды*, дрднь џчьк қълмџқ*, џьлдсь бузьлды*, қипч. хдтънь минан арасы ачық*, хдтъньнь койды*, жавабънь берды* каби.

Бўғоз тушунчасини ифодалашда тадқиқ этилаётган шевада қуйидаги эвфемалар қўлланилиши кузатилади. қорл. џғърџёк*//қипч. авур аяқлы*, жуқлы*, ьккъ қдт*// қипч. экиқат*, бойьдд бџр*//қипч. бойыда бопты*, йуки џғър* каби. (Карм., Қизилт., Навб., Нурота, Хат. Пахт.).

Ҳозирда ўзбек тили ва унинг шеваларида эвфемизмлардан фойдаланишга эътибор қаратилмоқда. Чунки эвфемизмлар нутқимизни чиройли бўлишига олиб келади. Улар адабий тилни бойиши учун ҳам аҳамиятлидир.

Юқоридаги таҳлиллар асосида шундай хулосага келиш мумкин:

1. Зарафшон воҳаси шеваларидаги кўп маъноли сўзнинг семантик майдони адабий тилидагига нисбатан кенгроқ бўлиб, бундай кўп маъноли сўзлар тарихийлиги билан адабий тилдаги кўп маъноли сўзлар билан ўхшаш ва фарқли тамонларга эга. Бу мазкур ҳудуднинг тарихийлиги, халқнинг ментал хусусиятлари билан боғлиқлигини кўрсатади.

2.Тадқиқ этилаётган шеваларда кўп маъноли лексемаларнинг ташқи кўринишдаги шаклий ва вазифасидаги ўхшашлик асосида бир предмет, ходиса, ҳаракатдан иккинчисига кўчиш ҳолатлари мавжуд. Шунингдек, метонимия ва сўз маъноларининг торайиши йўли билан ўзгариши таҳлилларда кузатилади. Мазкур шеваларда кўп маъноли сўзларнинг бундай хусусияти шу ер аҳолиси нутқида қадимий сўзларнинг сақланганлигидан далолат беради.

3.Тадқиқ қилинаётган шевалар лексик синонимларга бойлиги билан ўзбек адабий тили ва бошқа шевалардан ўзгаликларга эга. Мазкур шеваларнинг луғат таркибидаги диалектал синонимлар қатори ўзбекча сўзлардан ва бошқа тиллардан ўтган лексик birlikлардан иборат.Зарафшон воҳаси шеваларини ареал ўрганиш натижасида синонимик қаторни ташкил этган сўзларнинг кўплиги ушбу ҳудуд шеваларининг ўзига хослигини белгилайди.

4.Зарафшон воҳаси шеваларида лексик омонимлар ўзбек адабий тилига қараганда кўпроқ маъноларга эга бўлиб,улар тасодифий фонетик ўхшашлик йўли ҳамда сўз маъноларининг тараққиёти натижасида юзага келишида бошқа ҳудуд шеваларидан фарқланиши кузатилади.Мазкур ҳудуднинг ўзида ҳам омоним сўзларнинг ўзаро ўзига хос томонлари мавжудлиги диалектал материалларнинг таҳлили кўрсатиб берди.

5.Тадқиқ этилаётган шеваларда антонимлар ҳам кўплаб учрайди. Уларнинг юзага келишида ташқи ва ички имкониятларнинг ўзига хослиги мазкур ҳудуд шеваларининг антонимларга бойлигини белгилайди. Мазкур ҳудуд шеваларидаги баъзи антонимлар аниқланган маънолари бошқа ҳудуд шеваларида учрамаслигини таҳлилий материаллар натижаси изоҳлайди.

6. Тадқиқ этилаётган шеваларининг ўзбек тили ва бошқа ўзбек шевалари билан муносабатини ўрганиш орқали мазкур шеваларда ўзбек адабий тилида қўлланилмайдиган, бошқа шеваларда учрамайдиган баъзи ўзига хос сўзлар ҳам учрайди. Бундай сўзлар келажакда туркий тиллар билан

муносабатни ўрганиш, шунингдек, ўзбек адабий тили лексикасини бойитиш учун манба бўлиши мумкин

7.Зарафшон воҳаси шеваларидаги эвфемик воситалар мазкур ҳудуд шеваларида қадимий кўҳна сўзларнинг сақланганлигидан далолат беради. Тилимизда мавжуд бўлган бундай эвфемик материаллар эвфемик услубшуносликни юзага келиши учун манба бўлиб хизмат қилади.

III БОБ. ЗАРАФШОН ВОҲАСИ ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИНИНГ ЛИНГВО-ГЕОГРАФИК ХАРИТАЛАРИ

3.1. Лингвистик хариталар ва шеваларни хариталаштириш

Халқнинг ментал хусусиятларини ўзида акс эттирган шеваларни ўрганиш, тадқиқ этиш дунё тилшунослигининг, жумладан, ўзбек тилшунослигининг асосий масалаларидан бири бўлиб, юқорида таъкидланганидек салмоқли ютуқлар қўлга киритилган. Диалектология соҳаси бўйича тўпланган фактик материаллар эса ҳар бир халқнинг адабий тилини бойишида асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилган. Шу боис бугунги кунда шеваларнинг бундай ўзига хос лисоний хусусиятларини чуқурроқ ўрганиш, уларни ареал лингвистика усулларида тадқиқ этишга катта эътибор қаратилган.

М.А.Бородинанинг таъкидлашича, ареал лингвистика соҳаси диалектология, лингвистик география ва ареалогиянинг ўзаро муносабати ва мантиқий давоми сифатида юзага келган¹. Бу ҳақдаги маълумотлар А.Жўраевнинг ”Ўзбек тилли худудни ареал тадқиқ этишнинг назарий асослари” номли монографик тадқиқотида кенг таҳлил қилинган.

Дарҳақиқат, “худудларнинг ўзаро алоқаси лисоний нуқтаи назардан анчайин динамик ҳисобланади, бу лисоний ҳодисаларнинг талқини, йўналишини аниқлаш имконини беради. Бу ўзаро алоқалар муқобил шакллар, сўзларнингш кириб келиши, кучлироқ шаклларни кучсизроқ шакллар томонга қараб силжиси турли лисоний мақомлар, яъни адабий тил ва шева, шева ва худуд шевалари кабиларнинг ўзаро алоқасида намоён бўлади.”²

Ареал лингвистика соҳаси айрим лисоний ҳодисаларнинг ареал тарқалиш йўллари аниқлаш, уларнинг қаерда шаклланганлиги, бу ҳодисалардан қайси бири тилнинг тараққий этишида аҳамиятли бўлганларини таҳлил қилиш ва уларни хариталаштириш билан

¹ Бородина М.А. О понятиях ”диалектология”, ”лингвистическая география”, ”ареалогия”, ”ареальные исследования”//Типы языковых общностей и методы их изучения тезисы.-М.,1984.-С.79-81.

² Взаимодействие лингвистических ареалов.-Л.Наука,1980.-276с.

шуғулланади.Шунингдек,” Ареал лингвистика муайян ҳудудларда тарқалган тил хусусиятларини умумлаштириб, ареал умумийлик-тиллар иттифоқи, шевалар изоглоссаларини аниқлаш ва уларни хариталаштириш ишларини амалга оширади.”¹

Жаҳон тилшунослигида бу соҳа бўйича XX асрда жуда катта илмий тадқиқот ишлари юзага келди. Ареал лингвистика соҳасидаги тадқиқотлар ҳинд-европа тиллари, славян тиллари, герман тиллари, роман тиллари, болқон тиллари материаллари асосида кенгайиб, катта ютуқларга эришилди².

XX асрнинг бошларида жаҳон тилшунослигида энг машҳур ва мукамал атлас ҳисобланган Жан Жильерон, Эдмонлар томонидан тузилган 12 жилдли “Француз тили атласи” (1903–1912 й.й.) ҳамда , Венккер, Вреде томонидан яратилган “Немис тили атлас”и (1876-1926й.й.) йилларда,шунингдек, Москва ФА рус тили институтида Р.И.Аванесов, Б.А.Ларин бошчилигида тузилган “Москва шарқидаги Марказий областлар рус халқи шевалари атласи”(1951), “Шимоли-ғарбий областлар рус халқ шевалари атласи”(1951)яратилди.

Шуни алоҳида айтиш лозимки, туркийшуносликда ҳам туркий тиллар ва шеваларини ареал ўрганиш бўйича кўпгина тадқиқот ишлари амалга оширилди.³

Тадқиқот объекти бўлган Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларининг лингвистик атласини яратишда, албатта, жаҳон тилшунослигидаги бундай самарали ютуқларга таяндик.

¹ Муродова Н.Ўзбек тили Навоий вилояти шеваларининг лингвоареал талқини. Тошкент.Фан.2007.4-6

²Макаев Э.А. Проблемы индоевропейской ареальной лингвистики.–М.Л.,1964; Аванесов Р.И.Выступление подокладам / Вопросы диалектологии тюркских языков. –Баку,1958.–С.139-141; Толстой Н.И. О соотношении центрального и маргинального ареалов в современной Славии // Ареальное исследования в языкознании и этнографии.–Л.,1977.–С.37-56; Жирмунский В.М. Немецкая диалектология.М.-Л.,1956.–636с; Бородин М.А. Предисловие / Народы и языки Сибири:ареальные исследования.М.,1978.–С.3-6; Бородин М.А.Проблемы лингвистической географии.–М.1966. –220 с., Десницкая А.В.К вопросу о предмете и методах ареальной лингвистики //Ареальные исследования в языкознании и этнографии.–Л.,1977.–С.22-29.

³Баскаков Н.А.Ареалы и маргинальные зоны в развит тюркских языков // Народы и языки Сибири: ареальные исследования.–М.,1978; Шералиев М.М.Азэрбáйжан диалектологийасынинг асаслари.–Баку,1981; Севортян Э.В. Ассимиляция и диссимиляция согласных в южных тюркских языках, Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков.1.Фонетика.–М.,1955; Гаджиева Н.З. Проблемы тюркской ареальной лингвистики: Среднеазиатский ареал.– М.,1975.–303с.

Юқорида таъкидланганидек, ўзбек шевашунослигида ҳозирги кунга қадар катта илмий тадқиқот ишлари қиёсий-тарихий методлар асосида амалга оширилган. Кўпгина ўзбек шевалари яхлит ҳолда қиёсий-тарихий, тавсифий жиҳатдан ўрганилиб, уларнинг таснифи ва таасифи яратилган.¹ Бундай тадқиқотлар ўзбек шеваларининг ареалини белгилаш, аниқлаш учун асос бўла олади. Умуман, ҳар қандай диалектологик иш айна замонда лисоний-жуғрофийдир. Шунини айтиш лозимки, ўзбек шевалари ареал йўналишида ҳам ўрганилган, баъзи ҳудудлар бўйича лисоний хариталари яратилган. Шунга қарамадан ўзбек шеваларининг барча кўринишлари ареал йўналишида етарли даражада ўрганилмаган. Бу тадқиқ этилаётган Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларини ареал ўрганиш, уларнинг хариталарини яратиш лозимлигини белгилайди.

Мазкур ҳудуд шеваларини лисоний-жуғрофик тадқиқ этиш қатор долзарб муаммоларни ҳал этишга ёрдам бериши, шубҳасиз.

Зарафшон воҳаси шеваларини ареал ўрганишнинг ўзбек тилшунослигида бу соҳадаги ишлардан фарқли томони шундаки, мазкур шеваларда тадқиқот объекти жуда кенг ҳудудларни: Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятларини ўз ичига олади. Бу мазкур ҳудуд шеваларининг ўзига хос томонларини юзага келишига асос бўла олади.

Тадқиқотимиз объекти бўлган Зарафшон воҳаси ҳудудини ареал йўналишида тадқиқ этиш, шу асосда лингвистик хариталар яратиш нафақат ўзбек тилининг, балки туркий тилларнинг долзарб муаммоларини ҳал этишга ёрдам беради.

¹ Решетов В.В. Маргиланский говоре узбекского языка. В сб. "Академику В.А. Гордлевскому". – М., 1953; Ш. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва халқ шевалари: Филол. фанлари д-ри. дис. Т., 1963. – 482б; Шерматов А. Проблемы исторического развития и современного функционирования узбекских диалектов: Дис.... д-ра филол. наук. – Т., 1978. – 339б; Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари. – Тошкент: Ўзакадемнашр, 1961. – 347б; Иброҳимов С. Ўзбек тилининг касб-хунар лексикаси (Фаргона шеваларининг материаллари асосида): Фил. фанлари д-ри. дисс. – Тошкент, 1960. – 471б; Мирзаев М. Бухоро группа шевалари. Фил. фан. д-ри. дисс. – Тошкент, 1965. – 461б; Жўраев Б. Юқори Қашқадарё ўзбек шевалари. – Тошкент, 1969. – 168б;

Ўзбек тилшунослигида лингвистик хариталар яратишнинг назарий асослари диалектолог олимлар А.Шерматов, А.Жўраевнинг илмий асарларида ҳам кенг ёритиб берилган.¹

Диалектолог олим А.Шерматов лингвистик хариталар яратиш борасида шундай фикрларни билдиради: лингвистик атлас-лингвогеографик тадқиқотнинг асосий нуқтасидир. Синхроник тадқиқот натижаси ҳисобланган лингвистик картада тил тарихининг ҳамма даври ўз аксини топиши мумкин. Лингвистик карталар 2 хил методга асосланиб тузилади. 1)Лингвистик структурани тадқиқ қилиш методи. 2)Тил ландшафтини ўрганиш методи.²Бу назарий қарашлар олимнинг Қашқадарё ўзбек шевалари бўйича тузилган 100 дан ортиқ хариталарида ўз ифодасини топди.

Ўзбек тилшунослигида А.Жўраев томонидан макон ва замон тилшунослиги (ареал лингвистика)нинг назарий асослари, уни ўзбек тили майдонини минтақалаштириш, диалектал минтақа (диалектная зона) ва номинтақавий қисмлар ривожда татбиқ этиш усуллари тавсия этилди.³ Тадқиқот объекти бўлган Зарафшон воҳасининг диалектал минтақалари ареал йўналишда ўрганилиб, лингвистик хариталарини яратишда жаҳон тилшунослигидаги ютуқларга, харита тузиш тамойилларига, А.Шерматов, А.Жўраевларнинг харита тузиш назарияларига таянилди.

Шунингдек, ўзбек шеваларини ареал тадқиқ этишда Қ.Муҳаммаджонов, Й.Иброҳимов, Н.Муродоваларнинг монографик тадқиқотлари катта аҳамиятга эга⁴. Бугунги кунда ўзбек шевашунослигида йирик монографик асарларнинг яратилганлиги шеваларни қиёсий-тарихий ва тил ҳодисаларининг тарқалишини аниқлаб берувчи ареал йўналишда ўрганиш, шу асосда хариталар яратиш учун манба бўла олади. Шу боис Зарафшон воҳаси шеваларининг лексик хусусиятлари ареал йўналишда

¹Шерматов А.Лингвистик география нима?-Т.,Фан.1981.106. Джураев А.Теоретические основы ареального исследования узбекоязычного массива.–Т.1991. –С.218.

²Шерматов А.Лингвистик география нима?-Т.,Фан.1981.156

³; Джураев А.Б.Теоретические основы ареального исследования узбекоязычного массива.–Ташкент: Фан,1991.

⁴Муҳамеджанов К.Ареальное исследование узбекских говоров Южного Казахстана: Автореф.дис...д-ра филол.наук.–Т.,1988.–44с; Й.Иброҳимов. Жанубий Оролбуий ўзбек шевалари тадқиқи: Филол. фанлари д-ри ... дис. – Т., 2000; Муродова Н. Ўзбек тили Навоий вилояти шеваларининг лингвоареал тарқалиши: Филол. фанлари д-ри ... дис. – Т., 2006.–36.

ўрганилиб, унинг харитасини яратишда жаҳон тилшунослигининг бу соҳадаги тажрибаларига, юқоридаги диалектологик, лингвогеографик илмий тадқиқот ишларига таяндик.

Ўзбек шеваларида сақланиб келаётган ўзбек халқининг этнографияси, халқ ҳаётининг муайян соҳалари шева сўзларининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилган ҳолда уларнинг ареал тарқалишини ўрганиш, хариталар яратиш зарур. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, “хариталаш учун маълумотлар танлаш умуман олинган лисоний воқеликка эмас, балки контраст воқеликка таяниши лозим, бунда шева сўзларини таққослаш йўли билан харитада уларнинг шева ҳудудлари турлари ва ўзаро алоқалари, чегара зоналаридаги инновация, марказ ва воқеликнинг тарқалиши кабилар ҳақида харитадан кўргазмалар ахборот олиш мумкин.”¹ Дарвоқе, шева хусусиятини ўзида акс эттирган ҳар қандай шева воқелиги лингво(лисоний)жўғрофик хариталаш ашёси бўлиши учун аниқ имкониятига эга.²

Академик Ш. Шоабдурахмонов айтганларидек, ўзбек шеваларида яна ўзига хос лексик гуруҳ борки, улар шу шева вакиллариининг моддий ҳаёт шароитлари, шу шева жойлашган ҳудуднинг экономика ривожини билан боғлиқдир³. Шу боис ҳам ҳар бир ҳудуд, жумладан, Зарафшон воҳаси шевалариининг ўзига хос хусусиятлари хариталаштиришда бу инобатга олинди.

Ареал лингвистика соҳасининг етук олими М.А.Бородина ёзганидек: “Лисоний география фақат тилнинг ички таркиби билангина боғлиқ эмас, у баъзан тадқиқотчини мамлакат халқлари, савдо йўллари ва айрим аҳоли пунктлари тарихи билан боғлиқ тилнинг ташқи тарихи юзасидан ҳам кутилмаган натижаларга йўлиқтиради”.⁴ Буни тадқиқот давомида тўпланган шева материаллари таҳлилидан билиш мумкин.

¹ Иброҳимов Й. Жанубий Оролбуйи ўзбек шевалари тадқиқи: Филол. фанлари д-ри ... дис. – Т., 2000. 274б

² Жирмунский В.М. О диалектологическом атласе тюркских языков // ВЯ. 1963. №6. 3с.

³ Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва халқ шевалари // Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.: 1962. 4000 б.

⁴ Бородина М.А. Проблемы лингвистической географии. – М. – Л., 1966. – С. 8, 47

Лингвистик хариталарда тил учун муҳим бўлган лисоний ҳодисалар бўйича тўпланган материалларни беришда изоглоссалардан фойдаланилади. Умуман олганда, изоглосса ҳодисанинг тарқалиш ареалини белгиловчи белгидир. Лисоний ҳодисалар турли хил бўлгани учун ҳам изоглоссалар ҳам фонетик, фонологик, морфемик, морфологик, лексик синтактик бўлиши мумкин. Маълумки, диалектолог маълум бир ҳудуддаги шеванинг ўзига хос хусусиятларидан 200-300 турдаги ўзига хосликни қайд этса, ареалог шу ҳодисалардан энг аҳамиятли маълум бир шеванинг ўзига хос анталогик хусусиятда акс эттирувчи 2-3 белгини (ҳодиса, қонуниятни) изоглосса мазмуни сифатида танлайди ва шу ҳодисанинг тарқалиш маконини (ареалини) аниқ белгилашга ҳаракат қилади.¹ Шунинг учун ҳам Зарафшон воҳаси ўзбек шевалари бўйича яратилган хариталарда лексик изоглоссалардан энг асосийларининг ареали берилди.

Лингвистик хариталарга туширилган изоглоссаларнинг марказ ва чекка нуқталари ҳам изоҳланади. Бирор диалектал лексеманинг ареал тарқалиши ўша ҳудуд учун марказ бўлса бошқа ҳудуд учун чекка нуқтаси бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ўзбек шеваларининг лисоний атласини яратиш нафақат ўзбек тилшунослигининг, балки, умумтуркийшуносликнинг долзарб муаммоларини ҳал этишга ёрдам беради. Чунки, диалектологик атлас тил ҳодисаларининг туркий тиллараро ҳудудий тарқалиши ва тил тарихий тараққиётининг баъзи чигал масалаларини ҳал қилишга имкон беради. Мазкур ҳудуд бўйича тузилган лисоний хариталар келажакда яратиладиган ўзбек тилининг диалектологик харитаси учун асос бўла олади.

¹Муродова Н. Ўзбек диалектологияси, Т., Barkamol fayz media, 2019. 128б.

3.2.Зарафшон воҳаси ўзбек шевалари лексик хусусиятларининг лингвогеографик хариталари

Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларининг лингвистик хариталарини яратишда В.В.Решетов, А.Шерматов, М.А.Бородина, Р.И.Аванесов, В.М.Жирмунский, Г.Ф.Благова, Н.З.Гаджиева, Қ.Муҳаммаджонов, А.Б.Жураев, Й.Ибрагимов, Н.Муродова, И.Дарвешов, Н.Раҳмонов каби диалектолог олимларнинг ареал лингвистика соҳасидаги илмий назарий манбаларига асосландик.¹

Зарафшон воҳаси ўзбек шевалари лексик хусусиятларининг ареали Ўзбекистон ҳудудлари бўйича қиёсий тадқиқ этилиб, республиканинг барча вилоятларида диалектологик экспедициялар ўтказилиб, экспедиция давомида тўпланган фактик материаллар асосида Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларининг лингвистик атласи яратилди. Шунини айтиш жоизки, анъанавий тадқиқ усулларида фарқли равишда, ҳар бир диалектал ҳодисани макон ва замон тилшунослиги (ареал лингвистика)нинг назарий асосларида ўрганиш Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг ҳудудий тарқалишини очиб берувчи хариталарни юзага келишига сабаб бўлди. Ўзбек тили Зарафшон воҳаси шевалари бўйича бундай атлас яратилмаган. Агар шундай атлас яратилса, улар Ўзбекистоннинг лисоний манзарасини акс эттирувчи лингвистик атласларнинг яратилишига манба бўлиб хизмат қилади.

¹ Решетов В.В. О диалектологическом атласе узбекского языка // Второе региональное совещание по диалектологии тюркских языков. – Казань, 1958. – С. 16-20; Шерматов А. Проблемы исторического развития и современного функционирования узбекских диалектов (по материалам говоров Низовья Кашкадарьи): Дис. ... д-ра филол. наук. – Т., 1978; Бородина М.А. О типологии ареальных исследований // Проблемы картографирования в языкознании и этнографии. – Л.: Наука, 1974. – С. 43-54; Аванесов Р.И. Выступление по докладом // Вопросы диалектологии тюркских языков.-Баку,1958.-С.139-141.;Жирмунский В.М.О диалектологическом атласе тюркских языков//ВЯ.№6.-1963.-С.3. Благова Г.Ф.Тюркское склонение в ареально-историческом освещении (юго-восточный регион). – М.: Наука,1982. –С.304; Гаджиева Н.З. Проблемы тюркской ареальной лингвистики: Среднеазиатский ареал – М., 1975. – С. 303; Мухамеджанов К.Ареальное исследование узбекских говоров Южного Казахстана.Автореф.дис. ...д-ра филол.наук.-Ташкент,1988.-44с. Джураев А.Б. Ареальная лингвистика. Сущность и структура //Тюркология. – 1988. – №6. – С. 21-27; Ибрагимов Й. Жанубий Оролбуий ўзбек шевалари тадқиқи: Филол. Фанлари д-ри ... дис. – Т., 2000. Муродова Н. Ўзбек тили Навоий вилояти шеваларининг лингвоареал талқини: Филол. фанлари д-ри ... дис. – Т., 2006. 309 б.; Дарвешов И. Жануби-ғарбий Наманган шевалари фонетик-фонологик хусусиятларининг ареал тадқиқи. Филол.фан.фал.д-ри дисс.автореф. –Фарғона, 2018. –24б. Раҳмонов Н.Ўзбек тили Навоий вилояти ўзбек шевалари морфологик хусусиятларининг лингвоареал тадқиқи .Филол.фан.бўй.фалс.док(PhD) ...дисс.Самарқанд.2019.-139б.

Зарафшон воҳаси шеваларининг ўзига хос лисоний хусусиятларини белгилаш, уларни хариталаштириш тадқиқ этилаётган ҳудудларда ўзбек тили етакчи (қарлук, қипчоқ, ўғуз) лаҳжаларининг бир-бирига таъсирини аниқлашда, шунингдек, ўзбек халқининг қадимий урф-одатларини, маданий қадриятларини, халқ оғзаки ижодини ўрганишда аҳамияти катта бўлди. Мазкур ҳудуд шевалари ареал ўрганилганда луғат таркибида умумтуркий сўзларнинг кўплиги фактик материаллар изоҳидан хулосаланди. Маълумки, Туркий тиллар ўртасидаги муштараклик, ўхшашлик уларнинг генетик жиҳатдан бир манбага алоқадорлигидандир. Бу тилни бойишига олиб келган. Дарҳақиқат, тадқиқотимиз объекти бўлган Зарафшон воҳаси ҳудудида кўплаб миллат вакиллари истиқомат қилишади. Шу боис ҳам ҳудудда ўзбекча-тожикча, қозоқча-ўзбекча икки тиллилик; тожикча-ўзбекча-русча, қозоқча-ўзбекча-русча уч тиллилик учрайди. Шу боис мазкур ҳудуд шеваларининг луғат таркибида ўз қатламга оид сўзлардан ташқари бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Ушбу ҳудуд шеваларининг ўзига хос лексик-семантик хусусиятлари борлиги ҳам шундадир. Бунга изоглоссаларнинг хариталарда берилишида гувоҳ бўлинди. Юқорида таъкидланганидек, бу хусусиятлар қатор омиллар билан изоҳланди.


Тадқиқот натижаларига кўра мазкур ҳудуд шевалари бир хилда эмаслиги тўпланган материалларнинг таҳлили асосида изоҳланди. Сабаби мазкур ҳудуд шеваларига туркий тиллардан қозоқ тилининг, туркий бўлмаган тожик тилининг ўзаро таъсири борлигидандир. Хариталаштириш тилларнинг бир –бирига таъсир доирасини белгилаш, ҳамда уларнинг ҳудудий тарқалиш ареалини аниқлаш имконини берди. В.М.Жирмунскийнинг таъкидлашича, ҳар бир миллий республика ҳудудида қўшни миллий гуруҳ ва уларнинг шевалари яшайди, айрим ҳолларда бундай лисоний тарқоқлик хилма-хил бўлиб кетади. Лингвистик география услубига айланган миллий диалектологик атлас бу ҳодисани рад эта олмайди, негаки ўзаро яқин тил ва шеваларда гапирувчи халқларнинг бундай узоқ йиллар ёнма –ён яшаши


натижасида, шубҳасиз, турли тилларда сўзлашувчи кўшнилари орасида мураккаб тарихий – лисоний жиҳатдан ибратли ўзаро алоқалар амалга оширилади.¹


Зарафшон воҳаси шеваларидаги лисоний бирликларнинг ареалини хариталаштириш орқали тадқиқ этилаётган ҳудудларда 50дан ортиқ уруғ-қабила номлари сақлангани ўрганилди. Зарафшон воҳаси ўзбек шевалари харитасида мазкур ҳудуд бўйича тўпланган диалектал сўзларнинг лексик бирликларидан ўзбек тили ва туркий тиллар учун муҳим бўлганлари акс эттирилди. Маълумки, шеваларнинг ареал тарқалишини ўрганишда унинг марказ ва чекка нуқталари ҳам белгиланади. Бирор ҳодиса бир ҳудудда кенг тарқалган бўлса шу ҳудуд учун марказ ҳисобланади, бошқа ҳудуд учун чекка нуқтаси бўлади. Бошқа бир ҳодисада унинг тескараси бўлиши, табиий. Мазкур ҳудуд бўйича яратилган лингвистик хариталарда берилган лисоний ҳодисаларнинг марказ ва чекка нуқталари ҳақидаги маълумотлар хариталар изоҳида берилди.


Зарафшон воҳаси шевалари лексикаси бўйича тўпланган диалектал материаллардан асосий лисоний бирликлар хариталаштирилди. Хариталаштиришда турли хил геометрик белгилардан: доира, тўртбурчак, ромб, учбурчак ва б.ш.к. фойдаланиб, карта тузиш тамойили асосида диалектал лисоний бирликлар жойлаштирилди. Хаританинг чап томонида график белгиларнинг ўқилиши жойлашган. Зарафшон воҳаси бўйича тадқиқ этилган аҳоли пункти харитага туширилди.


¹Жирмунский В.М.О диалектологическом атласе тюркских языков//ВЯ.-1963.№6.-С 3-18.




















Зарафшон воҳаси шевалари лексикасининг диалектал хариталарига

Изоҳлар

1-харита.Зарафшон воҳасидаги таянч аҳоли пунктларининг жойлашиш харитаси.Харитага 105 та аҳоли пункти жойлаштирилди.

2-харита. Дўппи лексемасининг ареал тарқалиши

Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларида ўзбек адабий тилидаги миллий бош кийимини **каллапўш // калпўш, калавуш, калвош, қалпоқ, тоқия // тохия // тоққи, дўппи // тўппи** сўзлари ифодалайди. **Каллапўш // калпўш** диалектал сўзи Бухоро вилоятининг қарлуқ ва ўғуз типли шеваларида, Навоий вилоятининг Қизилтепа шеваларида кенг тарқалган. Шунингдек, бу сўз қипчоқ типли шеваларда, жумладан, Пахтачи туманининг Хайробод шевасида ҳам учрайди. **Қалпоқ // қолпоқ** диалектал сўзи тадқиқ этилаётган худуднинг қипчоқ типли шеваларида кенг тарқалган. **Тоқия // тохия** сўзлари қипчоқ типли шеваларда, жумладан, Пойариқ туманининг Фаровон, Қўштамғали, Баркун; Қўшработ туманининг Жўш, Чиммос, Оқчобсой; Булунғур туманининг Мингчинор; Самарқанд туманининг Гулбоғ; Конимех туманининг Чордара, Хатирчи туманининг “Лангар” маҳалла фуқаролар йиғини худудидаги Торома, Қозоқ қишлоқлари шеваларида учрайди. Ўзбекча-тожикча икки тилли Деҳибаланд, Ғазгон, Нурота шаҳар шеваларида эса **тоқи** тарзида учрайди. **Дўппи // тўппи** шакли Конимех туманининг Дўнгалак, Шўртепа шеваларида мавжуд. Харитадан кўринадики, **калвош** диалектал сўзи қипчоқ типли айрим шеваларда, Хатирчи туманидаги Полвонота, Боғчакалон, Тасмачи; Пахтачи туманидаги Зиёвуддин кўрғони шеваларидагина учрайди.

3-харита. **Сигир** лексемасининг ареал тарқалиши

Тадқиқ этилаётган худуд ўзбек шеваларида адабий тилдаги “сигир” сўзини ифодалашда **инак, мол, гав, сийир** диалектал сўзлари учрайди.

Инак диалектал сўзи Бухоро вилоятининг қарлуқ ва ўғуз типли шеваларида, Навоий вилоятининг Қизилтепа шеваларида кенг тарқалган. **Мол** диалектал сўзи тадқиқ этилаётган ҳудуднинг қипчоқ типли барча шеваларида сигир маъносида учрайди. **Гав** шакли эса ўзбекча-тожикча икки тилли Нурота шаҳри, Ғазғон, Деҳибаланд; Самарқанд туманининг Гулбоғ, Мирзо Улуғбек қишлоқлари шеваларида учрайди. **Сийир // сийр** диалектал сўзи **сигир** сўзининг диалектал фонетик шакли бўлиб, тадқиқ этилаётган ҳудуднинг қипчоқ типли шеваларида кенг ареалда учрайди.

4-харита. **Ёстик** лексемасининг ареал тарқалиши

Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларида ўзбек адабий тилидаги **ёстик** сўзи **йастик // йастук, дастик, жастик, болиш, таксар** каби диалектал кўринишларда учрайди. **Йастик // йастук** диалектал сўзлари кенг ареалда, яъни Бухоро вилоятининг қарлуқ ва ўғуз типли шеваларида, Навоий вилоятининг Қизилтепа, Кармана, Навбаҳор туманларининг қарлуқ типли қишлоқ шеваларида қўлланади. **Дастик** ва **болиш** диалектал сўзлари тадқиқ этилаётган ҳудуд қипчоқ тип шеваларида кенг ареалда учрайди. **Жастик** сўзи қипчоқ типли Нуробод туманининг Сарой қишлоғи ҳамда Конимех туманининг Дўнгалак қишлоқлари ўзбек шеваларида қайд этилди. Шунингдек, ўзбекча-тожикча икки тилли Нурота шаҳар, Деҳибаланд, Ғазғон шеваларида **таксар** сўзи ишлатилади.

5-харита. **Ялпиз** лексемасининг ареал тарқалиши

